

# ШУКУР ДАДАШ

С а й л а н м а

---



*Шукрона*

---

МАЖБУРИЙ  
НУСХА

  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
Тошкент  
2014

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7 - 9.5. араб.

Д-15

**Дадаш, Шукур**

Сайланма. Шукрона / Шукур Дадаш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. 236 б.

ISBN 978-9943-27-171-5

Кириб келган қутлуф йилимизнинг биринчи санасида олти-миш беш ёшани қаршилаган севимли шоиримиз ўзининг тўйига тўёна билан келибди. Фалсафий йўналиш, ўзига хос шакл-шамойил касб этган шеърларидан ажойиб бир гудаста тайёрлабди. Ушбу тўплам сиз азиз шеърят мухлислари кўнглига завқ бағишлашига ишончимиз комил.

УЎК: 821.512.133-1


КБК: 84(5Ў)7

Ю 42330  
391

ISBN 978-9943-27-171-5

© Шукур Дадаш, «Сайланма». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

2014/18	
A	
1546	non MK



Дилдан отилган туйгу,  
Юрагимнинг амри бу!  
Хар сатри -- дил Хатраси,  
Эгур умр лаҳзаси!

### **ТАВАЛЛО**

Майли, жабр тиғи тилсин бу таним,  
Андух тошларига урилсин бошим.  
Майли, хузур қилсин ҳолимдан ганим,  
Майли, юз ўгирсин дўстим-сирдошим.

Майли, билмасинлар заррача қадрим,  
Дард-ситам ғазнига тўлай тинмай бож.  
Аммо бир ўтинчим, сенга, эй Тангрим,  
Бир зум ҳам этмагил номардга муҳтож.

### **САККИЗЛИК**

Ҳаётда учратдим ҳалол лабз деб,  
Ўзин оромидан кечган улфатни.  
Шоҳидман, мард дўстнинг «Йигит сўзи» деб,  
Елкага олганин ўзга кулфатни.

Афсус гувоҳ бўлдим, минг афсус, дўстлар,  
Мунофиқ, беимон, худбин инсонга.  
Дўстликдек бебаҳо улуғ неъматни,  
Алмашди мансабдек кўпик унвонга.

### **АГАР...**

Ариқнинг четига ташланган данак,  
Униб у, кўрсатди нозик танасин.  
Шу тариқа ўсди бегона ўтдак,  
Ҳеч ким ўйламади сувин, панасин.

Ой-у йиллар ўтди, ўсиб басавлат,  
Кўтара олмади йўғон гавдасин.  
Томири нақадар бўш эди аммо,  
Деворга ташлади барча новдасин.

Зарари тегмасин дея одамлар,  
Танига қўйдилар арра беомон.  
Балки узун умри бўлмасди қисқа,  
Парвариш айласа эди бир боғбон...

### **ОЙША ОНА СЎЗЛАРИ**

Башарлар улуғи, сарвари олам —  
Пайғамбар пойига зор эди диллар.  
Буюк зот рухсорин бир кўрмоқликни  
Савоб деб биларди азалдан эллар.

Ул Набий имкони эди сарҳадсиз,  
Неники истаса бари муҳайё.  
Ҳукм-фатволари ўзгармас қонун,  
Изидан қуварди шухрат, мол-дунё.

Лек уммат ғамида ўтдилар сокин,  
Қалб кўрин улашиб, ҳар бир инсонга.  
На юмшоқ бир болиш кўрди азиз бош,  
На қорин тўймади ҳеч арпа нонга.

## **ДАРАХТ**

Баҳор чоғи чиқарса япроқ,  
Куртак дея атар эдилар.  
Оличадай гулласа оппоқ,  
Бу ёшликнинг рамзи, дедилар.

Ёз келганда қарқара бўлиб,  
Булбулларга бўлди ошён.  
Кузда бағри ҳосилга тўлиб,  
Қувонтирди элни беармон.

## **САМАР**

Атак-чечак қилиб ота фарзандин,  
Қўлтиқтаёқ мисол бўлди мадакдор.  
Инжиқ одатларин йўйди ёшликка,  
Қалби пора бўлиб топса ҳам озор.

Умр навбаҳори айлангач кузга,  
Барг каби умиди учди ҳавога.  
Суйолмади қаддин номард ўғлига,  
Суянди беминнат ёғоч асога.

## **ВИСОЛ**

Ой сайрга чиқиши билан,  
Юлдузини ахтара кетди.  
Қора булут юлдузни шу он,  
Ҳасад билан юзин беркитди.

Айрилиқдан ошиқ тўқди ёш,  
Бошин қуйи солганча қолди.  
Малҳам бўлиб дўстига қуёш,  
Булутларни зумда йўқотди.

Сахийлигин кўриб шу замон,  
Севаман деб висолга борди.  
Лек йўқ эди ҳеч қандай имкон,  
Ўзи қуёш ортида қолди!..

## **ТЕРАК**

Эшигим олдида басавлат терак,  
Тик ўсар, кўз қувнар бўю бастига.  
Дераза ортидан кузатсам сергак,  
Тош отади биров, тушиб қасдига.

Одамларга тегмас эмиш сояси,  
Мевасиз деб уни қилмишлар бадном.  
Устунга ярармиш фақат пояси,  
Оддий ёғоч эмиш, хулласи калом.

Билмам, нимагадир қайси бир киши,  
Ўйламасдан ёмонотлиғ қилибди.  
Бировга ёқмаса тўғри ўсиши,  
Бошқача яшашни қайдан билибди!

## ТАШБЕҶ

Кўк гўё араздек солган қовоғин  
Ҳасаддан булутлар тўсган зиёни,  
Дида ҳам шу тундик, мисоли зулат.  
Бешафқат ҳукмига олган дунёни.

Ҳориган деҳқондек бўрсиқиб юзи,  
Осмон узра офтоб аста қўйди бош.  
Қоронғу пардасин йиртгач батамом,  
Кўкда ҳам, қалбда ҳам балқиди қуёш.

## САВОЛ

Бир туп олма айнаи ёзнинг кечида,  
Фарқ пишди қуёшдан нур эмиб, тўйиб.  
Ёмони бор эди унинг ичида,  
Жимиб турар эди қовжирақ бўлиб.

Бўрон чайқатди-ю, ул туп олмани,  
Пишганларин тўкди тупроққа дув-дув.  
Ажаб, тўкилмади нега ёмони,  
Ахир унинг нафи ҳеч кимга йўқ-ку.

## ХАЛҚИМ

Буюк халқим жўшқин бир денгиз,  
Томчиман мен, кичик зарраси.  
Бағри кенгдир, юраги тубсиз,  
Гул масканга чиқиш марраси.

Уриламан гоҳи қирғоққа,  
Жажжи қалбим амри туфайли.  
Мен оқаман фақат шу ёққа,  
Қайга бўлса мен шайман, майли.



Қатраларнинг гоҳо қанчаси,  
Айро тушар она баҳридан.  
Зероки, мен халқим парчаси,  
Ажралмасам бўлди бағридан.

## **ШУКРОНА**

Эзгулик изидан чиқмадим бир дам,  
Номарду нокаста эгмадим бошим.  
Самимий инсонга бўлдим ёр, ҳамдам,  
Эътиқод ва иймон бўлди қуёшим.

Хаёт тегирмони гоҳо янчса ҳам,  
Давлат деб кечмадим инсоф, иззатдан.  
Гоҳ тухмат камони ёйин санчса ҳам,  
Асло чарчамадим савоб, ҳимматдан.

Тўғрилиқ, ҳалоллик бўлди шиорим,  
Вафо-ю оқибат кирди қонимга.  
Маънодор кечмоқда куз, ёз, баҳорим,  
Шукрона айтаман ҳар бир онимга.

## **ДИЛ ИЗҲОРИ**

Шоирлар қадимдан ёрнинг юзини  
Ўхшатиб келишар энг гўзал гулга.  
Шу гулга маст бўлган ошиқ ўзини  
Қиёс этар экан куйчи булбулга.

Севгилим, жамолинг нурли, беқиёс,  
Уни кам кўрмайман ҳеч қайси гулдан.  
Майли, гулга ўхша, очилгин қийғос,  
Лек гулдай тез сўлма, тилайман дилдан.

## ЖАННАТМАКОН ЎЛКА

*(Маҳмуджон хожи ҳикояси)*

Арофат тоғида чўкканда оқшом  
Бир аробий менга айлади калом

– Эй, ўзбек муслими, илтимос сенга  
Диёринг ҳақида сўзласанг менга

Қайда ўзи ўлканг, қайси маконда?  
Тоғлар бағридами ё биёбонда?

Дерлар салкам аср халқинг бечора  
Тутқундан юраги бўлганмиш пора

Ислом тақиқ экан йўқмиш ибодат  
Европача эмиш ҳатто урф-одат.

Макка зиёрати экан бир эртак  
Ушалмай келаркан дилдаги истак

Мана неча йилки гувоҳман ўзим  
Юртдошларинг кўриб қувнайди кўзим.

– Ҳа, бордур биродар сўзларингда жон  
Эл-юртим ўтмиши кечмади осон

Минг шукур барчаси орқада қолди  
Ватаним ҳур ўлка номини олди.

Ватанки тўрт фасл мужассам унда  
Қуёш соғинади кўрмаса кунда

Эътиқоди Ислом, Ватан-юраги  
Элга хизмат этиш эзгу тилаги

Дилида Аллоҳдур, меҳнатда қўли  
Қуёшдек мунаввар танлаган йўли

Фурурли миллатдир, буюк тили бор  
Аждодлардан мерос суюк урфи бор.

Йигирма йилдирки тиниқ осмони  
Ҳақ йўл кўрсатувчи бордир сарбони

Сарбаланд, пурвиқор азим тоғлари  
Бол билан тўлиқдир гўзал боғлари.

Офтобдан нур эмган анжир, анори  
Новвотдек ўриги ҳар дардга дори.

Қовуни тил ёрар, асал нокида  
Беҳи бўй таратар ҳатто шоҳида.

Мисли марвариддек узум товланар  
Ёноқли олмаси оловдек ёнар.

Қавсардан қолишмас зилол булоғи  
Об-ҳаётга сероб замин ҳар ёғи.

Тупроғи олтиндир сахий, бағри кент  
Насли одам борки бари бирдек тенг.

– Сўзласам ҳикоям бўлар кўп дoston  
Бу менинг Ватаним ҳур Ўзбекистон!

Аробий бир нафас хаёлга ботди  
Сўнг менга юзланиб аста сўз қотди:

– О, хорижлик соҳиб, шакар тилингга  
Чин ўғлон экансан Ватан, элингга

Сўзингда йўқ экан заррача ёлғон,  
Тасвир этганингдек бўлса ул макон

Миллатинг Муҳаммад уммати экан,  
Юртинг бу дунёнинг жаннати экан.

### **КИМ ОЖИЗ?**

Қадди букикрок кўр, қўлида ҳасса,  
Пайпаслаб кетарди кўча четидан.  
Чорраҳага етиб, тўхтади аста,  
Томчи йилтирарди оппоқ бетидан.

Негадир адашиб кетди йўлидан,  
Ҳасса дўқиллатиб турар паришон.  
Қани биров келиб тутса қўлидан,  
Оро кирармиди жонига шу он.

Бир йигит ёнидан ўтиб кетди тез,  
Қўлтиққа кирмади, кўрмади уни.  
Айтинг-чи, дўстларим, ожиз ким, ожиз,  
Ҳавола қиламан сизга мен буни.

## **ХОНАНДАГА**

Бир ёнда гижжагу, бир ёнда дотор,  
Гармон оҳангига жўрдир доира.  
Хонанда ғоз турар, қўлда садаф тор,  
Қаранг, унга қанча чолғу овора.  
Нечун хонандага шунча чолғу соз,  
Гар унда бўлмаса тузукроқ овоз.

## **ТАҚДИР**

Омад ила бахтига,  
Топилди бисёр ошно.  
Гўё тайёр эдилар,  
Жонин этмоққа фидо.

Мансаб ила бахтига,  
Қондош бўлди бегона.  
Ҳатто куймоқ бўлдилар,  
Ўтда мисли парвона.

Қатъият ва аҳдига,  
Дўстлар эди саноқли.  
На сўзамол, на бирор,  
Хушомадга яроқли.

Дафъатан кетди омад,  
Узилди амал тори.  
Ёнида қолди танҳо,  
Жигари, фарзанд, ёри.

## УМР

Тун ётиб, эрта тонг яна турамиз,  
Гоҳ хазин, гоҳида қувноқ юрамиз.  
Гоҳ ширин, гоҳ ғамгин хаёл сурамиз,  
Лек умр ўтганин сезмай қоламиз.

Биримиз ортдамиз, биримиз моҳир,  
Ким қора Ботиру ким эса Тоҳир.  
Теппа-тенг бўламиз оқибат охир  
Лек умр ўтганин сезмай қоламиз.

Вақтида билмадик гуноҳ не савоб,  
Амал деб айладик бандани тавоф.  
Хаёт китобини ўқиб бобма-боб,  
Лек умр ўтганин сезмай қоламиз.

Эй, Шукур, заминга эрурмиз меҳмон,  
Туш каби лаҳзадир бу фоний жаҳон.  
Шоҳ-гадо топурумиз ягона макон –  
Лек умр ўтганин сезмай қоламиз.

## СОҒИНЧ

Олтин водий, атир буйли  
боғларингни соғиндим,  
Кўкдан бўса олмоқ бўлган  
тоғларингни соғиндим.

Танга даво, тоза ҳаво  
шу гулшандан бошланур  
Қировли тонг, ойли оқшом  
чоғларингни соғиндим.

Шоҳимардон гул бағрингда  
завқ ила юргим келар,  
Кўк шаршара чашма сувинг  
остида тургим келар.

Кўли Қуббон кўларингда  
тафтим босиб сузгим келар,  
Оқ сув, кўк сув дард шифоси  
сойларингни соғиндим.

Танти марддир фарзандларинг  
сахийликда ягона,  
Меҳмон деса жонин берар  
атрофингда парвона,  
Меҳмон эмас ўғлон деб кут  
жаннатмакон Фарғона,  
Шўх сайлга чорлагувчи  
ойларингни соғиндим.

## **МУҲАББАТ**

Талпиниб яшаркан одам дунёда,  
Демакки, ҳаётга муҳаббати бор.  
Тилаги, севгиси ҳаддан зиёда,  
Интиланган инсонга жаҳон келмас тор.

Умрлар зийнати – фақат муҳаббат,  
Муҳаббат – Ватанга! Қизгин юракка.  
Муяссар бўлса гар бу олий хислат,  
Жону қон киргизар ҳар бир тилакка.

Шу кекса дунёнинг кенг елкасида,  
Менинг митти қалбим севгидан сўзлар.  
Юртим мақтовида битдим қасида,  
Қанийди сизни ҳам яйратса, дўстлар.

Она сутини-ю Ватан бурчини,  
Оқламоқ зеҳнда, қалбда фарзу қарз.  
Оламнинг меҳрини, ернинг кучини,  
Сингдирамиз танга, жонга беғараз.

Мен ҳам севилганман, севганман мен ҳам,  
Хаёлларда кечган тунларим бедор.  
Мушфиқ онами ё вафодор санам,  
Мен улар шаънига жаранглатдим тор.

Ватан севгисидан битга ғунчадек,  
Таҳ-батаҳ очилмиш ёш кўнгил рози.  
Бу эркин замонда пок тушунчадек,  
Мусаффо уларнинг умр парвози.

Юксалиб яшайман довонма-довон,  
Буюк замонага эшдир ўйларим.  
Кўк узра таралиб бормоқда шодон,  
Оппоқ саҳардаги қувноқ куйларим.

## ЛОЛА

Исминг жисмингга монанд,  
Нозик бадан, эй лола.  
Гул юзи бўлди алвон,  
Рухсорингдан уяла.

Паризодмисан, жонон,  
Бир қарашинг этди лол,  
Мунчоқ ўрнигами ё?  
Юзингдаги дона хол.

Нечун тушди нигоҳим,  
Ором, тинчим йўқолди.  
Ҳижронда лола каби,  
Қалбим узра доғ қолди.

Қайдасан, қоши ҳилол,  
Наҳот қайтмас ўша он.  
Кўрса сени ёнида,  
Шукурда қолмас армон.



## СОХТА ҲУСН

Соҳил бўйлаб келардим танҳо,  
Кўм-кўк сувга бўлиб қолдим лол.  
Сулув қиздек юзида маъно,  
Кўзгу каби жуда у зилол.

Беихтиёр очиб кафтларим,  
Роса тўйиб симиргим келди.  
Хўпладим-у, сесканди таним,  
Шўртанлиги вужудим тилди.

Э воҳ! Наҳот мени ул дамда,  
Сохта ҳусни қила олди маст.  
Тилак орзум — шуни одамда  
Зинҳор, зинҳор учратмасам бас.


## МАКТУБ

*Умрим йўлдоши Каримахонга*

Азизам, иболи юзинг соғиндим,  
Ҳаё ила боққан кўзинг соғиндим.  
Ипакдек мулойим сўзинг соғиндим,  
Бевақт кўрсатмасин ҳижрон чоғини.

Уч ўғил, уч қизга бўлдик кўзу қош,  
Тунлари ой бўлиб, кундузи қуёш.  
Турмуш синовига беролдик бардош,  
Илоҳим, кўрмайлик фарзанд доғини.

Ота-ю, онани этолдик ризо,  
Жигару дўстларга жон этдик фидо.  
Тақдир экан бўлдик кўплардан жудо,  
Ўзи ёқсин раҳмат нур чароғини.



Меҳнатдан тополдик обрў-эйтибор,  
Покиза дилларга қўндирмай ғубор.  
Оллоҳим, ҳар ишда бўлиб мададкор,  
Насиб этсин кўриш роҳат боғини.  
*Ялта.*

### **ИЛҲОМ**

Ярим тун тўсатдан қалбим титратиб,  
Фикрлар қайнади мисоли булоқ.  
Сатрлар тизилди қатор бетартиб,  
Аммо тўхтамади юракда тўлғоқ.

Ниҳоят шеър битди, бўшашди кўнгил,  
Барча ҳис-ҳаяжон, хаёлни ёпди.  
Юрагим ҳис этди ўзини енгил,  
Чунки янги туйғу таваллуд топди.

### **МАНГУ ШАҲАР**

Кўҳна, навқиронсан, бағри кенг кентсан,  
Жонажон юртимнинг қайноқ юраги.  
Хур диёр пойтахти азим Тошкентсан,  
Улуғ халқ ишончи, суянч тилаги.

Умрлар ўткинчи, бебақо давр,  
Аммо сен боқийсан, она шаҳрим Шош.  
Йиллар ўтаверар, ўтар қўп аср,  
Сен собит тургайсан мисоли қуёш.

## АЁЛ

Фикру ёдим тортар,  
Чулгайди хаёл,  
Мунису Мукаррам  
Ўзингсан, аёл!

Тоғдайин суйанчиқ,  
Ҳам жуфти ҳалол,  
Вафодор елкадош  
Ўзингсан, аёл!

Зукколикда Темур  
Ақлин этган лол,  
Донишу тадбиркор  
Ўзингсан аёл!

Ёғийлар қаддини  
Эта олган дол,  
Юртига фидойи  
Ўзингсан аёл!

Шерозий куйлаган  
Оқ юз, қора хол  
Қамарни доғ этган  
Ўзингсан аёл!

Барчага баробар  
Тилаган иқбол,  
Оққўнгил, соддадил  
Ўзингсан аёл!

Дилида эзгулик,  
Доим тилда бол,  
Ипақдек мулойим  
Ўзингсан аёл!

Меҳрингдан топмишлар  
Даҳолар камол,  
Фарзандлар илоҳи  
Ўзингсан аёл!

Бу дунё не учун  
Билмайди завол,  
Оламни асровчи  
Ўзингсан аёл!

Улуғ зот ким дея  
Берсалар савол  
Шукур дер сен ўзинг  
Ўзингсан аёл!

## ТЕМУР

Совуқ мақбарада туриб қолдим лол,  
Қора чақмоқдай тош нелар ўйлатди.  
Қалбимда таҳсин ё гумон эҳтимол,  
Кўзим қорачиғин унга бўйлатди.

Қораладинг тарих бир зотни кўп бор,  
Қонга бўяди деб азим дунёни.  
Хўш, асли эмасми ўзинг айбдор,  
Туғдирган ечилмас бу муаммони.

Кўлига тутқазган ялтироқ шамшир,  
Гўё бу иқлимни сақлаб тургандек.  
Бесабаб қурилмас минора ахир,  
Асрлар шавкатин ёқлаб тургандек.

Самарқанд унвонин усиз ким билар,  
Такрорланмас эди балки тилимда.  
Темур десам, кўзга Самарқанд келар,  
Самарқанд деганда Темур дилимда.

Сўйла, тарих, нечун Темур қонига,  
Қўшдинг даҳшат, қўлга тутқазиб камон.  
Ишонмам, бошини устоз пойига  
Қўйган инсон бўлса шунчалик ёмон!

Совуқ мақбарада туриб қолдим лол,  
Қора чақмоқдай тош нелар ўйлатди.  
Қалбимда таҳсин ё гумон эҳтимол,  
Кўзим қорачиғин унга бўйлатди.

*Темур вафоти олдидан жасадимни устоз оёғи тағи-  
га қўйинглар деб васият қилган.*

## ШОИР ЎЗИ КИМ?

Шоир ўзи ким?  
Уни алаким  
Рангдор қофия  
топувчи дебди.  
Дардин олишга  
ожизмиш ҳаким,  
Бир ширин сўзга  
чопувчи дебди.  
Шоир ўзи ким?  
Жавобим: ҳеч ким!  
Фақат ҳақиқат  
худоси – шоир  
Ая, бир қошиқ  
қонидан кечгин,  
Ўйлари нотинч  
куррага доир.  
Шоир ўзи ким?  
Жўн одам балким.  
Бошқадан фарқи:  
иссиғи баланд.  
Шонга бепарво.  
Унинг ҳар галги  
Машқида қайта  
туғилар талант.  
Шоир ўзи ким?  
Улки бетиним,  
Қалби типирлар  
дунё кафтида.  
У билан чумак  
урар чиллаки,  
исинар ҳатто  
қушлар тафтида.

Шоир ўзи ким?  
Уни аллаким  
илғор сафдаги  
байроқдор дейди.  
Дилда орзуни  
такрорлайман жим:  
Бир қўшиқ айтиб  
ўлсам кошкийди?  
Шоир ўзи ким?..

### **МУСЛИМЛАР СЎЗИ**

Бир инсон яшарди кўплар қатори,  
Эди бадмаст, доим зарарлик кори.  
На хайр иш, савоб, ҳушёрлик билмай,  
Ногаҳон узилиди юрагин тори.

Мурда оёқ чўзгач, дўнг бўлди қабр,  
Хешларга тиланди қаноат, сабр,  
Марҳум қандай? дея ташлангач савол,  
Барча деди у чоқ - «У эди кабр»

### **ҚОРА**

Ернинг таги, усти бўлса-да қора,  
Уни инсон севар, ўпар минг бора.  
Меҳри билан қалбга солар лаҳча чўғ,  
Шу ризқ билан одам бир умрга тўқ.

Кўмирнинг ҳам шундай қоп-қора жисми,  
Аммо удир олов, улуғдир исми.  
Инсонга яшаш-чун берар ёруғ нур,  
Уларга бағишлар доимо шуур.

Қора одамлар бор бизнинг ҳаётда,  
Дили пок, нияти юксак ғоятда.  
Афсус, кишилар бор қорадир дили,  
Ўзи оқ бўлса ҳам, қора қилмиши.

### **МУАЛЛИМ**

Нечун пойларингга ҳатто жаҳонгир,  
«Бошимни қуйинг» деб васият этмиш.  
Нечун сенга шунча эъзоз ва фахр,  
Авлодлар бир умр ашъорлар битмиш.

Алишер устозин «Малик ул-калом»,  
Деб алқаб ўзи ҳам бўлибди устоз.  
Фозиллар тилида юрар бир калом:  
«Устоз учун жаҳон ҳадя этсак оз».

Ҳа, балки бу сўзлар бутун юрагинг,  
Кимса бир мурғакка берганингдандир.  
Ота бурчидан ҳам улур тилагинг,  
Меҳр сўз гавҳарин терганингдандир.

Касбларнинг барчаси бизда муқаддас,  
Лек бунга меҳнат-ла узатгувчи сен.  
Эзгу ҳаёлингда шогирд ҳар нафас,  
Истиқболин ўйлаб кузатгувчи сен.

Буюклардан тортиб фаррошга қадар,  
Тугамас меҳрингга ҳамиша шайдо.  
Ким у жоҳилдирми ва ё дарбадар,  
Камтарин меҳнатинг олдида гадо.

Чунки сен муаллим зероки, сенда,  
Инсоний қаср бор гўё муҳташам.  
Камтарлик, сахийлик одоб зиёда,  
Шафқат ва ғамхўрлик, унда мужассам.

Меҳри сахий инсон, эй олижаноб,  
Беҳисоб ёш авлод илм сардори.  
Юрагинг беғубор, чунг меҳринг офтоб,  
Панд сўзинг ҳаётнинг бир пойдевори.

Мағрур жаранглайди асрлар бўйи,  
Фахрли бу номинг, бу касби коринг.  
Чунки ёнингдадир сен ила ҳар дам,  
Сендан ҳарф ўрганган саноксиз норинг.

### **ГЎЗАЛ**

Кузда тароватин йўқотмаган гул,  
Ишғол қилди фикру хаёлим буткул.  
Ҳаётники каби беғубор тарзи,  
Мадҳига шеър боғлаш шоирлар қарзи.

Яшнайдир, демакким, тинчлик Ватанда,  
Яшнайдир, демакким, лабларда ханда.  
Бу бахтнинг рамзидир азалдан азал,  
Севгимиз қаримас, ҳар они гўзал.

### **САМИМИЙ ГЎЗАЛГА**

Назокат оламин кезган сайёҳдек,  
Нафосат чўққисин забт этган инсон.  
Каломингиз дардга шифо гиёҳдек,  
Қалбингиз меҳридан қўр олади жон.

Сипоҳдек тизилган мужгон остида,  
Шаҳло кўзингизда кўрдим сўнмас нур.  
Ҳилолни хижолат қилмоқ қасдида,  
Табиат қилганми сизни пари, ҳур.



Иболи, хаёли рафторингиздан,  
Шаҳид бўлмоқ истар ҳар бир йигит ҳам.  
Рух бахш этувчи гуфторингиздан,  
Ҳар ошиқ топади ўзига малҳам.

Лутф маликаси бўлиб жаҳонда,  
Бир умр қолинг дер пок дилим ҳар чоқ.  
Қалбингиз қуёши сўнмай ҳар онда,  
Инсонлар юрагин ёритсин порлоқ.

### **ФАРЗАНД**

Сенсиз йўқ ҳаётим асл маъноси,  
Қувончим, парвозим, дилим, навоси.  
Дунёнинг лаззати, умр сафоси,  
Асалим фарзанд!

Йигитлик доврўғим шону шавкати,  
Дўстлар даврасида обрў – савлати.  
Кексалик таянчи, кўрку давлати,  
Ғазалим фарзанд!

Ғар сўрсанг оналар берарлар жонин,  
Бахтинг-чун оталар тўккандир қонин.  
Шодликка тўлдиргин умрлар онин,  
Ғўзалим фарзанд!

Болажон, бу элнинг чин дилбанди бўл,  
Ёрга вафодор – у, дўст пайванди бўл,  
Одобда яхшилар новвот, қанди бўл,  
Чаманим фарзанд!

## БАҲОР НАФАСИ

*(Манзара)*

Келди Наврӯз – янги кун,  
Новдалар гули гулгун.  
Шай куртагин очмоққа,  
Гулин ерга сочмоққа.  
Шабада эсар майин,  
Завқ берар эсган сайин,  
Ариқларда оқар сув,  
Адирлар сулув-сулув.  
Осмон беғубор, тиниқ,  
Гоҳ ёмғир ёғиб илиқ.  
Майсаларни упади,  
Саховатин тўкади.  
Табиатга бўлиб бош,  
Нурин аямас қуёш.  
Чумолилар чопишар,  
Дону ушоқ ташишар.  
Қалдирғоч қурар уйин,  
Ниначи чалар куйин.  
Бақа вақ-вақ сайрайди,  
Кўзи, тойчоқ яйрайди.  
Ари гулдан йиғар бол,  
Сочин тарар мажнунтол.  
Офтобдан нур симирган,  
Тупроқ роса семирган.  
Далаларда қизир иш,  
Ер юмшатиш, гул экиш.  
Ўйин чиллак, камалак,  
Қайнар ҳалим, сумалак.  
Кезар оламда баҳор,  
Ҳамма шоду бахтиёр.

## МЕҲРИ ҚУЁШ

*(Ривоят)*

Беш тақводор дўст-улфат,  
Қуришар эди суҳбат.  
Айтишарди ақида,  
Чин муслимлик ҳақида.  
Қилган тавофларидан.  
Туноҳ, савобларидан.  
Ким биринчи муаззам,  
Қўяр жаннатга қадам?  
Бири дер: – Менда иймон,  
Ишончга йўқдир гумон.  
Иккинчи дер: – Бил манда,  
Намоз бўлмайдди канда.  
Тилга кирар учинчи,  
– Қани мендек тутсин-чи,  
Рўзани бирон киши,  
Бир умр ёзу қиши.  
Тўртинчи дер: – Ҳеч бир зот,  
Бермас мен каби закот.  
Бешинчи дер сўз олиб,  
Бошини қуйи солиб.  
Сиз бажарган тўрт амал,  
Эрур шаксиз мукамал.  
Аммо бордур муаммо,  
Айтинг комил уламо.  
Бўлмоқлик учун Хожи,  
Борми экан иложи?  
Минг шукр бундай шараф,  
Каминада мушарраф.  
Аллоҳ карами сахий,  
Дафъатан келди вахий.  
– Тинглангиз, эй халойиқ,  
Сизлар таҳсинга лойиқ.  
Кўп ажрлар олурсиз,  
Ҳур маконга борурсиз.

Лек биринчи жаннати,  
Расул акрам уммати.  
Сизга ҳарф ўргатган,  
Ҳаёт йўлин кўрсатган.  
Энг беминнат, беозор,  
Муаллим деган зот бор.  
Беш уламо эгиб бош,  
Деди: – Ул меҳри қуёш,  
Муаллимга минг қуллуқ,  
Умри савобга тўлиқ.

### **МАЙНИНГ НАЙРАНГИ**

1

Чўл, саҳро тошлоғида  
Бир араб қишлоғида,  
Ҳусну камолда тенгсиз,  
Шуҳратсиз ва довруқсиз,  
Бир йигит яшар эди.  
Фаришта-башар эди.  
Покликда эди танҳо,  
Ор-номусда бебаҳо.

2

Кўшниси бева Зебо,  
Йигитга эди шайдо.  
Аммо йигит сезса ҳам,  
Боқишлари эзса ҳам,  
Бир гуноҳга ботмай деб,  
Иймонга тош отмай деб,  
Алик олиб мулойим,  
Чап берарди ҳар доим.

3

Аёлнинг сабри тўлди,  
Макр ишлатмоқ бўлди.  
Ширин висол доғида,  
Бир кун чошгоҳ чоғида,

Чиқиб йигит қошига,  
Уриб ўзин бошига,  
Тош ила оқизиб қон,  
Сўз қотди: Эй пок ўғлон,  
Савобга муҳтож ёв ҳам,  
Бергил дардимга малҳам.  
Чўринг бўлайин сени,  
Кулбамга элтгил мени.  
Дафъатдаги бу аҳвол,  
Йигитни қилди гунг-лол.  
Андиша, хаёл билан,  
Иложсиз малол билан,  
Етказди маконига,  
Тушиб аёл домига.

4

Аёл беҳад шод эди,  
Ноз-ла йигитга деди:  
Йўй майли ор, уятга,  
Етдим жоним ниятга,  
Мен учун гўзал ондир,  
Вужудим ёнар-қондир!  
– Не деяпсан, эй гумроҳ,  
Бу шум режа-ку, гуноҳ!  
– Балки, аммо юрагим,  
Буюрар, шу тилагим,  
Бажарурсан шу онда,  
Ё қилурман шарманда.  
Ёхуд уч шарт танлагин,  
Сўзим кучин анлагин.  
Бири: тўнғич хоҳишим,  
Йигит бўлсанг, олқишим!  
Иккинчи шарт: бепадар,  
Гўдакка санчгил ханжар.  
Учинчиси: мана май,  
Ҳеч тину нафас олмай,  
Кўзани бўшатгайсан,  
Орзуим ушатгайсан.

Йигит узоқ ўйлади,  
Ўз-ўзига сўзлади:  
Бари гуноҳ, шаккоклик,  
Поймол бўлар соф-поклик.  
Иложсизман найлайн,  
Бир шарт бажо айлайн.  
Сўнгисин танлаб охир,  
Ранги лаъл таъми тахир,  
Майни симирди аста,  
Вужуди лоҳас хаста,  
Аста қўзи сузилди,  
Фикр-ният бузилди.  
Рўпарадаги аёл,  
Кўринди пари мисол.  
Отилди висолига,  
Раҳм этмай жонига.  
Уч шартни хуллас калом,  
Бажарди у батамом.

### **НАҲОТ?**

Биров қармоқ ташлаб, балиқ тутади,  
Кимдир тузоқ қўйиб, ўлжа кутади,  
Кимдир ҳасад билан умри ўтади,  
Хаёлим кемирар бир савол ҳар дам,  
Наҳот таъма билан яшайди одам?!

Номард амал дея сотар виждонин,  
Макр ила қийнар мардларнинг жонин,  
Худбин элни эмас, ўйлайди шонин,  
Вужудим қийнайди туганмас алам,  
Наҳот шуҳрат дея яшайди одам?!

Ё Аллоҳ, оқибат луғатда қолди,  
Савоб ўрнин аддов, хиёнат олди.  
Дўст аро ҳалол лафз, вафо йўқолди.

Айтинг, бу ҳолатга ким бўлар ҳакам,  
Наҳотки шайтонга қўл берган одам?!

Ўйлайман, ўйларим чеки кўринмас,  
Кечмиш бу дардларим оҳу зор эмас,  
Дустлар, Шукур Ҳақдин ўзгани демас,  
Тилим лол, топилмас бир собит ҳамдам,  
Наҳот ўзим дея яшайди одам?!

## ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ

Ҳаёт мураккабдир, ҳар лаҳзасидан,  
Чуқур маъно излар мудом қари-ёш,  
Инсон тирикликка ўқиб қасида,  
Порлаб турсам дейди мисоли қуёш.  
Орзу қилсин, майли, офтобни одам,  
Тарк этмасин она ерин нур каби.  
Даҳоси яратсин оламдан олам,  
Аёзни иситиб турсин юраги.  
Қалб кўрида қурсин севги дунёсин,  
Ишқ, вафо эгизак бўлсин ишида.  
Мангуликдан топсин яшаш маъносин  
Дунёга баҳордай бир келишида.  
Дейишар ёшлиқда тўпла хазина,  
Дур, жавоҳир эмас қолдир яхши ном.  
Бекор умрингдан сўнг қилмагин гина,  
Кўшиққа айланмай сўнмасин илҳом.  
Йигирма ёшдамиз. Ахир шу ёшда  
Темур, Мангуберди бўлмиш афсона.  
Бир ният, бир мақсад яшаган бошда,  
Умр чироғига бўлган парвона.  
Издошлар кам эмас, керак бўлса гар,  
Тўқнашамиз ўлим билан юзма-юз.  
Юрт учун фидокор қайта туғилар,  
Умрини ҳеч хазон қилолмагай куз.  
Ўз нонин ҳалоллаб ер юрт ёшлари,  
Ҳаётин мазмуни истиқлолдадир.

Ўйланар чимирилган қора қошлари,  
Мағрур нигоҳлари истиқболдадир.  
Билади авлодим ёшлик-баҳорга,  
Ярашмас меҳнатсиз тумтарак ҳашам.  
Ёшлик жўшиб оққан катта анҳорга,  
Хас-хашак туширмас улар сира ҳам.  
Истиқлол ёшига бизлар тенгдошмиз,  
Садоқат, диёнат жисм ила танда.  
Бахтиёр авлодмиз, йигирма ёшмиз,  
Зеро туғилганмиз эркин Ватанда.

### **ТУРФА ТИРИКЛИК**

Осмонўпар тоғнинг энг чўққисида,  
Қорин қайғусида емиш излар кийик.  
Кенг уммон тубида баҳайбат бир кит,  
Кичик балиқларни қилар егулик.

Болалар ризқи деб она арслон,  
Қўлида жон берди бегуноҳ жонзот.  
Ҳасаддан кўп жонни айлади қурбон,  
Тўқликдан, шўхликдан инсон деган зот.

### **БОҚИЙЛИК**

Амалдор ўғил дер отага нолиб:  
– Жонга тегди ўтинч, ортдан елишлар.  
Ҳаттоки кундузи идорам қолиб,  
Тун маҳал эшигим қоқиб келишлар.

Ота дер: – Ўкинма, балки бўлгин шод.  
Кимгадир кераксан, ҳожатга даркор.  
Қара, фалончининг номи бўлган ёт,  
Кимлардир дийдорга, бир суҳбатга зор.



Боқий ном қолдирмоқ учун дунёда,  
Беминнат, таъмасиз қил элга хизмат.  
Мартабанг, омадинг бўлар зиёда,  
Мукофотинг бўлур обрў ва ҳурмат.

### **ЧОРА**

Бобосига деди набира бир кун,  
Бобо дилимда бор боғлиқ бир тугун.  
Ўзингиз тоқбирсиз, аммо хомтоққа  
Ўзга бир боғбонни чорлайсиз нечун?

Бобо дер: – Фикр қил ҳикмат сўзимга,  
Бил, юрак бўйсунмас гоҳо ўзимга.  
Ишқомда таралган сочдек новдалар,  
Яхши кўринади бари кўзимга.

### **ФАРЗАНД**

Фарзандинг нечта деб,  
Бердинг сен сўроқ.  
Олти қора кўз бор,  
Минг шукр, ўртоқ.

Нега ажабланиб,  
Елканг қисасан.  
Кўп фарзандни нечун,  
Кўрқинч биласан?

Фарзандсиз бу дунё,  
Жаҳон не керак?  
Нечун унда турмуш,  
Орзу ва тилак?

Атиргул кўп бўлса,  
Таратар хуш бўй.  
Болалар бор уйда,  
Ҳар кун бўлар тўй.

Фарзанд бахт-саодат,  
Зўр тилагимиз.  
Бирлашган кўп томир,  
Куч билагимиз.

Шул учун уларга,  
Бераман меҳрим.  
Доно ўғил-қизларим,  
Давлатим, фаҳрим.

### **АРМОН**


Умр ўтган сайин ҳар қандай инсон,  
Босган қадамларин этар сарҳисоб.  
Қалбидан кечганда қайғули армон  
Юраги увишар бера олмай тоб.

Менинг ҳам дилимдан ўтар шу сўроқ,  
Минг шукр, афсусга бўлмадим шерик.  
Нозик табиатим панд берди бироқ  
Сирдош дўстларимдан айрилдим тирик.

### **БУЛУТ**

Забт этмоқ қасдида тиниқ осмонни,  
Булут парда тортиб тўсди қуёшни.  
Бемор томирида қайнади қони,  
Кимдир Ҳақдан сўрди сабр бардошни.

Азизам, қилмайман бунга кўп парво,  
Лаҳзалик бу ташвиш бўлади унут.  
Бир умр тунд қоплар дилимни аммо,  
Гўзал қабоғингга қўнса гар булут.



Хушигим, кунгилнига  
давоси бўлми,  
Эзулик дунодин  
навоси бўлми.

## НЕ УЧУН

Гулшан ичра андалибсиз  
   базму наво не учун,  
 Сезмаса эл иқтидоринг  
   шуҳрат, баҳо не учун.  
 Умр мисли киприк усти  
   узра турган қатра ёш,  
 Бу омонат фурдатга айт,  
   кибру ҳаво не учун.  
 Элга маълум чаёнсифат  
   одамларнинг қилмиши,  
 Бу тоифа хасталарга,  
   нафсиз даво не учун.  
 Эй, Аллоҳим, билолмадим  
   бу не сиру синоат,  
 Тўғри кунгил, соф инсонга  
   жабру жафо не учун.  
 Дўсту улфат хоҳиш этдим  
   оға-ини бўлгали,  
 Оқибатли бўлмаса гар  
   ундай ошно не учун.  
 Менга даркор самимий дил  
   ҳақ йўлида устивор,  
 Давру даврон мансаб ҳаққи  
   ҳамду сано не учун.  
 Эй, Шукур, сен бузма кунгил,  
   эзгуликни этма тарк,  
 Гар ниятинг бўлмаса пок  
   вале сахо не учун.

## **ДАВР БИР КЕЛАР**

Кўккамас ерга боқ, ўзингдан кетма,  
Мискинни оҳу деб, ўзинг шер этма,  
Биров манглайига жун қисмат битма,  
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар,  
Омад доим келмас, давр бир келар.

Устоз ота эрур, ноҳақ хор этма,  
Номардлар қилмишин касбу кор этма,  
Иймонинг йўқотиб, зарни ёр этма,  
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар,  
Омад доим келмас, давр бир келар.

Мағрурсан, вақтинча тожу тахтингга,  
Амал гадолари яшар бахтингга,  
Ишонма, бугунги дадил шаҳдингга,  
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар,  
Омад доим келмас, давр бир келар.

Эй Шукур, чин инсон эзгулик тилар,  
Ишон, бахт қуёши пешонанг силар,  
Дард нима, табибмас, чекканлар билар,  
Умр ёмонни ҳам, яхшини элар,  
Омад доим келмас, давр бир келар.

## БОРМИКАН

Баланд-баланд тоғларнинг  
                                қумуш қори бормикан?  
Тоғдан тушган зилолнинг  
                                кўк анҳори бормикан?  
Кунгил қўйдим соддадил,  
                                қоши ёй бир санамга,  
Мендан ортиқ кургани,  
                                яхши ёри бормикан?  
Кўрмасам хуфтон дилим,  
                                курсам вайрона дилим,  
Бир оғиз калимага  
                                келмас кўрганда тилим,  
Доғ бўлдим, бу қандайин  
                                имлоси мушкул илм,  
Ёқо вайрон бўлсам гар,  
                                ихтиёри бормикан?  
Кўзлар тўқнашса жимжит,  
                                қуйи солар бошини,  
Саволимга жавоб йўқ,  
                                чимиради қошини,  
Тамом айлади, тамом,  
                                ёшлигим бардошини,  
Ёки сукутнинг ҳам  
                                бир хумори бормикан?  
Эй Шукур, шукрона қил,  
                                такалум этмаса ҳам,  
Оҳларинг, дафтарларинг  
                                етса ҳам, етмаса ҳам,  
Ваъдаси йўқ бўлса-да,  
                                оддингдан кетмаса ҳам,  
Сенсиз айри яшолмас,  
                                сенга зори бормикан?

## КЕТОЛМАСМАН

Шоҳимардон сувлари кўп зилол экан,  
Қизлари шўх, қошлари ёй-ҳилол экан,  
Йигитлар кўрганида бийрон тили лол экан,  
Найлайин мен висолига етолмасман,  
Қишлоғида бир сайёҳман, кетолмасман.

Тоғи баланд, адирлари хуш ҳаво,  
Булбуллари, қумрилари айлар наво,  
Лек дардимга йўқдир бунда зарра даво,  
Не қилайин висолига етолмасман,  
Қишлоғида бир сайёҳман, кетолмасман.

Қошларини камон этиб, суртиб қалам,  
Ҳар кўрганда ноз этади қилмай карам.  
Маккор кўзи, ёлғон сўзи солди алам,  
Не қилайин висолига етолмасман,  
Қишлоғида бир сайёҳман, кетолмасман.

Майли, Шукур, бу кунлар ҳам ўтар-кетар,  
Дейдиларки, умид бўлса толе етар,  
Бевафо ёр вақти келиб армон этар,  
Не қилайин висолига етолмасман,  
Қишлоғида бир сайёҳман, кетолмасман.

## НА ҚИЛАЙ

Дард-аламдан юрак хазин  
этар нидо, на қилай,  
Пинҳон йиғлар, аҳволидан  
бермас садо, на қилай.  
Жабру ситам уммонига  
фарқ этдилар бесабаб.  
Кунгил ичра тоғдек турган  
сабрим адо, на қилай.

Бўлди матлаб бу рост сўзим  
бошда қилич турса ҳам  
Тўғри сўзлаб дўстларимдан  
бўлдим жудо, на қилай.  
Тарки одатга илож йўқ –  
сут-ла киргандир бу феъл,  
Гар лойимни шундоқ қорган  
бўлса Худо, на қилай.

Ганжи давлат бисёр эрур,  
лек вафода фақир кўп,  
Садоқат ҳам оқибатга  
бўлдим гадо, на қилай.  
Эй яхшилар, айб этмангиз  
Шукурнинг ашъорини  
У ҳам банда билмай агар  
этса хато, на қилай.



## **БИЛМАДИМ**

Тўғри йўлда босдим қадам  
ташвишу ғам билмадим,  
Борига қилдим қаноат,  
насибам кам билмадим.  
Мансабу давлатни кўзлаб  
ўзим этмадим хор-зор,  
Номарднинг туз-нонига  
бошимни ҳам билмадим.  
Шодон ўтди ҳар бир лаҳзам  
яхшилар бирлан, вале  
Ота-она бирла кечган  
ўзгача дам билмадим.  
Яхшилар илкидин тутдим  
эда топдим эътибор.  
Кўнгли қаро, худбин зотин  
зинҳор ҳамдам билмадим.  
Хору зорлик боши эрур  
узун тил бирла нафс,  
Маҳкам тутдим иккисин ҳам  
ўкинч, алам билмадим.  
Дарди танга бор табиб,  
хаста дилга йўқ шифо,  
Шукр этарман Ҳаққа мудом  
ўзга малҳам билмадим.

## БЎЛМАҒАЙ

Кексалик фасли аёздир кутма,  
самар бўлмағай,  
Чиройин этиб қўз-қўз  
шамсу қамар бўлмағай.  
Дўсту улфат мисли тандир,  
оға-ини ширин жон,  
Оқил ёр, фарзанддин ўзга  
белга камар бўлмағай.  
Гул умринг баҳорида  
яшнат кўнгил гулшанин,  
Ё қолурсан эътибордан  
зарра назар бўлмағай.  
Баркамол эт зурриётинг  
ҳалол луқма ризқ ила,  
Оқибат тотган таоминг  
аччиқ заҳар бўлмағай.  
Фоний дунё бу синовдир,  
яхшилиқ қил, яхшилиқ,  
Ҳасад этмай ҳавас қилсанг  
дилда кадар бўлмағай.  
Кексалик бу айб эмасдир,  
хато қилма, эй рафиқ,  
Зеро усиз ҳаёт файзли,  
ҳам муътабар бўлмағай.  
Орзу этгил шоир Шукур,  
сен кексалик бахтини,  
Ҳеч сўндирма иймон нуринг  
шунда хатар бўлмағай.

## КЎЗЛАГИЛ

Эй, кўнгул сен бу жаҳонда  
                    содиқ дўст-ёр кўзлагил,  
Гулчеҳра деб асир бўлма,  
                    оқил дилдор кўзлагил.  
Ҳеч дилинг этма паришон  
                    доимо баҳор тут,  
Шўх андалиб мисли ҳаргиз  
                    гул чаманзор кўзлагил.  
Бу ҳаёт йўлида учрар турфа  
                    йўлдош ҳам рафиқ,  
Чин вафодан имтиҳон эт,  
                    собит ҳамкор кўзлагил,  
Дўстлик тори қил мисоли  
                    қалтис сўздан узилур,  
Дўст нуқсонин этма ошкор  
                    қалбда асрор кўзлагил.  
Ҳеч умид қилма ёмондин  
                    бир сафо изламоқни,  
Зеро заҳар асал бўлмас  
                    ўзинг хушёр кўзлагил.  
Бу дунёда қил яхшилиқ  
                    ҳеч таъмасиз ҳар кима,  
Ул билмаса холиқ билар,  
                    тинмай такрор кўзлагил.  
Эй Шукур, юрт ўғли бўлгил,  
                    ҳеч назардин қолмагил,  
Ҳар иймон кетса юракдин  
                    қалбинг абгор кўзлагил.

## СЎЗ

Бир сўз дардга шифо бўлур,  
ёхуд умр нури сўнгай,  
Ширин лутфдан олам нурли,  
ёхуд шамсу қамар куйгай,  
Кимдир нордон, ким мулойим,  
ишлатур тил, суханин,  
Бири меҳр қулфин очса, бири  
ундан жудо қилгай,  
Бўхтонли сўз мисли тифдир,  
кибрили сўз ўт, олов  
Бири ноҳақ куйдирса, гар бири  
кўнгил гулин юлгай.  
Донолар дер ширин сўзла  
илон чиқар конидан,  
Тилинг лазиз бўлса агар барча  
аҳду паймон тўлгай.  
Эй, яхшилар, айб топмангиз  
Сиз Шукур забонидан,  
Дори каби сўзи аччиқ, вале  
бир кун шифо бўлгай.

## ИЗЛАМА

Дил, иймонинг соғ эмасдур  
                                    ҳаргиз вафо излама,  
Хаста дардга шифо бер-у  
                                    вале баҳо излама,  
Ет сиҳат қадрига ҳар вақт  
                                    сўнгра асо излама,  
Гар бало чиқса ўзингдан  
                                    бекор даво излама.  
Дил фасод, дил қораларнинг  
                                    корлари элга аён,  
Ниш уриш касби эрур  
                                    соф юракка беомон.  
Минг шукурким, яхшилар кўп  
                                    чаппа айланмас замон,  
Мансабга қул, мунофиқдан  
                                    асло ҳаё излама.  
Бу дунёда симу зардин  
                                    ким топибди эътибор,  
Борига қилган қаноат  
                                    бўлмас муҳтож хору зор.  
Ҳар кимса қочиб қутулмас  
                                    манглайида неки бор,  
Тахт бебақо, зар омонат  
                                    ундан сафо излама.  
Меҳрингизни юмшатоилмас  
                                    дарё кўз ёш, дард, нидо,  
Минг насиҳат айла зое қилсанг  
                                    ҳамки жон фидо.  
Ким ёмон бўлса, битилмиш  
                                    қилмишига бир жазо,  
Эй, Шукур, ҳатто ғанимга  
                                    бевақт қазо излама.

## КЎРСАТ

Дўст эрсанг вафода садоқат кўрсат,  
Қўлингдан келса гар саодат кўрсат.  
Бахт қуши бошингга қўнганда ногоҳ,  
Феълингни кенг тут-у, хуш ҳолат кўрсат.

Давлату тахтингга ким бўлса ошно,  
У соҳта улфатдир, эш бўлмас асло.  
Кор қилмас ҳар қанча ўгиту сабоқ,  
Хушёрлигинг унга ҳар соат кўрсат.

Ялтироқ сўзлардан тўн, либос бичиб,  
Дўстликдан лоф урма қасамлар ичиб,  
Гарчи, сен фидойи, содиқ дўст, ҳамроҳ,  
Чин аҳду вафони қил одат, кўрсат.

Шукуро, яшнасин, доим сиёғинг,  
Ҳол сўраб келганга очгил кучоғинг.  
Сўзларингга доим бўлсинлар муштоқ,  
Асл дўст танлашда қаноат кўрсат.

## ТҮЙ МУБОРАК

Орзулар ушалибди,  
очилибди бахтингиз,  
Тўйларингиз муборак  
бузилмасин аҳдингиз.  
Жуфт бўлиб ўтирибсиз,  
мисли Тоҳир-Зухродек,  
Ҳаётдан топинг камол,  
олтин бўлсин тахтингиз.  
Бор оралаб ўтасиз  
атирларга беланиб,  
Ўсма кетар қош қолар,  
умр деган эланиб.  
Оқилу доно десин суйган  
эл сизни таниб,  
Ёшлик фасли ғанимат  
бўш ўтмасин вақтингиз.  
Бошингизда парвона  
оқ сут берган онадур,  
Бузрукворнинг меҳридан  
олам, жаҳон қонадур.  
Ёрқиндир иқболингиз,  
бахт юлдузи ёнадур,  
Фарзанд бурчин оқлашдан  
ҳеч қайтмасин шахдингиз.  
Эй азизлар, асалдек  
ширин ўтсин кунингиз,  
Бахтли кўша-қарингиз  
фалак ёзиб унингиз.  
Ҳаётда ярашади  
меҳнатда тўлқинингиз,  
Шоир Шукур, доимо  
қўшиқ қилсин мадҳингиз.

## КЎРМАСИН

Ота-она ҳеч қачон  
фарзанд доғин кўрмасин,  
Шод-хуррам кўрсин вале,  
ночор чоғин кўрмасин.  
Боғбон эрур уларга  
ҳар лаҳза берар меҳрин,  
Мевасин кўрмай бевақт  
оҳ, адоғин кўрмасин.  
Бир умр меҳнат қилар  
ўйлаб фарзанд роҳатин.

Майли, бўлсин қўл қадоқ,  
дил қадоғин кўрмасин,  
Тайёр жонин бермакка  
дилбандига беминнат.  
Кексайгач, миннат нонин,  
тунд қовоғин кўрмасин,  
Яхши ота деб қолдир, эй,  
Шукур, сен яхши ном.  
Ёмон номдан авлодинг  
қалб яроғин кўрмасин.

## ЭТОЛМАС

Она қарзин умрбод фарзанд адо этолмас,  
У каби дилбандига жонин фидо этолмас.  
Меҳри уммондек улуғ, қуёш каби қайноқдир,  
Бу олий фазилатдан ҳеч ким жудо этолмас.  
Дуо олай деб чеккан ўғил-қиз заҳматини,  
Она ўтказган бедор бир онга жо этолмас.  
Она дилига таскин олар танҳо алладан,  
Ширин куйи янграса булбул наво этолмас.  
Нозик дилин оғритмоқ-вайрон этмоқ Каъбани,  
Гуноҳин кечмас Тангри, банда нидо этолмас.



Фарзанд бахти, тахти деб ким йиғса молу давлат,  
Она сутидан ўтган меҳр пайдо этолмас.  
Волиданг пойларини кўзингга сурт, эй, Шукур,  
Зеро, оналар кўнглин ўзга ризо этолмас.

### **ОТА-ОНА РИЗОСИ**

Ҳар ён бошинг ургил омадинг чопмас,  
Минг тавба-тазарру гуноҳинг ёпмас,  
Назардан қолгайсан ҳеч кимса боқмас,  
Ҳаттоки дўсту ёр эшигинг қоқмас,  
Ота-онанг сендан ризо кетмаса,  
Кўнгиладан ҳаққингга дуо этмаса.

Беозор, беғубор она юраги,  
Ўғил-қиз жисмининг эрур бўлаги,  
Дили ранжиса ҳам холис тилаги,  
Куч-қувватга тўлмас йигит билаги,  
Ота-она ундан ризо кетмаса,  
Кўнгиладан ҳаққингга дуо этмаса.

Тириклик чоғида бурчинг эт адо,  
Молу давлат эмас, меҳринг эт фидо,  
Бой эрсанг бир кунда бўлурсан гадо,  
Амалинг мағфират айламас худо,  
Ота-онанг сендан ризо кетмаса,  
Кўнгиладан ҳаққингга дуо этмаса.

Шукр қил, эй Шукур, тўрт мучанг омон,  
Қолдими кўксингда заррача армон?  
Иқболинг мўл қилмас эди бу замон,  
Бахтига муяссар этмасди Раҳмон  
Ота-онанг сендан ризо кетмаса,  
Кўнгиладан ҳаққингга дуо этмаса.


## **УЗИЛМАСИН ЕРДАН ОЎГИНГ**

Осмондаги қуёшдек порлаб турсин чароғинг,  
Забт этсин еру кўкни бургут каби қароғинг,  
Сира ҳам хазон кўрмай яшнасин ёшлик чоғинг,  
Орзуинг вожиб бўлсин қолмайин дилда доғинг,  
Узилмасин, эй дўстим, ҳаргиз ердан оёғинг.

Инсон умри бир фасл ўткинчи ҳам омонат,  
Миннату ношукрлик яратганга маломат,  
Қалби кўр, ғўр лақманинг ҳаётидур залолат,  
Тўлса ҳамки ақлга ҳаттоки эт-тирноғинг,  
Узилмасин эй дўстим, ҳаргиз ердан оёғинг.

Икки тахт бор дунёда – фоний дунё синови:  
Бири амал тахтидур, чўбин отдир бирови,  
Ибрат ол, ёндирмасдан токи армон олови,  
Кўкларга туташса ҳам омад аталмиш тоғинг,  
Узилмасин, эй дўстим, ҳаргиз ердан оёғинг.

Сабоқ олгил тинмасдан ҳаёт-ҳадис илмидан,  
Қанча қалб яро бўлди ҳасадгўйлар зулмидан,  
Ҳайиқма бандасидан, кўрққил Тангри ҳукмидан,  
Гўзал ашъор битсанг ҳам тошиб илҳом булоғинг,  
Узилмасин, эй Шукур, ҳаргиз ердан оёғинг.



Рубий - шегърият  
султони эрур,  
Маънолар гамани,  
аъстони эрур.

\*\*\*

Сергапу баднафасдан камгап,  
камхўр яхшироқ,  
Тулкимижоз олчоқдан  
соддадил гўр яхшироқ.  
Ким яхши-ю, ким ёмон –  
танҳо Аллоҳга аён,  
Дилозор тақводордан,  
софдил майхўр яхшироқ.

\*\*\*

Анланг, улфат бир умрга  
ога-ини демакдир,  
Бир майизни қирқ жўра  
бирга бўлиб емакдир.  
Ейиш, ичиш, қадаҳ сўзи  
улфат мазмуни эмас,  
Унга бир собит ҳамкор,  
ҳам оқибат керакдир.

\*\*\*

Соғ тана хаста бўлгай,  
таом меъёр бўлмаса,  
Зулмат бўлур ёруғ дунё,  
савоб бисёр бўлмаса.  
Майли, бўлгил шоҳи жаҳон  
еру осмон сарвари,  
Вале топмассан толе  
сенга ҳақ ёр бўлмаса.

\*\*\*

Феъл-атворинг меваси  
                                мудом ўзингга тушар,  
Андишасиз боқма ҳеч,  
                                кўзлар кўзингга тушар.  
Зинҳор қилма ёмонлик  
                                яратиб тухматдан тоғ,  
Бил, осмонга тупурсанг  
                                қайтиб юзингга тушар.

\*\*\*

Тўплаган зар, гавҳаринг  
                                бахтинг тожи бўлолмас,  
Кўз ёшлар ҳам гуноҳга  
                                тўлов божи бўлолмас.  
Ҳар неки вожиб бўлди  
                                танҳо Оллоҳ ҳукми-ла,  
Сафар қилгани билан  
                                ҳар ким ҳожи бўлолмас.

\*\*\*

Ўтинчим шул, номардга  
                                асло илҳақ этмагил,  
Ғайирлардан асрагил  
                                ниятин ҳақ этмагил,  
Айб эрурми оқни оқ деб,  
                                имонни бут сақласам,  
Танҳо ўзинг огоҳсан  
                                ҳақни ноҳақ этмагил.

\*\*\*

Ғаними кўп дейсан ҳалол, ростгўйнинг,  
Кўп андуҳ чекармиш ноҳақ тилла бош.  
Ҳа, бу ҳақиқатдур, зеро ёғочмас,  
Мевали дарахтга отадилар тош.

\* \* \*

Боғбондан авлодга кўркам боғ қолди,  
Эзгулик, инсофдан иймон соғ қолди.  
Жўра қилмишларинг унутдим аммо,  
Кўнгиш шишасида хира доғ қолди.

\* \* \*

Сабр бу раҳмондур, ғаними шайтон,  
Улуғ боболардан қолган бу нақл.  
Ҳушёр тут ўзингни, эй улуғ инсон,  
Ҳеч тобе бўлмасин иблисга ақл.

\* \* \*

Ўз нафсин ғамида роса уч юз йил,  
Қарға яшаб ўтди кўп дилни ғашлаб.  
Қисқа умр кўрди ғазалхон булбул,  
Ва лекин яшади завқ, шавқ бағишлаб.

\* \* \*

Тайёр эдим жоним этмакка нисор,  
Дўст дея аталмиш муқаддас сўзга.  
Йиллар ўтди англадим такрор,  
Дўст бўлолмас экан Аллоҳдан ўзга.

\* \* \*

Ёмонга ўлим йўқ, яхши учун кун,  
Наҳот кун ўрнини олар доим тун.  
Мудом ҳасад ғолиб, доно қалби хун,  
Қачон бу жумбоққа ясалар якун?

\* \* \*

Меҳр кўнгиш кўзгусидир билмурдек тоза,  
Совуқ нафас қилманг тортмасин хира.  
Майлига тарк этсин ёшлик, куч-қувват,  
Аммо меҳр қолсин қаримай сира.

\* \* \*

Меҳнатсиз барака топиб бўлмас ҳеч,  
Ҳақ сўзни қилич-ла чопиб бўлмас ҳеч.  
Қинғир иш очилур ҳатто қирқ йилда,  
Ойни этак билан ёпиб бўлмас ҳеч.

\* \* \*

Агар чекмай десанг афсус-надомат,  
Собит турсин десанг тириклик, омад.  
Аллоҳ берсин десанг умримга тўзим,  
Ҳунар илгин маҳкам ушлагил ўғлим.

\* \* \*

Дунё синов экан, синов бу олам,  
Ўлчов экан ҳар дам, қўйилган қадам.  
Синов талаби бу поклик, эзгулик,  
Шуни ўтамоққа яралган одам.

\* \* \*

Умр ҳам ўтмоқда, соч қордек оппоқ,  
Жисмим қариб борар, кўнгли ёш бироқ.  
Ҳаёт тўфонига бас келса бўлар,  
Орада бўлмаса бемаҳал фироқ.

\* \* \*

Чорасиз бир гадога ё тавба дедим,  
Манман деган даҳога ё тавба дедим.  
Даҳо-гадо, гадо-чи бой бўлгач, э воҳ!  
Оллоҳ берган баҳога ё тавба дедим.

\* \* \*

Она сиздан ўтинч, куйламанг ҳеч он,  
Фарзандга аллангиз маҳзун ва нолон.  
Азон каби қолар қалбида саси,  
Ҳозирдан бўлмасин ёш кўнгли вайрон.

\* \* \*

Тўрт мучаси соғ бўлса саналмас одам,  
Тепмаса гар умид ила юраги.  
Инсон номин олар фақатки шу дам,  
Савоб учун яшаш бўлса тилаги.

\* \* \*

Ҳар кимни ўзимдек қиёс этибман,  
Адолат бор-ку деб ўздан кетибман.  
Қўлимда қаламмас, сақлабман найза,  
Ўз дилим янчмоққа ҳукм битибман.

\* \* \*

Тўғрини қўполга қилдингиз фараз,  
Тўғрисўз аччиқроқ, вале беғараз.  
Хушомад сиз учун устун имондан,  
Лек кейин толедан қилмангиз араз.

\* \* \*

Яхшига ҳавас-ла яшай бир умр,  
Ҳасаддан асрасин, асрагил худо.  
Зеро ул вабодур этар бешафқат,  
Огани инидан тириклай жудо.

\* \* \*

Тилинг ширин бўлса, қўлинг меҳрибон,  
Булардан кўрмаса ҳеч кимса зиён,  
Шунда аталурсан ҳақиқий инсон,  
Таъзимда бўлади жумлаи жаҳон.

\* \* \*

Иш билан овунар экан одамзот,  
Машғулот даводур танбал дардига.  
«Қарилик» «гашти»га чиққан эркак зот,  
Айниқса етаркан ишнинг қадрига.



\* \* \*

Умр бамисоли кураш майдони,  
Ҳаёт деб курашар тинмай қари-ёш.  
Кимгадир шавқ берса ғалаба они,  
Кимдир бир зарбага беролмас бардош.

\* \* \*

Асл бойлик кўзи тўқлик, қаноатда  
Яхшиликдир — самимийлик, саховатда.  
Бахт калити — ҳалоллигу илм-хунар,  
Нафс тиймоқ — демак, умр фароғатда.

\* \* \*

Хотира сусаяр ёш ўтган сари,  
Гоҳи неварамнинг исми ёдда йўқ.  
Лек шукур ўтмишим ҳар бир лаҳзаси,  
Соғ мағиз ёнғоқдек хотирамда тўқ.

\* \* \*

Одамзотнинг умри қисқадир, қисқа,  
Кўз очиб – юмгунча ўтар-у кетар,  
Шундай экан, қўйинг ғараз, ифвони,  
Шу умрингизни ҳам омонат этар.

\* \* \*

Яхшилик қил унинг қадрин билганга,  
Дилга вафо шиорини илганга.  
Эзгу ишдан меҳринг товланар аммо,  
Меҳру ихлос қолмас миннат қилганга.

\* \* \*

Кимгадир ишониб қилмагил гуноҳ,  
Суянчиқ абадмас, вақтинча турар.  
“Ҳар кимнинг бошига агар ёғса қор,  
Нажоткор йўқолур, у ўзи курар”.

### **Мувашшах**

Табиат яратиб олий бир инсон,  
Оғушига олди эрта бешафқат.  
Илгида адолат, диёнат, имон,  
Раҳнамолик эди эзгулик фақат.

### **Тоиржон ота сўзи**

Халқ учун бахш этдим бир умр жоним,  
Маърифат йўлида кечди ҳар оним,  
Яхшилик шиорин жойладим дилга,  
Ҳаётда қолсин деб камтарин номим.

\* \* \*

Эл дилин оғритиб доим бир одам,  
Тағин инсоф ҳақида сўзлар дамба-дам.  
Бу ёруғ дунёда қилиб қинғир иш,  
Жаннат – у дўзахдан қилади ташвиш.

\* \* \*

Бошдан-оёқ маъсум беозор,  
Шабнамларда титрарди ғунча.  
Кўп ҳофизни қиладди бахтиёр,  
То офтобга дудоқ тутгунча.

\* \* \*

Ота кўз юммоқда фоний дунёдан,  
Хаёлан қилади Аллоҳга нолон.  
– Умримга минг шукур, фақат кенжамни,  
Оёққа турғазсам йўқ эди армон.

\* \* \*

Ҳақиқат бўлмаса бўлмасди дунё,  
Инсон изламасди яшашга маъно.  
Инсон тафаккури бўлмаса олий,  
Жаҳон бўлар эди ғариб, бенаво.

\* \* \*

Ёмон яхшилиқни орзу қилолмас,  
Гуноҳу савобнинг фарқин билолмас.  
Сут ила киргани чиқар жон билан,  
Соф гўдақ ҳолига қайтиб келолмас.

\* \* \*

Жоҳилни кўрганда кўзимга яққол,  
Ипак қурт ҳаёти бўлади мисол.  
Ипак ўраб вужудин занжирбанд этар,  
Насиб этмай йиққани оламдан ўтар.

\* \* \*

Нодон, жоҳил билан тортишманг асло,  
Донони енгиши эмас асло сир.  
Фозиллар нақли бор нозик гавҳарни,  
Дағал тош синдириши мумкиндири ахир.

\* \* \*

Бекорчи гўёки занг босган жисм,  
Турган жойидаёқ чирир дам-бадам.  
Бир зарб-ла вақтида тобласанг уни,  
Буюм қаторига киради у ҳам.

\* \* \*

Ношукрму дейман инсон аслида,  
Бир томчи сув учун зориққанди у.  
Нафсиз бўлса ҳамки кичик рўзғорга,  
Намакоб денгизни этмоқда орзу.

\* \* \*

Худбин, шуҳратпараст хира пашшадек,  
Ёпишиб кимсадан бахт таъма қилар.  
Камтарин бировлар толе-шуҳратин,  
Боларидек танҳо меҳнатдан билар.

\* \* \*

Камтаринлик мисоли туганмас булоқ,  
Обрўйинг сув каби доим мўл этар.  
Манманлик гўёки нафсиз бир қумлоқ,  
Бор-йўгин симириб, охир чўл этар.

\* \* \*

Табиатнинг ўзи асли кўзмунчоқ,  
Керакмасдир унга ортиқча бўёқ.  
Сохта ҳусн худди жонсиз қоғозгул,  
Упа билан чирой сақланмас узоқ.

\* \* \*

Тутун аччигини мўри билади,  
Сув қадрини ернинг шўри билади.  
Шундай экан, дўстим, демак, ҳаётда,  
Дўст қадрини дўстнинг зўри билади.

\* \* \*

Қизиқ ҳол, энг совуқ ваҳший мавжудот,  
Илон чақмас экан бири-бирини.  
Ҳасад шаробига қонса одамзот,  
Аяб ўтирмайди ҳатто пирини.

\* \* \*

Замин таҳсинида нур офтоб қолмиш,  
Яхшидан эзгулик ва савол қолмиш,  
Боғбондан чаман-боғ, ҳалолдан имон,  
Шоиру донодан илм, китоб қолмиш.

\* \* \*

Гоҳ дард чулғаганда вужудим, таним,  
Турфа хаёлларим бўлганда бебош.  
Фойибдан сас келар: “Англа, эй банда,  
Умр бу мисоли киприкдаги ёш”.

\* \* \*

Эзгулик уруғин сепгил қалбларга,  
Ҳосил умид қилмай холис беминнат,  
Қуёшдан ибрат ол, буюк заминга,  
Таъмасиз тинмайин этади хизмат.

\* \* \*

Тақдир қазосидан қолмайди омон,  
Бу фоний дунёда яхшию ёмон.  
Гар шундай эрса-да бўламиз ҳамон,  
Биримиз камон ўқ, биримиз нишон.

\* \* \*

Ёш бўлсам ҳам бошимдан ўтди кўп савдо,  
Ширин жоним этдим дўстларга фидо.  
Во ажаб, гоҳида ишонган тоғинг,  
Қаршингда тўсиқдай бўларкан пайдо.

\* \* \*

Очилмай гул булбулжон доғда қоларкан,  
Ёқаси чок, ҳасратлар айтиб толаркан.  
Қизиқ, тонгда бояқиш нола чекканда,  
Сасин тинглаб, одамлар ором оларкан.

\* \* \*

Ишқ-муҳаббат – буюк аланга,  
Инсон қалбин ўртаб пок этар.  
Ким ўйнашса у билан агар,  
Бир умрга уни хок этар.

\* \* \*

Каттаю кичикка келтирган қайғу,  
Ўғлидан ғам чекиб кетарди эси.  
Аммо ўпкалашга йўқ эди ҳожат,  
Зеро, ёшлигининг эди нусхаси.

\*\*\*

Одамни синамай бермагил баҳо,  
Яхши-ёмонга тез ажратма танҳо.  
Баъзан адашар у яхши деганинг,  
Кутмагандан чиқар яхшилик гоҳо.

\*\*\*

Биров нуқсонин излар ифвогар кўзи,  
Яхши-ёмон ҳақида бир умр сўзи.  
Ифво қилиш ҳам асли бир нуқсонлигин,  
Тушуниб етолмас фитначи ўзи.

\*\*\*

Тутруқсиз сергапни эзма дейдилар,  
Бевафо чўлида кезма дейдилар.  
Дўстингнинг нуқсони учраса ногоҳ,  
Хатосин тузат-у, безма дейдилар.

\*\*\*

Она учун фарзанд жуда ҳам лазиз,  
Фарзанд учун она жуда ҳам азиз.  
Иккиси ҳам оддий инсон бўлса-да,  
Ҳаётда иккиси бебаҳо, азиз.

\*\*\*

Улфатчилик хаста кўнглинг чоғ этади,  
Қадаҳ сўзи гўё дардинг соғ этади.  
Соғлиқ учун деб оласан кўнглинг юмшаб,  
Аслида-чи, соғлом руҳинг доғ этади.

\*\*\*

Ўз қадрин билмаган, билмас сени ҳам,  
Йўқ эрур бу каби инсонга малҳам.  
Беҳуда уринма, уни тузатмоқ,  
Гўёки денгиздан қуруқ тош олмақ.

\* \* \*

Икки ўт орасида қоласан гоҳо,  
Ўзинг учун ўзгадан лозим кечмоғинг.  
Дўстим, қани танла амалми, виждон,  
Керак бу жумбоқни расо ечмоғинг.

\* \* \*

Доно, улуғ инсонга бўлсин жон фидо,  
Майли, гоҳо роҳатдан бўлсак ҳам жудо,  
Танҳо ўтинч, тақдирлар қўлларда экан,  
Фақат бефарқ раҳбардан асрасин худо.

\* \* \*

Бировнинг айбини кўрмоқлик осон,  
Ҳар қандай одамда топилур нуқсон,  
Ҳар кимса ортидан лой чаплагунча,  
Ўз айбин тан олган эрур чин Инсон.

\* \* \*

Меҳнатинг, заҳматинг, пандларинг бекор,  
Юракдан ўчмаса ҳасад, хиёнат.  
Меҳр ва оқибат қолур луғатда,  
Томирда оқмаса инсоф, диёнат.

\* \* \*

Дунёга ҳирс қўйма, қўймагил ихлос,  
Англагил бу иллат Фиръавнга хос.  
Илму ҳунар изла, зеро бизларга,  
Набий Муҳаммаддан қолган бу мерос.

\* \* \*

Ватан заминига қадам қўйса ёт,  
Ороминг йўқолур, дор бўлур ҳаёт.  
Қадрин бил Ватанни мисоли она,  
Онадек у улуғ, буюк, ягона.

\* \* \*

Дилингда ғашлик бор, аммо тилингда,  
Бу кун “Устоз” дея хитоб айладинг.  
Пиринг ҳолатига тушдинг сен чоғи,  
Энди ёд айламакни шитоб айладинг.

\* \* \*

Тан-сиҳат даврда ғурур-ла дилга,  
Шайтоний ҳисларни қамраб оламиз.  
Забт этгач хасталик бир мучамизни,  
Тавба деб раҳмонни излаб қоламиз.

\* \* \*

Яхши инсон бўл деб таъкидлар Ислому,  
Даъват этар бунга ҳадису Қуръон.  
Шундай экан, нечун, эй Қодир Эгам,  
Ёмонни яратдинг ақлимдир ҳайрон.

\* \* \*

Сеҳринг борми, меҳринг борми,  
Мунча лазизсан ҳаёт,  
Узолмаслар сендан кўнгил,  
Мунча азизсан, ҳаёт.

\* \* \*

Тилда ваъда бердинг,  
Дилда эт исбот.  
Шунда саналурсан,  
Сен одамийзот.

\* \* \*

Дилдан отилган туйғу,  
Билинг, юрак амри бу.  
Ҳар бир сатри, қатраси,  
Англинг, умрим лаҳзаси.



\* \* \*

Қил ҳалоллик йўриғин,  
Дилда мангу қоласан.  
Эксанг макр уруғин,  
Ғам ҳосилин оласан.

\* \* \*

Адолат чўкмайди, ўтда ҳам ёнмас,  
Асрларга кўчар, қўзлар йироқни.  
Банда минг уринсин ўчира олмас,  
Яратганнинг ўзи ёққан чироқни.

\* \* \*

Ногоҳ шум хабардан титради кўнгил  
«Муҳаббат» кўзгуси синибди чил-чил.  
Дўстлар, огоҳ бўлинг яна бир карра  
Умр шундай нозик мисоли бир қил.

\* \* \*

Майли ҳаёт йўлинг кечмасин осон,  
Майли, шум рақиблар бўлсинлар шодон.  
Қадрият, имонга фидо этгил жон  
Дўстим, ўзлигингни унутма ҳар он.

\* \* \*

Қарилик манзили сари еламиниз,  
Ором, тин олишни орзу қиламиниз.  
Кексайгач, ёшликни айлаймиз ҳавас,  
Йиллар қайтиб келмас буни биламиниз.

\* \* \*

**Нуроталик Абдуқаҳҳорга**

Дўстликнинг мазмуни, дийдор, оқибат,  
Тез-тез юз кўришмак ёхуд соғинч хат.  
Минг шукр, Ватан бир, эмасмиз мисли,  
Биримиз Муқимий, биримиз Фурқат.

\* \* \*

Қанийди бир фурсат тиним билмасам,  
Дақиқам кўзаси тўлса лиммо-лим.  
Гар шундай бўлмаса билинг азизлар,  
Бу ёруғ дунёдан кўзни юмганим.

\* \* \*

Дўсту ёр ҳақида битдим кўп ашъор,  
Бирин ўртоқ дедим, бирин содиқ ёр.  
Ва лекин кўрмадим ҳеч бир кимсада,  
Дўстликнинг қолганин боқий, барқарор.

\* \* \*

Умр дарёсида бир томчи сувман,  
Гоҳ сокин, гоҳ жўшқин бўлиб оқаман.  
Ҳар қалбнинг боғини яшнатмоқ учун,  
Эзгулик йўлида тўлиб оқаман.

\* \* \*

Бир юртнинг денгизи бор,  
Аммо нохуш ҳавоси.  
Вале, киндик қон томган,  
Ватаннинг йўқ баҳоси.

\* \* \*

Гуноҳу савобинг ўзингга сийлов,  
Тақдирга бандаси бўлолмас гаров.  
Менинг охиратим ташвишин қилма,  
Бировнинг гўрига тушмайди биров.

\* \* \*

Кўнгил подшодур, ақл-чи вазир,  
Ирода-ижрога мудом мунтазир.  
Мудом машваратда бўлса уч хислат,  
Инсон олий бўлур тенгсиз, беназир.

\* \* \*

Номарду нокасдан эзгулик кутма,  
Нодонлар сўзига заққумлар ютма.  
Яхшилик қилсанг гар, қилгил беминнат,  
Таъмадан яхшилик қайтмас унутма.

\* \* \*

Дустлик ришталари узилмас асло,  
Садоқат чироғи ўчмаса абад.  
Жудолик фатвоси ўқилур у чоқ,  
Қалбда ҳавас ўрнин қопласа ҳасад.

\* \* \*

Ажабтовур эрур миллатим феъли,  
Бир умр оғритар беҳудага бош.  
Бу бурчми ёки урф, ёхуд манманлик,  
Туғилса, ўлса ҳам элга берар ош.

\* \* \*

Уч нарсага йўқ даво, тингланг, биринчи тартиб,  
Кексага дард қўшилса, бўлмас уни юпатиб.  
Ҳасад тушса орага, узилгай дўстлик зулфи,  
Фақир бўлса дангаса, очилмас омад қулфи.

\* \* \*

Гўзал қиз боғдаги яшнаб турган гул,  
Ҳар кимни бир зумда мафтун этади.  
Бир кун маконидан айрилиб буткул,  
Ўзга бир боғбонни мамнун этади.

\* \* \*

Ғурурдан топмаган ҳеч ким барака,  
Панд берар ҳар қадам, ҳар бир юмушда.  
Тарихдан сабоқ ол, кибр қилган он,  
Шайтон номин олди ҳатто фаришта.

\* \* \*

Лаҳзали лаззат деб гафлат қотамиз,  
Гафлат мевасини аччиқ тотамиз.  
Барча гуноҳимиз тўнкаб Лаинга,  
Лаънатлаб яшаймиз, тошлар отамиз.

\* \* \*

Фикр қил, бу дунё аслида бозор,  
Тарозида ўлчаб белгилар нархин  
Фақат савдо қилмас жим, сокин, мозор,  
Бойу камбағалга тенг очар бағрин.

\* \* \*

Ким агар борига этса шукрона,  
Дунёнинг яхшилик, лаззатин тотар.  
Бахилнинг бир лаҳза йўқ ҳаловати,  
Давлати устида тўлғониб ётар.

\* \* \*

Дунёга келганда эдик яланғоч,  
Шу ҳолда кетурмиз боқий оламга.  
Мол-дунё охират юзин безамас  
Пок иймон ҳамроҳдир танҳо одамга.

\* \* \*

Хаёл қочса кўзга уйқу илинмас,  
Нафсин тийган ғам домига илинмас.  
Меҳнат қилиб топгил ризқу рўзингни.  
Танбалларга Тангри неъмат илинмас.

\* \* \*

Бир умр қолмайин десанг армонда,  
Дилингда доимо бўлсин бир тилак.  
Кечган ҳаётингдан қолмайсан доғда,  
Инсонларга бўлсанг ҳар дамда керак.

\* \* \*

Қўйнингдаги ганим чивинга ўхшар,  
Қудратин назарга илмай қоласан.  
Сездирмай танангга санчиб игнасин,  
Қонингни сўрганин билмай қоласан.

\* \* \*

Ислому қурол эмас, ёхуд сиёсат,  
Одобу ахлоқдан сўйлайди фақат.  
Яхшилик, тўғрилик, поклик шиори,  
Шунга даъват этар ҳар битта оят.

\* \* \*

Бир аср яшарди ҳар битта инсон,  
Ҳавода заррача ғубор бўлмаса.  
Ҳар бири бўларди ҳабиби содиқ.  
Тилида, дилида озор бўлмаса.

\* \* \*

Шубҳаю ҳадикни солма дилингга,  
Иғводан узоқ юр, олма тилингга.  
Тўғри бос қадаминг покиза жойда,  
Шунда афсус қолмас ўтган дамингга.

\* \* \*

Раъногул, булбулга қилмайман ҳавас,  
Рўшнолик кўрмаган бир зум, бир нафас.  
Бири чиройи деб тушса гулдонга,  
Бирига насиба олтиндан қафас.

## ДЕБОЧА

*(Эркин Воҳидов газалига мухаммас)*

Ул кеча ой, нур жамолин қўз-қўз этган чоғида  
Илкимга тутдим қаламни пари рухсор доғида  
Не қилай, боғбон эрурман мен ҳам ашъор боғида  
Истадим сайр айламакни мен ғазал бўстонида  
Кулмангиз не бор сенга деб мир Алишер ёнида.


Шоир девона кўнгилдур дард тўла достони кўп  
Бахт аро шодлик кунидан ғам бодали они кўп  
Асрори пинҳон дилида, ечилмас чистони кўп  
Шеърият дунёси кенг, гулзори кўп, бўстони кўп  
Ҳар кўнгил арзини айтур неки бор имконида.

Назм, севги мумтоз эрур янги неъмат демагил  
Умри ҳам боқий унинг, ҳаргиз ғамин емагил.  
Ишқда ён Фарҳод каби, Хисрав мисол севмагил  
Эй, мунаққид сен ғазални кўҳна деб камситмагил  
Севги ҳам Одам Атодин қолган инсон қонида.

Гул ораз очсин дея булбул этар оху-фиғон  
Андалиб дарди ошкордир, шоир армони ниҳон.  
Икковин чашмидин ашки нетонг оққайдир равон  
Тошга ҳам пириин ғазал бахш айлағай оташ ва жон  
Шавқ ўти ёнса агар шоир-ғазалхон конида.

Ҳар қалам аҳлин забони булбули гўё эмас,  
Тўкилган сатри дилидан гоҳ тилда бурро эмас  
Юз доғи балки хусндир, қалб доғи оро эмас  
Рост, ғазал авжида барча Ой ила Зухро эмас  
Кўп эрур самончилар ҳам, шеърият осмонида.

Эй, Шукур фахм айлагил шоир меҳр гадосидир  
Бенасиб бўлса магарким бу умрин адосидир  
Ҳақиқат расули ул, эл-у юрт фидосидур  
Дўстларим шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидир  
Ёш денг-у маъзур тутинг сахв ўлса гар девонида.



Handwritten text in a cursive script, possibly a religious or historical document, enclosed within a decorative, hand-drawn border. The text is arranged in several lines, with some words appearing to be in a different language or dialect. The border is composed of thin, flowing lines that create a frame around the central text. There are some dark ink smudges and blotches, particularly at the top left and bottom right, suggesting age or damage to the original document.

\* \* \*

Гар пайқасанг йўқлигин сенга дўстинг ишончин,  
Ўзгартиролмайсан фикрин, оширсанг-да қувончин.

\* \* \*

Хилолга қарасам, ёр қизғаниб рашк қилар,  
Билмам балки ёр ўзин ҳилолдан юксак билар.

\* \* \*

Қилма текинхўрлик асло ихтиёр.  
Бил, бир кун эмоқнинг қусмоғи ҳам бор.

\* \* \*

Эгизак бўлганда дил, тил ҳамда иш,  
Дунёда бўлмасди ортиқча ташвиш.

\* \* \*

Чин дўст удир юзингга айлайди айбинг баён,  
Айтса айбинг ўзгага бил у ғанимдан ёмон.

\* \* \*

Кўп ақл баҳсидан дил бўлар расо,  
Зеро, ирмоқлардан туғилар дарё.

\* \* \*

Кучингга ишонма, ҳаттоки денгиз  
Қуриши мумкин дир бир кун шубҳасиз.

\* \* \*

Кўпайсин яхши дўст азим дунёда,  
Чин дўстни қондошдан билдим зиёда.



\* \* \*

Томчидан сув тўплаган узоққа борар,  
Меҳнатсиз сув ҳўплаган тузоққа борар.

\* \* \*

Тўғридан ҳайиқма, эгилгандан қўрқ,  
Қара, камон эгик, аммо отар ўқ.

\* \* \*

Мен ғарибман, ғурурим баланд,  
Зеро дилда тўғрилиқ, орият пайванд.

\* \* \*

Эл-у юрт дардида куйсанг ҳар нафас,  
Шунда қилсанг арзир амални ҳавас.

\* \* \*

Кўзи бошин кўп силасанг сузувчи бўлар,  
Бола ёшин кўп сийласанг, бузувчи бўлар.

\* \* \*

Қидирсанг яшашнинг осон йўлини,  
Сенга хотиржамлик тутмас қўлини.

\* \* \*

Агар муслим билса ўзин ҳар киши,  
Яхши ният бирла бўлсин ҳар иши.

\* \* \*

Энг олий ибодат савобин олмоқ –  
Иймонли қалбларга хурсандлик солмоқ.

\* \* \*

Бефойда сўзларни тарк этгил мудом,  
Маъноли лутф даркор-мухтасар калом.

\* \* \*

Икра, икра, икра бўлсин шиоринг,  
Илм ол, баҳраманд бўлсин диёринг.

\* \* \*

Она ердек ким бўлса камтар,  
Она ердек ҳурматга етар.

\* \* \*

Қўрқув билан умр кўргандан узоқ,  
Тинч кечган соз, қисқа умр яхшироқ.

\* \* \*


Беғаму бепарво бўлса гар инсон,  
У шакли одамдур, мижози ҳайвон.

\* \* \*

Ташқаридан айвон яхши  
Ноинсофдан ҳайвон яхши.

\* \* \*

Одамийлик шеваси  
Соғлом ҳаёт меваси



Бирн марсиандир, бирн қасида.  
Бирн дил изҳори эрур аслида.

## ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

Адиб ва шоир Шуҳратга

Агар Маҳшарда оқ урсам,  
Замину осмон ўртар.  
Машраб

Умр синовда ўтди кундуз ила тун,  
Гоҳ аччиқ айрилиқ олди комига.  
Ҳасаду худбинлик кўрсатиб кучин,  
Шафқатсиз ирғитди туҳмат домига.

«Ўнг қўл меҳнат қилди, тополмади бахт,  
Сўлга тилла соат қўйдилар тақиб».  
Кимдир амал олди, ким сохта шуҳрат,  
Покиза инсонни айлагач таъқиб.

Не учун? Не сабаб? Қай гуноҳ учун?  
Жавоб беролмади, ул жоҳил замон.  
Бажо этганими инсонлик бурчин,  
Ёхуд халқ дардими, дардки беомон.

Ё тоза имони, миллат ғурури,  
Букилмас ирода, сўнмас эътиқод.  
Меҳр-ла порловчи кўзининг нури,  
Ёвузлар қалбига кўриндими ёт.

Нечун шунча ташвиш, ғам, андуҳ, алам,  
Дерсиз битта бошга, битта юракка.  
Кураш деб ушланур одатда қалам,  
Токи етмагунча орзу, ниятга,  
Устоз бу фазилат Сизга эди мос,  
Қора қалб кимсалар бунингламас.  
Сиздаги қалб кўри улуғларга хос,  
Олтин номи олтин, «Олтин зангламас».

## БОҒБОН

*Мақсуд Шайхзодага*

Уйқуни тарк этиб баъзида тунда,  
Хаёл дарёсига шўнғиб кетардим.  
Дебон: ўзларидан сўрасак, шунда,  
Назм гулшанида сайр этардим.

Шеър богида битган рангдор гулларни,  
Кўксимга босиб тек, хаёлан оқдим.  
Бир жонли гулдаста дедим уларни,  
Меҳримдан жой бериб, юракка тақдим.

Бу ажиб дастада ҳар битта раъно,  
Ўзидан хўб ажиб бўй таратарди.  
Яшнаб туришининг ўзи бир маъно,  
Боғбоннинг меҳнатин жим англатарди.

Шоирларнинг иссиқ нафасин сездим,  
Рўпарамда “ғазал мулкин султони”.  
Ўйчан бир хиёбон ичида кездим,  
Қонимда қайнарди сукутсиз қони.

Шафақлар ўчдими, тепамда гўё.  
“Улуғбек юлдузи” порларди ял-ял,  
“Тошкентнома” тўла янгроқ бир дунё,  
Банд этиб хаёлим берарди сайқал.

Бу зебо гулларни яшнатмоқ учун,  
Меҳр керак, меҳр, ҳаддан зиёда.  
Шундай гул яратди шоирлик кучи,  
Шундай боғ яратди Мақсуд Шайхзода.

## МАНГУЛИК

*Вақти етиб эриб кетарман,  
Мисли симоб, мисли сўнги қор.  
Дардларимни балки сўнги бор,  
Энг яқин бир дўстга айтарман.*

*Х. Салоҳ*

Наҳот бу гал алик олмади,  
Жўраларин саломларига?!  
Наҳот, қалам изи қолмади,  
Муҳр босилди каломларига?!

Наҳот, шомни ёритиб турган,  
Шамнинг яна биттаси ўчди.  
Она ерга термулиб юрган,  
Юлдуз бошқа манзилга кўчди.

Ҳайҳот, кетди узоқ бир томон,  
Ҳилолидан батамом йироқ.  
Кўринмаса ҳамки у ҳамон,  
Из қолдирди мисоли чақмоқ.

Ўз гулшанин севарди чексиз,  
Шеър қайнатар эди умиди.  
Яшар экан довруқсиз, кексиз,  
Сўнг қисмати, ахир шумиди?!

Лабларига томизолмай сув,  
Наҳот ёри ўтар армонда.  
Қачонгача дилида гулув,  
Ғами билан яшар жаҳонда.

Эй беназир, мен ким, мен учун,  
Ҳам дўст эдинг, ҳам дилга ҳамроз.  
Дил хотири унутсин нечун,  
Тутқазганинг илк бор қўлга соз?

Менга “оқ йўл” тилаган асно,  
Гулчи эдинг, раънога хуштор.  
Бермас эдинг ўзингга баҳо,  
Мисли симоб, мисли сўнгги қор.

Ёш юрагинг тўла “Наъматак”,  
Тоғлар пойин соғинарди хўб.  
Салқин чашма, рангин камалак,  
Сенга эди гўзал ва маҳбуб.

Шайхонтоҳур кўчаларида,  
Шайх акадан ўқиб берардинг.  
Мушоира кечаларида  
Шеър кўкига қанот керардинг.

Афсус, энди чўғ яноғидан  
Сўнди ғурур, сўнди алвон ранг...  
О, одамлар, тирик чоғида,  
“Яхшиларни авайлаб сақланг”.

Қабри узра учта ёш эман,  
Шовулламай унсиз турибди.  
Шеър боғида лекин шўх, жаранг.  
Шоир сози янграб турибди.

## ОТАМГА

Икки томчи сувга ўхшаш зилолдир,  
Дейишар кўрганлар мен билан сизни.  
Касби машғулотим сўрашиб зимдан,  
Той боссин дейдилар от чизган изни.

Минг шукур ташбеҳга, дўстларнинг дилдан,  
Эзгу қувончига, самимиятга.  
Покиза виждоннинг сиздек соҳиби,  
Муқаррар етказар олий ниятга.

Тўрт мучам гар экан сиздан андоза,  
Қалбим ҳам ўхшашин истайман жуда.  
Умр яхшиликка айласин хизмат,  
Чақмоқдек ёнмасин нафсиз, беҳуда.

Истагим Сиз каби ҳалол меҳнатдан,  
Халқим олқишига бўлай Мушарраф.  
Дўст-ёрон, устозга бўлсам фидойи,  
Менга йўқ бундан ҳам ортиқроқ шараф.

Икки томчи сувга ўхшаш зилолдир,  
Дейишар кўрганлар Сиз билан мени.  
Ўзгалар умрига этмайман тақлид  
Кўрсам бас, Сиз каби ёрқин умрни.

## **МАДАДКОР ЭДИНГИЗ**

### ***Тоир Дадаш ўғлига***

Англайман қадрингиз отажон ҳар он,  
Ҳам шодлик қунимда, ҳам бўлсам нолон.  
Топмадим дунёда Сизга ҳеч қиёс,  
Бағри кенг осмоним, эй меҳри қуёш.  
Соғиндим Отажон, доно сўзингиз,  
Мададкор эдингиз мудом ўзингиз.

Умр ўтказдингиз содда, безавол,  
Элу юрт ишқида тер тўкиб ҳалол.  
Ором билмадингиз дилбандлар учун  
Шараф-ла бажариб оталик бурчин.  
Соғиндим Отажон, жовдир кўзингиз,  
Нажоткор эдингиз мудом ўзингиз.

Оққўнғил эдингиз камтар, беозор,  
Лафзда ҳалолу самимий дўст-ёр.  
Ақлда донишу оқил ҳар ишда,  
Покиза имонли мисли фаришта.



Соғиндим Отажон, нурли юзингиз,  
Халоскор эдингиз мудом ўзингиз.

Шукур дер, розиман, тақдир ҳаётга,  
Фарзанди содиқман, Сиз улуғ зотга.  
Умрим чароғисиз, токи бор жоним,  
Раҳматин ёғдирсин Тангри илоҳим.  
Соғиндим Отажон, нурли юзингиз,  
Фидокор эдингиз мудом ўзингиз.

### **ҚУТЛУҒ ЁШ МУБОРАК!**

#### *Фахриддин Умаровнинг 70 йиллигига*

Ҳамон пойингизга таъзимда гуллар,  
Жўр бўлиб сайрашар Сизга булбуллар,  
Қувончдан кўз яшнар, қувнайди диллар,  
Сарҳисоб этишга чорлайди йиллар,  
Мадҳингиз куйлашга қўлга олдим соз,  
Қутлуғ ёш муборак, эй азиз устоз!

Ширин овозингиз эритар тошни,  
Юрагин забт этиб кексаю ёшни,  
Нолангиз эркалар ҳар қалам қошни,  
Дилга жо этдингиз меҳри қуёшни,  
Ашъорда билимдон, созда хушовоз,  
Қутлуғ ёш муборак, эй азиз устоз!

Тақдир солса ҳамки гоҳи ғам-алам,  
Мудом қўлда бўлди соз бирла қалам,  
Сиздаги бардошлик ўзи бир олам,  
Бунга тан беришган неча доно ҳам,  
Фидойи ҳофизсиз, қўшиқда мумтоз,  
Қутлуғ ёш муборак, эй азиз устоз!

Овозингиз мангу янграсин хушхон,  
Куйларингиз дардли дилларга дармон,  
Меҳрибон мураббий, муҳтарам инсон,  
Элу юрт бахтига бўлинг соғ-омон.  
Шукур айлаб дилдан этарман эъзоз,  
Кутлуғ ёш муборак, Фахриддин устоз!

## **ҚАНИ**

*Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаровга*

Тор узилди, дутор тинди,  
  дўстлар янгроқ соз қани,  
Чаман ичра булбул саси  
  дил ором овоз қани.  
Кўшиғи умрбоқий,  
  бетакрор мумтоз қани,  
Самимий дил, беғубор,  
  дилкаш дўст, ҳамроз қани,  
Ҳар юракка чўғ солган  
  Фахриддин устоз қани.

Куйлаганда ҳатто тош  
  юракларни ёндирган,  
Ашғори булоқ мисол  
  ташна дилни қондирган.  
Садпора кунгиларни  
  бир-бирига суйдирган,  
Элин назари тушган  
  ҳофизи эъзоз қани.  
Ҳар юракка чўғ солган  
  Фахриддин устоз қани.

“Йўлингда тупроқ ўлди”  
  аё сенга ғубор бўлди,  
“Жамолинг” васлини куйлаб,  
  висолингга зор бўлди.

Не қилайлик, эй фалак,  
сендан ҳукм кор бўлди.  
Шогирду фарзандига  
меҳри иссиқ ёз қани.  
Ҳар юракка чўғ солган  
Фахриддин устоз қани.

Шукур тилар Ҳолиқдин  
Сизга раҳмат, соғ имон,  
Коронғу гўшангизни  
ёритсин нури қуръон.  
Бир келди Сиздек ҳофиз,  
улуғвор комил инсон  
Санъатим осмонида  
лочини парвоз қани.  
Ҳар юракка чўғ солган  
Фахриддин устоз қани.

## ФОЗИЛ

### *Дустим Фозил Икромов хотирасига*

Бир шум хабар зилзиласидан,  
Дил дарз кетди, жигарлар пора.  
Наҳот энди дуст даврасида,  
Юрмоқликка йўқ унга чора.

Жавоб бергил, табиат менга,  
Яширмагил бир бора асрор.  
Нечун ёш, пок юраги сенга,  
Бўлиб қолди дафъатан даркор.

Ахир бу дил томири танҳо,  
Яхшилик деб бир умр урган.  
Саховатда номи бебаҳо,  
«Фозил»ликдан бир ҳайкал қурган.

Чин садоқат эди шиори,  
Дўст, қондошга оқибат холис.  
Ундан вафо топганди ёри,  
Ҳеч кимсадан йўқ эди нолиш.

Кўзларидан ёш тўкиб дув-дув,  
Оқиласи қолиб армонда.  
Яшолмади дилида ғулув,  
Кетгач усиз ёруғ жаҳонда.

Оқ қорозим кўз ёшу, қалам,  
Сиёҳим-ла бўлди шабистон.  
Қалбда қолди бир умр алам,  
Чунки кетди бир бебаҳо жон.

## **УСТОЗ ШОИРГА**

*Абдулла Ориповга*

Инсон суратига бир боқиш билан,  
Шошилиб бермагил дўстгинам баҳо.  
Девонаи Машраб, Умар Ҳайём ҳам,  
Кўнгил қулфин очиб бўламишлар даҳо.

Гарчи «Митти юлдуз» бўлса ҳам нури,  
Шеърят осмонин ёрита олди.  
Кечаги тортинчоқ қишлоқ ўғлони,  
Буюклар сафида мангуга қолди.

Дейдилар яратган ёққан чироқни,  
Банда минг уринсин, сўндира олмас.  
Биров насибасин теролмас биров,  
Ўзича бахт қушин қўндира олмас.

Илоҳий неъматга қалб бўлди ошно,  
Меҳнат инъом этди шуҳрату шонни.  
Ҳа, толе юксалур зероки истак,  
Бахш этмоқ бир умр халқ учун жонни.

## МАДҲИЯ

(Ўзбекистон халқ артисти

Ғуломжон Ёқубовга)

Илоҳий ашъорга бағишладинг жон,  
Жарангдор овозинг тилларда дoston.  
Ширали нолангдан булбуллар ҳайрон  
Элинг хизматига ҳозирсан ҳар он  
Аллоҳга ғуломсан, санъатда султон.

Сулвлар қўшиғинг тинглашар суйиб,  
Қора қошларига «Ўсмалар қўйиб»  
«Тошкентим» чиройи меҳрига тўйиб  
Шу кентда топгансан обрў ила шон.  
Аллоҳга ғуломсан, санъатда султон.

Дилингда «Шохиста», гўзал «Дилором»  
Қалбингга чўғ ташлаб этишгандир ром  
Куйлайвер севгини, дил топсин ором,  
Юракда қолмасин заррача армон,  
Аллоҳга ғуломсан, санъатда султон.

«Умр ўтар, вақт ўтар» лек қўшиқ боқий  
Қўшиқ шароб бўлса ҳофиздир соқий  
Шукур санъатингга маст бўлсин токи  
Томирда қайнасин, жўшқин оқсин қон  
Аллоҳга ғуломсан, санъатда султон.

## ДЎСТЛИК ҚАСИДАСИ

*Ли Валерийга*

Томирда корейс қони,  
                    ўзбегимга фарзандсан,  
Миллатим чинор эрса,  
                    бир шохига пайвандсан,  
Ўзбекона лутфда сўзлари  
                    асал, қандсан,  
Дўстим, башарлар ичра  
                    ажиб нодир инсонсан.  
Истиқлол шарафидан  
                    омад бўлди бизга ёр,  
Зеро сендек серғайрат  
                    алп йигитлар бахти бор.  
Толеинг, номинг баланд  
                    топармон ҳам тадбиркор,  
Дўстим, ҳар бир юмушга  
                    доим қодир инсонсан.  
Дехқонлар авлодисан,  
                    меҳнатда қотган билак,  
Икки халққа кўприксан,  
                    дилигда эзгу тилак,  
Беғуборсан, самимий,  
                    одобда ҳушёр, сергак,  
Дўстим, эпчил ҳам танги,  
                    жасур, ботир инсонсан.  
Ҳаётда камтаринсан,  
                    дилда шижоат, ғурур,  
Кўзларинг тарк этмасин  
                    порлаб турган меҳр, нур.  
Таърифлаб, ашъор этди  
                    қадрдон дўстинг Шукур,  
Дўстим, эл хизматига  
                    мудом ҳозир инсонсан.

## ИФТИХОР

**Жаҳон миқёсидаги ҳакам  
Равшан Эрматовга**

Донолар дермишлар «Юртнинг шуҳратин,  
Жаҳонга таратар уч ботир ўғлон.  
Бири эл сарбони оқил ва метин,  
Бири шоир бўлса, бириси полвон».

Шундай мардлар бири менга Ватандош,  
Элу юрт олдида буюк хизмати.  
Чарм тўп ҳаками, майдонда сар бош,  
Дунёга таралган номи, шуҳрати.

Мухлислар «Офарин Равшан Эрмат» - дер,  
Ақл-заковати, истеъдодига.  
Ҳатто машҳур ҳакам Коллина Пьер,  
Тан берди ўзбекнинг ёш авлодига.

Ёт элда, ёт тилда сўзлашиб бардам,  
Чигал тортишувга берар хулоса.  
Хорижлик ҳамкасбга қилса-да алам,  
Одил қароридан қилар муроса.

Бу шуҳрат, бу иззат халқлар назари,  
Фақат орзу эди чўпчак мисоли.  
Ташлай олмас эдик бир қадам нари,  
Қамчи турар эди бош узра ҳали.

Бугун-чи, ўзбек машҳур буюк Эл,  
Равшанлар бу элнинг тўнғич самари.  
Ҳур Ватан ишқида маҳкам боғлаб бел,  
Шаҳдам одим ташлар келажак сари.

## АЗИЗ ИНСОН ЭРУРСИЗ

*Фидойи маорифчи Музроб Қурбоновага*

Кўҳна, улуғ авлодга ворис, эҳсон эрурсиз,  
Соф кўнгил, самимий дил, соғлом иймон эрурсиз.  
Эзгуликдан топдингиз бу дунёда яхши ном,  
Элнинг назари тушган азиз инсон эрурсиз.  
Олтин олмай олдингиз ота-она дуосин,  
Фарзанд бурчига содиқ асл ўғлон эрурсиз.  
Иродангиз олдида тоб беролмас метин ҳам,  
Тўғрисўзлик мулкида адл султон эрурсиз.  
Сизга мудом таъзимда муаллим, зиёкорлар,  
Маърифат гулшанида моҳир боғбон эрурсиз.  
Ҳалол луқмадан қониб ўсди уч қиз бир ўғлон,  
Уларга Сиз ифтихор шавкату шон эрурсиз.  
Данагининг мағзини тотаяпсиз беармон,  
Бобо унвонин олган давру даврон эрурсиз.  
Олтмиш ёш яхшиларга мўъжазгина бир сана,  
Тангри берсин мўл умр шунга имкон эрурсиз.  
Сиздек ростгўй, покдомон ардоқдадур жаҳонда,  
Зеро Сиз Мурод ўғли Музроб Қурбон эрурсиз.

## МУЗАФФАР ЁШ

*Музаффар Жаъфар ўғлига*

Деди: Айт, энг нодир зўр йигит кимдур?  
Дедим: Бу Музаффар Жаъфар ўғлидур.  
Деди: Қай хислати бизлардан ортиқ?  
Дедим: Кўп серғайрат, ҳам тинмас нотик.  
Деди: Нечун унга қилурсан ҳавас?  
Дедим: Ҳамон унга ошиқ париваш.  
Деди: Не ёқтирар таом ё овни?  
Дедим: Тадбирни-ю ширин мақтовни.  
Деди: Ким келтирмиш унга шараф-шон?  
Дедим: Ақли расо ул бешта ўғлон.



Деди: Касб бобида ким раҳнамо, бош?  
Дедим: Бир оқила, зукко қалам қош.  
Деди: Наҳот беайб бу мўмин банда?  
Дедим: Кеч қолишни қилмайди канда.  
Деди: Нечун бунда жамдир қари-ёш?  
Дедим: Олтмиш ёшни кўрмиш тилла бош.  
Деди: Не ниятинг бордур шул онда?  
Дедим: Бирга бўлай етмиш, саксонда.  
Деди: Юрсинлар ул соғу саломат  
Дедим: Тарк этмасин бахт, шодлик, омад.

## ҚОРХАТ

*Улфатимиз Баҳодир ибн Ортиқ ибн Машарип  
ёшуллига*

Алпқомат оғажон, салом-ассалом?  
Йўллағаймиз Сизга энг ширин калом.  
Латифа айтишда ўткир, «бало»сиз,  
Сахийлик бобида танҳо аълосиз.  
Улфатга қурбондир жону дилингиз,  
Хоразм шеваси ширин тилингиз.  
Хайрият қут кириб, ёғди тўнғич қор,  
Қалбингиз мисоли оппоқ, беғубор.  
Қутлуғ бўлсин илк қор, эй танти акам,  
Энди боғланг белга белбоғни маҳкам.  
Чойхона томонга илдам юрмоққа,  
Дўстлар суҳбатини қизгин сурмоққа.  
Қўй гўшти, мол гўшти ҳеч зарур эмас,  
Улфатлар димлама, ош-палов демас.  
Ҳаттоки хорижга солган зўр доврўғ,  
Бўлса бас курка ё «бройлер» товуқ.  
Дастурхоннинг кўрки Тошкент шароби,  
Бир зумда тузатур ким қочса тоби.  
Паркентнинг меваси, Ургут зираси,  
Хоразм қовуни ўткир шираси.

Шунда бўлур, ога, айни муддао,  
Аллоҳ қувват берсин қилурмиз дуо.  
Зиёфат аҳлини агар сўрсангиз,  
Мен Шукур Дадаш, Юсуф акангиз,  
Улфатбоши Анвар, бир суз Дониёр,  
Ал-Азиз, Абдулла барин файзи бор.  
Кун бирла соатни тезроқ этинг ҳал,  
Улфатлар бўлмасин дийдорга маҳтал.

## ТАВАЛЛУД КУНИДА

### *Шифокор Ёрқинҳажи Турсунбой ўғлига*

Иймонда собитсиз, лафзда ҳалол,  
Қалбингиз булоқдек тоза ва зилол.  
Сўзингиз ҳалимдек ширин, мулойим,  
Зукко шифокорсиз, билимдон олим.  
Дустлар даврасининг гавҳар тожисиз,  
Беш фарз адо этган бахтли ҳожисиз.  
Умр довонидан шаҳдам ошасиз  
Савобли ишларга доим шошасиз.  
Камтарин инсонсиз, самимий дилкаш  
Хизматдан чарчамас асл меҳнаткаш.  
Оила боғида моҳир боғбонсиз,  
Ибратли отахон, вафодор ёрсиз.  
Топгансиз эл ичра обрў эътибор.  
Бунда улуғларнинг дуо, рози бор.  
Шу ҳурмат, иззатда юрингиз доим  
Улуғ ажирларни берсин худойим.  
Ягона ўтинч шу Ҳақдин, Азалдин  
Ҳаргиз айирмасин халқдин, назардин.  
Ҳозирдек табассум ҳеч аримасин  
Етмиш ёш валекин дил қаримасин.

## УМР МАЗМУНИ

*Акбар Али Шокир ўзлига*

Жамалак сочингиз устида қиров  
Қоплаганин кўрдим негадир бугун  
Кексаликка йўйманг акахон дарров  
Ҳар толаси туккан юракдан тугун.

Бу кумуш толада ишончим комил  
Бир тарих ётади сабаб, ҳодисот  
Гоҳ қайғу ҳаяжон бўлса-да омил,  
Гоҳ шайтон шаклида юрган одамзот.


Толанинг илк оқи ота меҳрига  
Сўнгни нигоҳ тушгач, пайдо бўлгандир.  
Қайдам балки ҳаёт макри, сеҳрига  
Гоҳ алам косаси лим-лим тўлгандир.

Тахмин ортда қолсин, турфа хил асрор,  
Кумуш сочингизни йўйдим эзгуга  
У билан гўзалсиз ҳамда улуғвор,  
Исбот сўрасангиз боқинг кўзгуга.

## УЛУҒ НЕЪМАТ

*(Тўнғич звара Абдуллоҳ таваллудига)*

Раҳмон карам қилди, диллар бўлди шод  
Шажара сафига қўшилди авлод.  
Набирам Фазилат, куёв Яшнаржон  
Бири ота бўлди, бири онажон.  
Куёв Иброҳимжон, қизим Шахлоҳон  
Бу кун бўлдилар ёш буви, буважон.  
Уларчун биринчи лазиз невара,  
Бизларга илк тўнғич азиз звара.  
Умидла қўйдилар исмин Абдуллоҳ  
Узоқ умр берсин меҳрибон Аллоҳ.  
Роҳатин кўрсинлар ота-онаси,  
Икки жуфт буви-ю тўртта бобоси.  
Роса уч авлодга вакилдир ўғлон  
Ғаффоржон, Шукуржон ҳамда Жўраҳон.  
Бариси ҳаётда қолдирган бир из  
Бири олим, бири шоир, бири муҳандис.  
Уларнинг тилаги эзгу ягона,  
Яратган этмасин ўздин бегона.  
Полвонжон улғайсин, топсин зўр камол,  
Комил инсон бўлсин, ростгўй ва ҳалол.  
Элу юрт фарзанди, она қувончи,  
Отасин таянчи, умид, ишончи.



Тилнинг уткир бўлиши  
доим қаламим,  
«Одам шайтон»ларда  
бордиқ аламин

## АСРИЙ БАҲС

Бир кичик даҳада девор-дармиён  
Яшарди бир доно ва ўжар нодон.  
Ҳар оқшом шоҳмот суришар эди,  
Гоҳида суҳбат ҳам қуришар эди.  
Лек баҳс айланарди охир жанжалга,  
Кавказлик қўл чўзган каби ханжарга.  
Доно орли эди, оқил ва камтар  
Ўзин вазмин тутиб бўлар соқов, кар.  
Тортишмай бир сўздан қолайин дерди,  
Эл-юртда яхши ном олайин дерди.  
Андишани қўрқоқ ҳисоблаб нодон  
Қуруқ арвани судрарди чунон;  
– Аслида жонзотни яратгач Худо,  
Илк маймун зотини этганди пайдо.  
Сўнгра одамзотга айланган улар,  
Олий тоифага сайланган улар.  
Исботим кечаги .юнгдор Горелло  
Бугун машҳур инсон ҳабаш Отелло.  
Файласуф дедингиз Хайём Умарни  
Нотўғри осибсиз унга туморни.  
Асли у шаробга бўлган ошифта,  
Шоирлар ичида майхўр, олифта.  
Араблардан тарқаган саид, хўжалар  
Улардан айродир бизнинг кўчалар.  
Шундай бўлар эди ҳар кун мажоро  
Турфа хил фикрли қўшнилари аро.  
Тузсиз сўзлар тегди доно жонига  
Ташна қилди ҳатто ўзин қонига.  
Хаёл сурди: – Тезроқ бир чора топай,  
Керак бўлса елдек югурай, чопай.  
Ўйлай-ўйлай роса боши қотибди  
Ундан нари-ку деб уйин сотибди.

## АМАЛПАРАСТГА

Бор умрин ўтказди амал талашиб,  
Бу йўлда шайтон ҳам тан берди унга.  
Кимсаларга фириб, макр улашиб,  
Эришди ҳаттоки турли унвонга.  
Ул ўзин билса ҳам бемисл бир зот,  
Бироқ инсонликка эмасдир номзод.

## СИҲАТГОҲ

Тиним билмай меҳнат қилдим, охир толдим,  
Даво олай дея атай таътил олдим.  
Қайдасан деб Чирчиқ томон улов солдим,  
Ул сиҳатгоҳ донғи кетган дoston экан.

Сўлим, гўзал маскан экан, суви зилол,  
Ходимларин сўзларидан томади бол.  
Хизматлари самимийдир ҳам бемалол,  
Муолажа, даволари дармон экан.

Аммо афсус, мен келибман бироз бевақт,  
Мисли шоҳман, вале йўқдир менда тож-тахт.  
Йўлланмага хона йўқдир ҳеч кимга нақд,  
Келган меҳмон жой тополмай сарсон экан.

Таомлари бир хил доим совуқ миждоз,  
Хоналарни моғор босган, синиқ жиҳоз.  
Деворлари яланғочдир, йиртиқ қоғоз,  
Ҳожатга ҳеч кириб бўлмас, вайрон экан.

Деразаси очилса ҳам ёпилмайди,  
Мебеллари бу жаҳонда топилмайди.  
Чироқлари керак жойда ёқилмайди,  
Чора топмай ходима ҳам ҳайрон экан.

\* \* \*

Йиллар ўтди, йўлим тушди ўша томон,  
Обод бўлиб яшарибди ул гул макон.  
Ҳордиқ олмоқ истаганлар қилмас армон,  
Дам маскани номига мос «Бўстон» экан.

## ИБРАТ

*(Масал-эртак)*

Узоқмас, шу замонда,  
Қалин зангор ўрмонда,  
Йўлбарс ва қўрқмас арслон,  
Бўри-ю, айиқ полвон,  
Айёр тулки ҳамда фил,  
Улфат эканлар аҳил.  
Ҳар ҳафта тун чоғида,  
Дарёнинг қирғоғида,  
Зиёфат тузишаркан,  
Май-шароб сузишаркан.  
Мана базм оқшоми,  
Ўлтирар дўстлар жами,  
Ҳамма ишда қошу кўз,  
Сахий тулки олар сўз:  
– Азиз жонзот жўралар,  
Қўрқмас, ботир тўралар,  
Бу шаробни азизлар,  
Сўзи асал, лазизлар,  
Фахримиз ва шонимиз,  
Қиблагоҳ, посбонимиз,  
Шерхон учун олайлик,  
Унга содиқ қолайлик.  
Сўзлар уланди сўзга,  
Фил деди: – Киринг юзга!



Айиқ тилади соғлик,  
Бўри кўп ўлжа, бойлик,  
Йўлбарс омад, кетмас бахт,  
Умрбоқий куч ва тахт.  
Мақтов сўзлардан арслон,  
Майга қондики чунон,  
Боши гир-гир айланди,  
Кетмоқ учун шайланди.  
Дўстлар гурунгда шодон,  
Юрдилар ўрмон томон.  
Бироқ кўп зум ўтмасдан,  
Гўшаларга етмасдан,  
Содир бўлди ғаройиб,  
Шер бўлган эди ғойиб.  
Танҳо хириллаш овоз,  
Келиб турарди бир оз.  
Ечилди дарров жумбоқ,  
Овчи тайёрлаган чоҳ,  
Шерхонни кутган эди,  
Қаърига ютган эди.  
Буни кўргач беш улфат,  
Яна боқмасин кулфат,  
Бермайлик у деб сўроқ,  
Қайдан ҳам қилдик ўртоқ.  
Гар ичишни билмаса,  
Сўзга қулоқ илмаса,  
Деб таъналар сочдилар,  
Уни ташлаб қочдилар.

## НАФС

### Масал

Питбилди-ғу питбилдиқ,  
Гүё денгиздек тиниқ,  
Кўм-кўк яйлов, бедазор,  
Деб бедана беқарор,  
Учарди гир айланиб,  
Кўноқ донга шайланиб,  
Тўқликка қилиб шўхлик,  
Жонига қилиб ўқлик,  
Жигиддонни тўлдириб,  
Баъзан йўрғалаб юриб,  
Кенг дала-ю полизда,  
Ини қолиб олисда,  
Дон учраса чўқирди,  
Питбилдигин ўқирди.  
Инига бўлди қайтмоқ,  
Дам олиб яйраб ётмоқ,  
Лек оч кўзи, кўриб дон,  
Ўзини урди чунон.  
Нафси карнай очилиб,  
Донни еди шошилиб,  
Севинч бормай узоққа,  
Тушди шу чоқ тузоққа.  
Ўша нафс балосидан,  
Ажралиб даласидан,  
Ўралиб тўрқовоққа,  
Ўзин урар ҳар ёққа.

## БИР ҲИКМАТ СИРИ

*(Эртак масал)*

I

Кунлардан бир кун ногоҳ  
Бош вазирга шаҳоншоҳ  
“Қазисану қартасан  
Лек аслингга тортасан”  
Ҳикматига ақлим лол  
Келтир амалда мисол  
Дея амр берибди  
Икки қошин керибди.  
Вазир дер – Эй тилла бош  
Юртим элимга қуёш  
Доноликда ягона  
Сўзи гавҳар, дурдона  
Таъзимдадир қулингиз  
Вожиб бўлар ҳукмингиз.  
Аммо вақт даркор хоним  
Кечингиз бир қошиқ қоним  
– Хўш сўзлачи неча кун?  
Керак саволга якун?  
– Мадад берса Аллоҳим  
Уч ой лозимдир шоҳим.  
Жумбоқ ипин ечмоққа  
Сир шаробин ичмоққа  
– Хўп розиман, бил аммо  
Ечилмаса муаммо  
Дил юмшатмас кўз ёшинг  
Тандан кетади бошинг.

II

Сўздан манглай тиришди  
Вазир ишга киришди.  
Ўказмайин бир зумин  
Олиб қарға тухумин

Қафас ичра жойлади  
Очишни пойлади  
Кунлар ўтди, етди он  
Ёриб чиқди палопон  
Емиши гўшт, бол бул  
Аҳли сарой лол қолди  
Аста чиқариб қанот  
Ҳадик билмай, бўлмай ёт  
Топиб эътибор эъзоз  
Қиларди эркин парвоз  
Вазир шоҳга юзланди:  
– Шоҳим марра кузланди  
Етди, вақти соати  
Қаранг қушнинг ҳолати  
Шоҳона ҳаёт бўлди  
Не деса кўнгли тўлди  
Кўз очдики шу макон  
Унга бўлибдир ошён  
Мисли фарзанд қарадик  
Боқиб ювиб тарадик  
Энди рухсат берайлик  
Ҳикмат дурин терайлик.

### III

Қарға осмон шайланди  
Сарой усти айланди  
Кўниб чинор шоҳига  
Боқди бир зум боғига  
Сўнг яна парвоз этди  
Гўнгли тепага етди  
Шу ерни билиб жаннат  
Қолди абадул-абад  
Шахоншоҳ қолди қойил  
Мисолга бўлиб мойил.

## ШИФОКОРГА ИЛТИМОС

*(Ҳазил)*

Эй, доно шифокор қиз,  
Тиб илмида моҳирсиз.  
Сизда маҳорат, санъат,  
Беморга нурсиз талъат.  
Дилдан тилайсиз сафо,  
Топасиз дардга шифо.  
Топиб ҳар хил малҳамни,  
Қувасиз ғам-аламни.  
Қалбларга нур сочасиз,  
Шодликка йўл очасиз.  
Танҳо бор бизда армон,  
Наҳот йўқ дори-дармон.  
Бу дардисар ҳурракка,  
Ўзи сезмас мурғакка.  
Оқшом тушдими тамом,  
Йўқолур тинчлик, ором.  
Ҳамхонамиз амаки,  
Яраланган шер каби,  
Хириллар билмай тиним,  
Гоҳи чекилган чилим,  
Сувидек нақ қайнайди.  
Гоҳ бир нарса чайнайди,  
Гоҳида чалар ҳуштак,  
Барчамиз қилар тентак,  
Асаблар бўлиб таранг,  
О, ҳолимиз бўлди танг.  
Бу касалнинг қасдидан,  
Тун бомбаси дастидан,  
Мижжа қоқмай чиқамиз,  
Қачон уни йиқамиз.  
Оҳ, қийналиб кетди жон,  
Жавоб беринг, докторжон.

## УСТОЗ ВА ШОГИРД

Узоқ эмас, яқин ўтган замонда,  
Кўп шоирлар ижод этган томонда,  
Бўлган экан кўп шогирдлар устози,  
Қўлда экан доим давог, қоғози.  
Кўплаб шогирд етишибди қўлидан,  
Бир шоир ҳам юрган экан йўлидан.  
Устозидан ўрганиб, кўп ўқибди,  
Секин-аста шеър, ғазаллар тўқибди.  
Чиниқибди дўриллаган овози,  
Мамнун экан бундан кекса устози.  
Талабага сарф этиб меҳнатини,  
Оширибди янада ҳурматини,  
Лекин ўзи дард қўлида қолибди,  
Совуқ шарпа, хунук дарак солибди.  
Шогирд кўриб устозининг аҳволин,  
Ўз-ўзига берибди шу саволин:  
– Устоз мана ўртанмоқда қийновдан,  
Яқин кунда ўтса керак дунёдан.  
Бевақт ажал олмасдан қарияни,  
Ёзиб қўяй унга бир марсияни, –  
Дея шеърин ёзишга киришибди,  
Кеча-кундуз ухламай тиришибди.  
Мазмунида қайғу изҳор этибди,  
Марсия ҳам поёнига етибди.  
Бир фалокат бўлиб шогирднинг ўзи  
Кўз юмибди, чала қолибди сўзи.  
Устоз ғазал ёзиб унинг ҳақиға,  
Ҳозиргача содиқ экан халқиға.

## ИҒВОГАР


Ҳаётда бор бир мараз,  
Қўнглида сақлаб ғараз,  
Ёришмайди ҳеч дили,  
Заҳар мисоли тили.  
“Финг-финг” қилиб ҳар дамда,  
Сўз пойлайди қадамда,  
Ҳар кимдан қилар гумон,  
У учун барча ёмон.  
Танқид қилсанг қопади,  
“Ош” десангми чопади,  
Бошлиққа лаганбардор,  
Дўст сиридан хабардор,  
Бўлиб ёлғон етказар,  
Шахсий ишин битказар.  
Эй, дўстлар, бўлинг огоҳ,  
Сирингиз очманг ногоҳ.  
Қиёсдир дили тунга,  
Инсон номи ҳайф унга.

## **ЯШНАБ ЎТАСАН**

Кўчамиздан ял-ял яшнаб ўтасан,  
Юрагимга олов ташлаб ўтасан.  
Бу сеҳрни қачон ўргандинг, жонон,  
Жонимда гулгула бошлаб ўтасан.

Термулиб қоламан ғалати бўлиб,  
Интизор кўзларим хаёлга тўлиб.  
Қачонгача бахтдан фол очаман, фол,  
Қаради, қарамади, қаради бўлиб.





Минг шукур Оллоҳга,  
ҳамд-сано унга,  
Соғ-омон етказди шу  
кутлуғ кунга.

Ағона ўтингим  
Ҳақдин, азалдин,  
Ҳариз айрмасин  
элдин, назардин.

## ИЛТИЖО

Фарзанд бунёд бўлди,  
Қурди оламни.  
Дунё ҳам қутлади,  
Жажжи одамни.

Аммо у биғиллар,  
Ҳеч тиним билмай.  
Доя ҳай-ҳайини,  
Ҳеч писанд қилмай.

Бу не ҳол? Нечун қўл,  
Оёғин сиатар,  
Оламни қурди-ку,  
Яна не истар?

Балки у жаҳонни,  
Этмоқда даъво.  
Балки ўйлар дунё,  
Фоний, бевафо.

Унинг бир камлиги,  
Хаёл олдиму?  
Буюклар тақдири,  
Ташвиш солдиму?

Жажжи инсон тинмас,  
Энтикар, йиғлар.  
Не сабаб, не асрор?  
Ўз бағрин тиглар.

Қўзига нам келмас,  
Этар муножат.  
Талабин англолмас,  
Билолмас бир зот.

Балким чирмаб олди,  
Уни бир хаёл.  
Митти дил тугунин,  
Турфа хил савол.

– Замона шодмикан,  
Ҳозирги ондан.  
Ё афсус этгайми,  
Янги меҳмондан.

Дилдан ризомикан,  
Ота-она ҳам.  
Ё юрак тубида,  
Чўкканми алам.

Кўз очган бу дунё,  
Бўлмасмикан ёт.  
Умр қандай ўтар,  
Андуҳдами, шод?

Ҳаёт бўронида,  
Бўлмасми увол,  
Аччиқ тотармикан,  
Ёхуд ширин бол.

Балки Искандардек  
Бўлиб жаҳонгир.  
Ер юзин силкитиб,  
Титратиб зир-зир.

Охир ўтмасмикан,  
Қўл очиқ нолон.  
Сўнги маконидан,  
Қолмай ном-нишон.

Тақдир булутлари,  
Солмасму соя?  
Барвақт қуламасму,  
Падардек қоя.

Онасин меҳридан,  
Қониб тўярму?  
Ё ташвиш тиғи-ла,  
Кўксин ўярму?

Устоз дуосидан,  
Топарму ривож.  
Ё охир қўз ёшдан,  
Тўларми хирож?

Эригач қор каби,  
Изсиз қолурму?  
Вале яхши деган,  
Унвон олурму?

Этурми фарзанддек,  
Юрт бурчин адо?  
Ёхуд ёт элларда,  
Бўлурму гадо?

Қўша қарирмикан,  
Қўшгани билан?  
Ё барвақт бирига  
Ботурми тикан?

Йирлар жажжи инсон,  
Тинмайин бўзлар.  
Унсиз ўз-ўзига,  
Хаёлан сўзлар.

– Бўла олурманми,  
Эл-юртга ўғлон?  
Фарҳод, Алпомишдек,  
Қўрқмас паҳлавон?

Ё лойиқ бўлмасман,  
Инсон номига.  
Нафс деб илиниб,  
Иблис домига.

Жўралар бобида,  
Бўлмасми камим?  
Ё ганим бўлурму  
Жон дўст деганим?

Номардга қолмасму  
Энг оғир оним?  
Ҳасад булғамасму,  
Обрўйим, шоним?

Иймонли бўлурму,  
Ўғил ва қизим?  
Муносиб босгайми,  
Қолдирган изим?

Дафъат муррак тиниб,  
Йиғидан бир он.  
Қўлларин кўтарди,  
Мовий кўк томон.

Умидли жовдираб,  
Недир кўзлади.  
Айлаб у илтижо,  
Сассиз сўзлади:


– Нени манглайимга,  
Битмишдир ҳолиқ?!  
Бўлсам бас эл ичра,  
Назарга лойиқ!

### **ЮРАГИМДАСАН**

Юрагимдасан, хаёлимдасан,  
Яхшилар ичра мисолимдасан,  
Кеча-ю кундуз ёдинг ҳузурбахш,  
Мисрама-мисра саволимдасан.

Оппоқ оймисан нурлар сочасан,  
Кувноқ соймисан, ўйнаб қочасан,  
Қалбимга қалбинг қачон очасан,  
Менинг бор сиру аъмолимдасан.

Икки юзингми қип-қизил лола,  
Қўлимда жонон, ёқут пиёла,  
Шукурнинг назми сенга ҳавола  
Эртанги ёруғ иқболимдасан.



Ватан игъра жаннат макон,  
Ашнаган буюстонларим бор.  
Буюстонларим маъдъ этувчи,  
Туғаннас дустонларим бор.

## САДОҚАТ ЮЛДУЗЛАРИ

(Достон)

*Аёллар йиллига бағишланади*

### **Муқаддима**

Фикри ёдим тортар,  
Чулғайди хаёл.  
Мунису Мукаррам,  
Ўзингсан аёл.

Тоғдайин суянчик,  
Хам жуфти ҳалол.  
Вафодор елкадош,  
Ўзингсан аёл.

Зукколикда Темур,  
Ақлин этган лол.  
Донишу тадбиркор,  
Эрусан аёл.

Ёғийлар қаддини,  
Эта олган дол.  
Юртига фидойи,  
Ўзингсан аёл.  
Шерозий куйлаган,  
Ой юз, қора хол.  
Камарни доғ этган,  
Ўзингсан, аёл.

Барчага баробар,  
Тилаган иқбол.  
Оқ кунгил, соддадил,  
Ўзингсан аёл.



Дилида эзгулик,  
Доим тилда бол.  
Ипакдек мулойим,  
Ўзингсан аёл.

Меҳрингдан-топмишлар,  
Даҳолар камол.  
Фарзандлар илоҳи,  
Ўзингсан аёл.

Бу дунё не учун,  
Билмайди завол.  
Оламни асровчи,  
Ўзингсан аёл.

Улуғ зот ким дея,  
Берсалар савол.  
Жавобим сен ўзинг,  
Ўзингсан аёл.

### **Ривоят**

Нечун аёл гўзал,  
Нега мафтункор,  
Дилни ром этувчи,  
Қандай сеҳри бор?

Жоҳилу золимни,  
Ҳалим қилади.  
Ҳатто ботир ўзин,  
Мағлуб билади.

Султонни қул этар,  
Соғни девона.  
Ҳижрон гулханида,  
Этиб парвона.

Усиз ҳаёт асли,  
Сокин, навосиз.  
Бу дардга табиб йўқ,  
Бенаф, давосиз.

Қайдандир шунчалар,  
Жозиба, қудрат?  
Қайдандир шунчалар,  
Гузалик иффат?

Жумбоқни ечмоққа,  
Кўшайин ҳисса.  
Бу ҳақда ровийлар,  
Сўзламиш қисса.

Эмишки одамзот,  
Яралган замон.  
Дилида бор экан,  
Биргина армон.

Жами жонзотлар,  
Жуфт яшар экан.  
Эркак-чи ёлғизлик,  
Азобин чеккан.

Оҳу фиғони тутгач,  
Еру фалакни.  
Эҳсон қилмоқ бўлди,  
Тангри малакни.

Лек қандай яратсин,  
Этмоқ керак ҳал.  
Бул зот бўлмоқ зарур,  
Ноёб мукаммал.

Кундан парча олиб,  
Яратибди юз.  
Чақнабди алқисса,  
Кўзида юлдуз.

Камалакдан жило,  
Сочни мажнунтол.  
Икки қора қошин,  
Берибди ҳилол.

Ғайратни дарёдан,  
Ҳусни гулдан.  
Ёқимли овозни,  
Қумри, булбулдан.

Лабларин ғунчадан,  
Қалбни баҳордан.  
Орзую ҳавасни,  
Субҳи наҳордан.

Қуёш улашибди,  
Тафт ила меҳр.  
Зулмат ҳам берибди,  
Озроқ рашк, сеҳр.

Булоқдан тиниқлик,  
Жилғалардан ёш.  
Замину тоғлардан,  
Ирода, бардош.

Шамшод бирла сарвдан,  
Кўркама хушқомат.  
Тундан бедорлигу,  
Тонгдан саодат.

Аёл ер юзига,  
Келди ниҳоят.  
Шу билан мухтасар,  
Бўлди ҳикоят.

### **ОРЗУ**

Ўғлонлар минарди,  
Хивичдан тойчоқ.  
Қиз бола бағрида,  
Доим кўғирчоқ.

Ўзи бола аммо,  
Болада меҳри.  
Бу Аллоҳ неъматини,  
Оналар муҳрини.

Жонсиз бўлса ҳамки,  
Унга куйинчак.  
Гоҳ тебратар бешик,  
Гоҳи беланчак.

Гоҳ ташлаб тўрпарда,  
Аста бошига.  
Келин бўлиб чиқар,  
Меҳмон қошига.

Шу зайл йил ўтар,  
Етар камолга.  
Ақл жоми тўлар,  
Хусн-жамолга.

Она ўгитлари,  
Амалда йўлдош.  
Суюкли янгаси,  
Энг яқин сирдош.

Бўш қолди у билан,  
Суҳбат қуради.  
Орзуга гарқ бўлиб,  
Хаёл суради.

Қани янгасидек,  
Бахтли бўлолса.  
Оила қасрининг  
Гиштин қўёлса.

Қаср шаҳзодаси,  
Бўлса суюк ёр.  
Вафо, садоқатин,  
Этарди нисор.

Талаба йилларга,  
Топилмас қиёс.  
Умрни ўлчади,  
Куз, қиш, баҳор, ёз.

Болалик, ўсмирлик,  
Олтин давр бўлди.  
Соф ишқ муҳаббатга,  
Юраги тўлди.

Она номин олди,  
Ҳам ёру рафиқ.  
Оила, Ватанга,  
Вафодор, шафиқ.

## МАТОНАТ

Дунё бир бутунмас,  
Яралган бир кам.  
Бир куни бахт берар,  
Бир куни алам.

Кимнинг манглайида,  
Иқбол порлайди.  
Кимнидир кетма-кет,  
Андуҳ чорлайди.

Ким беғам, беташвиш,  
Умр кечади.  
Ким дунё жумбоғин,  
Топиб ечади.

Ожиза аталур,  
Аёл каломда.  
Унингдек йўқ аммо,  
Метин оламда.

Кўнгли-чи нозикдир,  
Салга тўкар ёш.  
Лек тоғдек ташвишга,  
Беради бардош.

Ёнса ҳам, чўкса ҳам,  
Сақлар иймонин.  
Кечар фароғатдан,  
Фидойи жонин.

Булар ким? Зулфия –  
Ҳеч сўнмас зиё.  
Фозила, Зарифа,  
Жасур Кибриё.

Вафо осмонида,  
Мудом сўнмас ой.  
Саида, Сокина,  
Бону, Турсуной.

### **ЗАРИФА**

Зарифахон Саид,  
Носирхон қизи.  
Илму фан йўлида,  
Қолгандир изи.

Суюкли ёр эди,  
Улуф Ойбекка,  
Тўрт фарзанд онаси,  
Меҳрибон бека.

Бироқ адиб хаста,  
Ўтди неча йил.  
Бармоқлар бўйсунмас,  
Унсиз қолган тил.

Юрагида эса,  
Режалар мўл-кўл.  
Шеър, қисса, достону,  
Рўмон «Улуф йўл».

Барига улгурмоқ,  
Керак албатта.  
Қоғоз оппоқ турар,  
Қалам даводта.

Кўзлар бир нуқтада,  
Эзилар қалби.  
Аста пичирлайди,  
Адибнинг лаби.

Доим сергак турар,  
Мушфиқ Зарифа.  
Жумлалар тўлади,  
Бир-бир саҳифа.

Ўчираш, кўчираш,  
Чарчоқ билинмас.  
Ҳатто тонг отса ҳам,  
Киприк илинмас.

Бир ёқда илмий иш,  
Хизмат, вазифа.  
Луғатнинг яқуни,  
Сўнгги саҳифа.

Кўп бўлди жим ётар,  
Мана мўйқалам  
Гўё аср бекор,  
Қилмоқда алам.

Хуллас, шундай кечар,  
Ҳар кунги ҳаёт.  
Беғамликни суймас,  
Бойвуччалик ёт.

Шу сабаб тилларда,  
Юрар шу калом:  
Вафо маликаси,  
Деган улуг ном.



Шоирнинг падари  
бузруквори – Тоиржон  
Дадашев.



Шоирнинг волидаи  
муҳтарамаси – Ақида  
Тошпўлат қизи.



Шоирнинг бола-  
лиги.



Ўқувчилик  
йилларида.



Шоир курсдоши  
ва умр йўлдоши  
Каримахон билан  
талабалик  
йилларида.



60 йиллик таваллуд кунда.



Азизжон рафиқаси Нилуфарой ва фарзандлари  
Аъзамжон, Нодирой, ва Аҳроржон билан.



Шаҳло турмуш ўртоғи Иброҳимжон ҳамда ўғил-қизлари  
Исмоилжон, Шарофатхон, Саодатхонлар даврасида.



Барно умр йўлдоши Абдуфаттоҳ, ўриллари Абдувосит  
ва Абдуворис билан.



Лазизжон умр йўлдоши Шаҳзодаой ҳамда дилбандлари  
Ойбек, Шириной, Отабек ва Лобаройлар даврасида.



Муаттар ва турмуш ўртоғи Музаффаржон қизлари  
Мадинаой ва Шаҳзодаойлар билан.

Азимжон ва Зухраой  
қизи Ёзозаой ва ўғли  
Нозимжон билан  
оромгоҳ қўйнида.



Тўнғич эвара  
Абдуллоҳ отаси  
Яшнарбек ва  
онаси Фазилат-  
хонлар қучоғида.



Ука ва сингиллар даврасида. Зикрилла, Шоира, Шоиста, Шухрат, Шавкат,  
Шоҳиста ва Оҳиста.



## САИДА

*Қаноатда Саида филча бўлурми ҳай-ҳай...*

Андижон боғида,  
Тоза гул эди.  
Кўйида овора,  
Кўп булбул эди.

Шулардан бирига,  
Берди дил розин.  
Чертдилар муҳаббат,  
Янгроқ шўх созин.

Тошкент гулшанида,  
Ошён қурдилар.  
Вафо йўларида,  
Собит юрдилар.

Кўнгиллар ҳамоҳанг,  
Маслак эди бир.  
Бир улуғ неъматга,  
Эдилар асир.

Бу неъмат ижоддир,  
Аллоҳ инъоми.  
Дил амри тўлдирган,  
Бурч, имон жомин.

Сўлим гул шод эди,  
Бахти эди ёр.  
Қалбида орзулар,  
Эди кўп бисёр.

Лек ният бормади,  
Узоқ нафасга.  
Булбулни солдилар,  
Олтин қафасга.

Булутдек ёпирилди,  
Бир тўда зоглар.  
Топталди гулзорлар,  
Хор бўлди боғлар.

Бир зумда қалб уйин,  
Этдилар вайрон.  
Гул қолди очилмай,  
Сўлғин ва ҳайрон.

Ҳасад-ла чирмашиб,  
Ҳар алаф печак.  
Дедилар: – Булбулдан,  
Кечгил, келинчак.

Умид узгил қайтмас,  
Ёринг йироқдан.  
Сен ҳали гунчасан,  
Сўлма фироқдан.

Хўп дегил бахт, тахтинг,  
Бутун бўлажак.  
Иқболинг ёритур,  
Ёрқин келажак.

Букмади гул қаддин,  
На қўрқув, ҳижрон-  
На сувдан ташналик,  
На селу бўрон.

Яккалаб қўйдилар,  
Мўъжаз бир боғда  
Куйсин деб, қолсин деб,  
Армонда, дорда.

Лек илҳом баргларин,  
Ёзди тинмайин.  
Тақдирдан ўксинмай,  
Алам билмайин.

Дилидан мадҳ этди,  
Ватан диёрин.  
Сатрлар куйлади,  
Кўнгила баҳорин.

Аччиқ бўлса ҳамки,  
Бу манглай қисмат.  
Пок қолди виждону,  
Номусу исмат.

Шу зайл йил ўтди,  
Қувлаб аёзни.  
Наврўз олиб келди,  
Бағри кенг ёзни.

Элин хушнуд этиб,  
Гул неча замон.  
Ўз атрин таратиб,  
Келади ҳамон.

Ким ҳақда деб юрманг,  
Достон ақида.  
Булбул-Саид Аҳмад,  
Гулчи Саида.

## **ХОТИМА**

Мустақил диёрин,  
Ҳури – аёлдир.  
Саодат офтобин,  
Нури аёлдир.

Ҳар касбнинг соҳиби,  
Ижодда моҳир.  
Арбобсиз, тадбиркор,  
Ҳар ишга қодир.

Сиз билан ҳаётнинг,  
Асл маъноси.  
Жамият бўстони,  
Гулгун раъноси.

Тинчлик тимсолисиз,  
Бўлинг соғ-омон!  
Авлодлар камолин.  
Кўринг беармон!

## ҚУТЛУҒ ТУПРОҚ

(достон)

Ўзбекистон Республикасининг  
мустақиллик кунига бағишланади  
Муаллиф.

### I. Муҳаббат

Ватансиз саодатманд,  
Кимса борми дунёда?!  
Она масканидан ортиқ,  
Макон борми зиёда?!

Бу муқаддас ном учун,  
Қон тўкилган қутлуғ қон.  
Осмон юдузлари ҳам,  
Ватанида чароғон.

Она юртинг омондур,  
Ранг рўйинг сомон бўлмас.  
«Тўпидан айрилганни,  
Бўри ер, омон бўлмас».

Жаннатсиз яшаш мумкин,  
Ватансиз яшаш мушкул.  
Жаннат ичра илҳомим,  
Лутфимга бир лутф қўшгил.

Ватан бу она каби,  
Ягонадир мукаррам.  
Танҳо содиқ ўғлига,  
Кўрсатади у карам.

Чин фарзанд этмас ҳавас,  
Ўзгалар тупроғини.  
Ардоқлар ўз мулкининг,  
Ҳаттоки урвоғини.

Мард топар ўз ризқини,  
Тупроғида ватанин.  
Қўйдирмас ёт заминга,  
Ҳаттоки жонсиз танин.

Чўл бўлса ҳам Ватан – шу,  
Йўл бўлса ҳам Ватан – шу.  
Авжи баҳор ҳаммаёқ,  
Гул бўлса ҳам Ватан – шу.

Кичик кулбам ҳам Ватан,  
Обод гузар маҳаллам.  
Тор кўчам ардоқлидир,  
Париж, Лондон, Римдан ҳам.

Ватаним – Ўзбекистон,  
Бағрида эзгу ният.  
Бўлсин деди заминда,  
Ҳоким тинчлик, ҳуррият.

## II. Садоқат

Юртим севар мардларни,  
Азамат посбонини.  
Фанимдан сақлагувчи.  
Мусаффо осмонини.

Юртим дея кўксига,  
Урганлардан у безор.  
Ўғлондан вафо тилар,  
Керагида жон нисор.

Темурнинг салтанатин,  
Парчалади худбинлик.  
Минг афсус қонимизда,  
Ҳануз бор бу кўргулик.

Ҳаводек ўзгарувчан,  
Зотни кўрар кўзим йўқ.  
Ихтиёр йўқ ўзида,  
Мисли дайди, басир ўқ.

Талашар қора қалблар,  
Мудом амал тахтини.  
Эл ичра фариштадек,  
Айтиб ваъда аҳдини.

Халқ ғамидир бегона,  
Ўйлар танҳо ўзини.  
Кўзлайди зар булоқнинг,  
Тезроқ очса кўзини.

Илондек пўст ташловчи,  
Одамлар кўпдир нечун?  
Фирқа эди кеча у,  
Бошида дастор бугун.

Кичик бир оиласин,  
Тебратолмай бир нодон.  
Йўлбошчилик бобида,  
Ўзича хўп билимдон.

Дўппослар донишларни,  
Билмас деб иш кўзини.  
Ўзи эса ўғлига,  
Ўтказолмас сўзини.

Асаб таранг, бош карахт,  
Бу ҳолат нега қиёс?  
Наҳот Одам Атодан,  
Қолган бизларга мерос?!

Қани Файзулма, Акмал,  
Қани Қодирий, Усмон!  
Ҳамон излашиб қабрин,  
Кўнгиллар тилка - вайрон.

Барига чалпиб бўёқ  
Ким бўлди кушандаси?  
Наҳот миллатдошлари,  
Ул мусулмон бандаси?!

Афсус аччиқ ҳақиқат,  
Кесиб бўлмас сўзимиз.  
Замон келди очилди,  
Ғафлатлардан кўзимиз.

Бизга аҳиллик бўлсин,  
Тинчлик айни муддао.  
Ажал ўпқонларига,  
Ботиб кетмасин дуне.

### III. Жаҳолат

Ҳинд элида шоҳ Бобур,  
Бўлди юртидан жудо.  
Бошда тож вале ўтди,  
Ватан меҳрила гадо.

Шоир деб камол топди,  
Озор ўғли Шайхзода.  
Арман қизи Тамара,  
Абадий шу тупроқда.

Фақат қалби кўр одам,  
Хорижни орзу қилар.  
Жаннат умрин тарк этиб,  
Дўзахий қисмат тилар.



Ватансизда мурод йўқ  
Қочар тилак ва иймон  
Бор вужудин тикади  
Енгил ҳаётга осон

Бухорои шарифда  
Тукилиб киндик қони  
Ўтди хуррам, армонсиз  
Болалик, ёшлик они

Ўсди қониб ўзбекнинг  
Беминнат чўнг меҳридан  
Қозонди шўҳрат, унвон  
Элнинг қўшиқ сеҳридан

Ўзбегим, юртим, элим  
Дея қўшиқ куйлади  
Нафс енгди иймонни  
Ўгай юртни бўйлади

Дунё қачон бут бўлган  
Қачон инсон баркамол?!  
Фотиҳу жаҳонгирлар  
Ҳаётидан ибрат ол.

Кимса борки беқадр  
Гўшаси йўқ ватансиз  
Ер қаърида ётади  
Мисли майит кафансиз

#### **IV. Суҳбат**

Отажон нидо беринг  
Қалбим сизга ташна, зор  
Гоҳ дилим топса таскин  
Гоҳи топади озор

Не қилай, ширин орзу  
Бўлиб қолса бир сароб  
Раҳмат ўрнига келса  
Таъна сўзлардан жавоб

Баҳор айланса қишга  
Аҳд вафога хиёнат  
Жон дўстим деб юрганинг  
Амал учун омонат

Кексадан кетса иймон  
Меҳр бўлса бешафқат  
Устоз раҳмат ўрнига  
Маломат олса фақат

Наҳот алдов дунё бу  
Ёхуд шуми қиёмат?!  
Тўғри келмас амалга  
Китобдаги ривоят

Оҳ, отажон балки Сиз  
Топардингиз чорани  
Тўғри, содда диларга  
Танитиб оқ қорани

Қиблагоҳ нидо беринг  
Қалбим Сизга ташна зор  
Гоҳ дилим топса таскин  
Гоҳи топади озор

– Оҳ, ўғилжон қайгурма  
Азиз бошинг этма ғам  
Дунё икрларидан  
Дилга ботмасин алам

Сен эришган бу замон  
Кирмаган тушимизга  
Виждонга зид ишлардан  
Келмасдик ҳушимизга

Рамзимиз, қомусимиз  
Эрклик эди номига  
«Оғалар» бизни ипсиз  
Тортган эди домига

Қадим урф одатимиз  
Боғлашади дин исломга  
Алик олмай қўйишди  
Ўзбекона саломга

Беқасам, тўн, чуст дўппи  
Азаларда кийилди  
Она тили бўлиб ёт  
Забонимиз тийилди

Сўзлайверсам дилбандим  
Ақлинг тортади сергак  
Келажак авлодларга  
Бўлиб қолди бир эртак

Аммо минг мартаба  
Ўзгарса ҳамки замон  
Айтинг яхши бўлганми,  
Бирон даврда ёмон?!

Ўтда ёндир фарқ этгил  
Порала азиз жонни  
Яхши қолар пок, ростгўй  
Асло сотмас иймонни

Қоч ношукур бандадан  
Нолиш унга касбу кор  
Араз этар ҳар кимдан  
Унга доим олам тор.

Ўзинг ўйла дин номин  
Атамоқ эди ташвиш  
Ўша ношукур бугун  
Исломни этар тафтиш

Учма турфа сўзларга,  
Иймонинг тут саломат.  
Ҳеч ўкинма гоҳ боқса,  
Иблис, шайтонга омад.

«Қўлинг меҳнатда бўлсин,  
Дилнинг эса Оллоҳда».  
Ҳикматига эт амал,  
Ботма фоний ботқоққа.

Дўст ҳақида сўзладинг,  
Кўп куйиниб, ўртаниб.  
Бошга тушгач олурсан,  
Асл инсонни таниб.

Баҳолашга сен ожиз,  
Ҳаёт танҳо муаллим.  
Вақт кўрсатар ҳакамдек,  
Қайси дўстинг, ким ганим.

Ҳаёт эмас бир текис,  
Эгри-бугри йўл учрар.  
Зилөл сув боғ ўрнига,  
Гоҳо қуруқ чўл учрар.

Буни умр дейдилар,  
Синов қадамда, ҳар он.  
Ундан ўтсанг гар дадил,  
Чин инсонсан мард ўғлон.

## **V. Шукрона**

Фахр этмакка ўз юртим,  
Ҳур элим бор минг шукур.  
Дил сўзим сўзлагувчи,  
Ўз тилим бор минг шукур.

Ҳур ўлкам неварамдек,  
Тетапоя тўрт ёшда.  
Лек жаҳонни этди лол,  
Ақл, сабр, бардошда.

Бобосидан ҳам катта,  
Давлатларга қўл бериб.  
Қадди-қоматин ростлар,  
Тадбиркорга йўл бериб.

Рамзи тинчликдан нишон,  
Мадҳияси – чароғи.  
Жаҳоннинг ҳар ерида,  
Ҳилпирайди байроғи.

Ўзбек энди халқ, миллат,  
Фуқаромас номига.  
Коми аждар бекилди,  
Тортолмайди домига.

Ҳумо қуши бошида,  
Авайлайди жон каби.  
Сақлар юрт эркин мудом,  
Томирдаги қон каби.

Эй, дўстлар, эй яхшилар,  
Олайлик, олдирмайлик,  
Ватан қалбдаги олов,  
Ҳеч маҳал сўндирмайлик!

### **МУЎЖАЗ ВАТАН**

*(достон)*

#### **Муқаддима**

Оила Ватаннинг,  
Муъжаз бўлаги.  
Ишончи, қудрати,  
Томир, юраги

Пайдо этганидек,  
Ирмоқлар денгиз,  
Ҳосил бўлди ундан,  
Мамлакат тенгсиз.

Оила-муқаддас,  
Оби зилолдек,  
Раҳнамози азиз,  
Шамсу ҳилолдек.

Бағрида юлдузлар –  
Гузал, чиройли,  
Бундан ҳам ортиқроқ,  
Йўқ зрур бойлик.

Сарвари Муҳаммад –  
Башар қуёши.  
Соҳибқирон Темур.  
Юрт, миллат боши.

Оила кўкида,  
Туришар порлаб.  
Ягона заминдек,  
Бўлмоққа чорлаб.

Барин улғайтирди,  
Оила-боғбон.  
Ота-она давлат –  
Суянган посбон.

### **Мўъжаз ватан сарвари**

1.  
Оила салтанатин,  
Буюк султони.  
Фарзандлар фахри-ю,  
Шавкати шони.

Чинордек соябон,  
Меҳрибон, азиз.  
Йўриқ насиҳати,  
Бол каби лазиз.

Ота деб аталур,  
Исми шарифи.  
Одам атодандир,  
Тавсиф таъриффи.

Тўфонлардан сақлар,  
Кемасин ҳар дам.  
Барча зурриётга,  
Солиҳ ва ҳамдам.

Тўлқинлардан кучли,  
Қатъийдир сўзи.  
Мудом яшнаб турар,  
Меҳр-ла кўзи.

Доимо ўйлайди,  
Фарзандлар бахтин.  
Адо этай дея,  
Оталик аҳдин.

Беминнат этади,  
Борин муҳайё.  
Абад ёр бўлсин дер,  
Иймон ва ҳаё.

Ҳалол лўқма берар,  
Чекса ҳам заҳмат.  
Боболар пандидан,  
Олиб у ҳикмат:

«Танга кирса ҳаром,  
Кетур оқибат.  
Меҳр ўрнин олур,  
Бефарқлик фақат».

Домла деб аташар,  
Маҳалла-кўйда.  
Қуруқ савлат тўкмас,  
Маърака, тўйда.

Асли муаллим-устоз,  
Ҳозирда – арбоб.  
Камтарин, ширин сўз,  
Оддий, ҳаммабоп.

Бўй-басти келишган,  
Чеҳрасида нур.  
Қалбида жўш урар,  
Фахр ила ғурур.



Ҳадис йўлчи юлдуз,  
Ҳар бир ишида.  
Танҳо «поклик» дейди,  
Ўнгу тушида.

Барчага самимий,  
Содиқ сўзида.  
Намуна кўрсатар,  
Аввал ўзида.

Суҳбат орзулашар,  
Пойлашиб йўлин.  
Мискинларга чўзар,  
Мурувват қўлин.

Миришкор, меҳнаткаш,  
Рўзгор, турмушда.  
Қумагин аямас,  
Турли юмушда.

Керакми-ёқилар,  
Ўчоққа олов.  
Ҳавас-ла дамлайди,  
Чойхона палов.

Турфа гул очилган,  
Шинам боғида.  
Сўридан жилмайди,  
Хомтоқ чоғида.

Ҳар тонгу оқшомда,  
Даврада албат.  
Оила жам бўлгач,  
Бошланар суҳбат.

Мавзу-одамийлик,  
Одобу ахлоқ.  
Обрў кўзгусига,  
Тушурмаслик доғ.

Минг шукр, ўфил-қиз,  
Ақлли, хушёр.  
Лек ҳавас ортида,  
Шайтон қурғур бор.

Шул сабаб безарар,  
Тергамоқ гоҳ-гоҳ.  
Танласа тўғри йўл,  
Туғилмас гуноҳ.

Ўзгалар ҳақиға,  
Этмай хиёнат.  
Қалбини забт этса,  
Номус, диёнат.

Шу она-Ватанга,  
Тегса бир нафи.  
Ўзидан кўпайса,  
Авлодлар сафи.

Умиду мақсад бир,  
Бўлса бас инсон.  
Элу юрт таянчи,  
Яхшига эш, жон.

Хизматдош сафдошлар,  
Ҳурматлар жуда.  
Дерлар: бошлиқ одил,  
Нолиш беҳуда.

Ҳаволаниб юриш,  
Унга бегона.  
«Бурч» сўзин тушунар,  
Якка-ягона.

Дилдан хизмат этар,  
Таъмасиз, холис.  
Олқишларга ботган,  
Шу феъли боис:

«Кам бўлмас, ободдир,  
Икки дунёси».  
Чунки мадад ота-  
Она дуоסי.

Дея баҳо берса,  
Унга қари-ёш,  
Ҳасадгуй кимсалар,  
Отадилар тош.

Ёқмас тўғри сўзи,  
Адолатпеша.  
Виждон амри унга,  
Устун ҳамиша.

Ҳаттоки шогирди,  
Чапдасту учар.  
Иғводан пинҳона,  
Дилини очар:

– «Шу ҳам мансабдорми?  
Эссиздир амал.  
Ишнинг қўзин билмас,  
Айтаман дангал.

Эҳ менда бўлсайди,  
Бошидаги тож.  
Ҳар бошлиқ туларди,  
Жой учун хирож.

Ойлик билан яшаш,  
Бу фирт фақирлик.  
Беш кунлик дунёда,  
Керак топқирлик.

Ҳалол номин олдинг –  
Хўш нима фойда?  
Қумурсқа ҳам турмас,  
Ушоқ йўқ жойда».

Шогирди хаёл сулар,  
Тинчимас бир зум.  
Зимдан устозига,  
Ўтказса зуғум.

Устознинг уйида,  
Режа турфа хил.  
Жамоа тақдирин,  
Ўйлар муттасил.

– Уч шогирд чамамда,  
Етилади чоғи,  
Пишитиб тоблабди,  
Меҳнат ўчоғи.

Ҳар бири меҳнаткаш,  
Халқчил ва ҳалол.  
Жамоага саркор,  
Бўлар бемалол.

Жамоа-оила,  
Мислу тану жон.  
Хаётинг мазмуни,  
Обрў шараф-шон.

Раҳбар – ота эрур,  
Ўғлон бириси.  
Бири ака, бири,  
Сингил, иниси.

Барини тенг кўрар,  
Айри ушламас.  
Ким этса хушомад,  
Зинҳор хушламас.

Сувлар оқиб ўтар,  
Жўшқин шарқироқ.  
Лекин ном қолади,  
Нурли ярқироқ.

Кўплаб фарзанд қолди,  
Ўша отадан.  
Умридан у рози,  
Ишидан – Ватан.

## **II. Мўъжаз ватан гавҳари**

Дунёда йиғилса,  
Бор адиб, шоир.  
Сўзга чечан-савол,  
Жавобга ҳозир.

Тавсиф этолмайди,  
Она тимсолин.  
Минг бора келтирсин,  
Ташбеҳ, мисолин.

Оламда тўпланса,  
Булбулу қумри.  
Ул зотни қуйлашга,  
Етмайди умри.

Қуёш ҳам қўр олар,  
Унинг меҳридан.  
Лол қолар она-ер,  
Бардош сеҳридан.

Фарзанд бор эканки,  
Яхшими, ёмон.  
У зотдан бир умр,  
Қарздор бегумон.

Зеро оппоқ сути,  
Оқар қонида.  
Меҳри муруввати,  
Ширин жонида.

Омаду бахт келар,  
У бўлса ризо.  
Туганмас бахт келар,  
Айласа дуо.

Лек кимки оғритса,  
Нозик соф кунглин.  
Малол суз зарбидан,  
Юраги тилим.

Ул кимса унганмас,  
Қисмати қора.  
Оқармас косаси,  
Бўлури бечора.

Улуғ зот қалбига,  
Жо бўлган дунё.  
Пойи теккан жойдан,  
Балқир нур зиё.

Умр лаззати деб,  
Фарзандин билар.  
Омон сақла дея,  
Тангридан тилар.

Холиқ бермиш унга,  
«Улуғ зот» баҳо.  
Бу номни шарафлар,  
Ғарибу даҳо.

Чунки у энг улуғ,  
Зотнинг онаси.  
Беҳисоб жонга тенг,  
Бир соч толаси.

Бешик унга тахтдир,  
Фарзанди ҳоқон.  
Умрин бағишлаган,  
Ҳадя этган жон.

Оила куз қоши,  
Султон савлати.  
Дилбандлар қувончи,  
Дунё жаннати.

Заминдек беминнат,  
Дилларга табиб.  
Турмушда суянчиқ,  
Йўлдош ва ҳабиб.

2.

Муслим сарварига,  
Саҳоба бир кун.  
Дер: – «Оллоҳ элчиси,  
Бор дилда тугун.

Айтинг-чи, не қилсам,  
Қодир Оллоҳим,  
Мендан ризо бўлиб,  
Кечар гуноҳим?

Не қилсам бир умр,  
Бўлар тинч виждон?  
Дунёда яшайман,  
Беғам, бенуқсон.

Не қилсам кексайгач,  
Ёй бўлса қаддим.  
Беминнат мурувват,  
Этар фарзандим?

Набий дер: – Жавобим,  
Шул эрур сенга,  
Меҳринг бер онангга,  
Яна онангга!»

3

Бир ўғил топай деб,  
Эл ичра савоб.  
Муқаддас Маккани,  
Этмоқ-чун тавоф.

Онасин ўзига,  
Этибди ҳамроҳ.  
Етаклаб юрибди,  
Опичибди гоҳ.



Не истаса кўнгли,  
Адо этибди.  
Довруғи эртақдек,  
Ҳар ён кетибди.

Сафардан қайтгач,  
Юртга берди ош.  
Мамнун бўлди ундан,  
Ёту қариндош.

Она-ю болани,  
Айлаб зиёрат.  
Дедилар: - «Ҳақиқий,  
Экан зурриёт».

Ўғил турар экан,  
Гавдасин ростлаб.  
Фурур-ла тоғага,  
Жуфтлаб қолди лаб.

– Хўш қалай, тоғажон,  
Қабулми фарзим?  
Энди узилгандир,  
Фарзандлик қарзим?

– Иш қилдинг хайрли,  
Этма ҳеч миннат.  
Бурч маъноси ўзга,  
Бўлақдир хизмат.

Она саховати,  
Беқиёс кенгдир.  
Бор умринг унинг бир,  
Қунига тенгдир.

4.

Тонг отган. Файзли,  
Ҳовли тўрида.  
Она ўлтирибди,  
Тахта сўрида.

Атроф жимжит, сокин,  
Бўлинмас хаёл.  
Уфқда баркашдек,  
Тўлишган ҳиллол.

Кечагина эди,  
Сулув келинчак.  
Ёш, содда, ҳар ишга,  
Чаққон куюнчак.

Тўшакка қадалган,  
Эди қайнона.  
Оқ ювиб таради,  
Бўлди парвона.

Онажон дуога,  
Кўтариб қўлин.  
Тиларди: «Илоҳим,  
Оқ бўлсин йўлинг.

Иймонинг бут бўлсин,  
Икки дунёда.  
Яратган толеинг,  
Этсин зиёда.

Орқамда қолмоқда,  
Тўрт қиз. беш ўғлон.  
Уларга янгамас,  
Бўлгил онахон».

Она ўтди ундан,  
Ризо, миннатдор.  
Балки шундан бўлди,  
Ҳурмати бисёр.

5.

Мақтабда устоз у,  
Моҳир муаллим.  
Айтур унга сано,  
Олганлар таълим.

Файз берар кирганда,  
Синф хонага.  
Дилкашу меҳрибон,  
Ҳар бир болага.

Беш қўлдек билади,  
Улар ҳаётин.  
Оила, касб, корин,  
Насабин, зотин.

Умиди, орзуси,  
Қўқдек бепоён.  
«Ёш авлод бўлсин дер,  
Аввало омон».

Мудом эл, юртига,  
Керакли бўлсин.  
Юраги эътиқод,  
Билимга тўлсин».

Қушлар бир зум тинар,  
У тиним билмас.  
Бекорчи гап сўзни,  
Қулоққа илмас.

6.  
Меҳнат ҳосилидан,  
Умиди катта,  
Фарзандлар камолин,  
Кўрмоқ албатта.

Шу зайл дарёдек,  
Ой, йиллар оқди.  
Гоҳ сув лойқаланди,  
Гоҳ шодлик боқди.

Кеча тебратарди,  
Бешик, беланчак.  
Бугун хизмат қилар,  
Унга келинчак.

Тонг отган, файзли,  
Ҳовли тўрида.  
Она ўтирибди,  
Тахта сўрида.

Йилтилар кўзда ёш,  
Баргдек титрар лаб.  
Олис хотирадан,  
Увишади қалб.

Бугун ўн йил тўлди,  
Йўқдур сирдоши.  
Дилбандлар отаси,  
Умр йўлдоши.

Ватану фарзандга,  
Жон этди эҳсон,  
Лек роҳат курмади,  
Шул эрур армон.

Аммо авлодлари,  
Босди изини.  
Эъзозлар элу юрт,  
Ўғил, қизини.

Онанинг бир қўли,  
Бешик тебратар.  
Бир қўли дунёни,  
Мунаввар этар.

Дунёда рўшнолик,  
Кўрмоқ бўлса ким.  
Бир умр онага,  
Айласин таъзим.

### **III. Мўъжаз ватан самари**

1.  
ОТА-ОНА боғбон,  
Фарзанд самардир.  
Умиди, қуввати,  
Белда камардир.

Оила тоғ бўлса,  
Удир шалола.  
Оила боғ бўлса,  
Удир гул-лола.

Умрин давомчиси,  
Зотлардан ёдгор.  
Номин улуғловчи,  
Устун мададкор.

Ўтган авлодларнинг,  
Суврати эрур.  
Феълу атворидан,  
Нишона берур.

Фарзанд бор, ирмоқ бор,  
Уммон тўлдирар.  
Фарзанд бор, сўқмоқ бор,  
Йўқни бўлдирар.

2.

Исмоил ота ҳукмин,  
Этай деб бажо.  
Жон қурбон этишга,  
Бўлганди ризо.

Тангри синовидан,  
Шаҳдам ўтолди.  
Фарзанд садоқатин,  
Исбот этолди.

Ота-она ризоси...  
Сўз бежиз эмас,  
Ҳар кимни «Эл ўғли,  
Эр ўғли» демас.

Бу улуғ шарафга,  
Бўлмоқ муносиб,  
Ҳар бир ўғил қизга,  
Этолмас насиб.

Зеро фарзанд бурчи,  
Билмайди мезон.  
Интиҳоси йўқдур,  
То тирик жаҳон.

3.

Бу олам шоҳиддир,  
Савоб, гуноҳга.  
Ким кўрди рўшнолик,  
Ким тушди чоҳга.

Асл фарзанд булди,  
Шаҳзода Фарҳод.  
Улуғбек ўғли-чи,  
Падаркуш жаллод.

Фарзанд чун оламда,  
Яқин ягона.  
Эрур муаллим ва,  
Падару она.

Улар-чун берилган,  
Барча кафолат.  
Ҳақдурлар, бўлмасин,  
Қайси бир ҳолат.

Ривоят этмишлар:  
Бир доно роҳиб,  
Иззату икромга,  
Экан муносиб.

Бажо этар экан,  
Оллоҳ фарзини.  
Қолдирмай қиёмат,  
Гуноҳ, қарзини.

Ибодат этаркан,  
Саҳар ораста.  
Ўғлим, - деб чақирди,  
Онаси аста.

Ўғил дарров сизди,  
Онасин товшин.  
Лекин кўтармади,  
Саждадан бошин.

Модар уч бор айтди,  
Фарзанд номини.  
Аммо ололмагач,  
«Ҳа» каломини.

Даъфатан ўғлидан,  
Ранжибди қалби.  
Норози сўзларни,  
Пичирлаб лаби.

Дуога фаришта,  
Бўлди шу чоқ ёр.  
Ўғил ҳаёти-чи,  
Кечди қуп душвор.

4.  
Ота дуосига,  
Бўлиб Мушарраф.  
Бир ўғил топибди,  
Эл-юртда шараф.

Ўйлаган режаси,  
Бажо бўлибди.  
Рўзгор, тирикликдан,  
Кўнгли тўлибди.

Ҳар тонгда отасин,  
Рухин этиб шод.  
Жойнамоз устида,  
Этар экан ёд.

Аммо йиллар ўтгач,  
Кетиб омади.  
Ёй шаклин олибди,  
Ада қомати.



Фахми етмас эди,  
Бу сирли ишга.  
Бир кеч қиблагоҳи,  
Кирибди тушга.

Падар маъюс эди,  
Боқмасди қиё.  
Араз, фироқ қилган,  
Кишидек гўё.

Талпинди отага,  
Аҳвол сўрашга.  
Аммо оёқлари,  
Қўймас юришга.

Сўзлай деса йўқмиш,  
Товуши, сўзи.  
Шунда ота дебди:  
– «Эй меҳрим кўзи»

Икки дунёмда ҳам,  
Ризо этдинг мени.  
Лек ғафлат босмушдир,  
Негадир сени.

Нурим ўчирмасин,  
Десанг гар Оллоҳ.  
Дўсту қондошимдан,  
Доим бўл огоҳ.

Дўстлигим давом эт,  
Узилмасин тор.  
Фақат шунда кўрмас,  
Нозик дил озор!

5.

Фарзанд бурчи мушкул,  
Корлар ичра кор.  
Лек асл фарзандга,  
Руҳлар мададкор.

Чукур англасин у,  
Юртдир онаси.  
Элин зурриёти,  
Лазиз боласи.

Тополмас онадек,  
Энг яқин йўлдош.  
Йўқ эрур отадек,  
Меҳрибон, қўлдош.


Барин ризо этса,  
Зўр садоқатда.  
Яшар рисоладек,  
Бахт саодатда.

### **Хотима**

Икки оила бор,  
Кўхна дунёда.  
Иккиси муқаддас,  
Азиз зиёда.

Бири бу хонадон,  
Жисм ила жонинг.  
Бири улуг Ватан,  
Ишқи-иймонинг.

Икковин эъзозла,  
Бошда тут мудом.  
Келажак авлодга,  
Қолдир яхши ном.



Дейдиларки, мард сарбон,  
Эрур тасари сояси.  
Эл улусвор тоғ бўлса,  
Удур ўлмас қояси.

## САРБОН

### Достон

1

Атроф сахро, атроф қум,  
Гўё бутун олам чўл.  
Неча ойки чўл узра,  
Катта карвон босар йўл.

Офтоб чўғи заминни,  
Куйдиради бешафқат.  
Худди кўзин тиккан у,  
Карвон томонга фақат.

Бетни шилар гармсел,  
Юз, тер ердек қатқалоқ.  
Кўз излайди атрофдан,  
Бирор қудуқ ё булоқ.

Сарбон изидан карвон,  
Бир маромда одимлар.  
Аҳли карвон дарғасин,  
Халоскори деб билар.

Зеро, у мушкул дамда,  
Кўрсатди мард, жасурлик.  
Тутқун дилга берди эрк,  
Она-Ватанга ҳурлик.

2.

Қуёш алвон уфққа,  
Қўяр аста бошини.  
Кўз-кўз қилар оймома  
Юлдуз аро қошини.

Эсди майин тун ели,  
Енгил тин олди карвон.  
Фақат ором билмайин,  
Ўй сурар танҳо сарбон.

Зеро, у валинеъмат,  
Карвонга зўр қалқондир.  
Жонга ҳаёт бахш этган,  
Томирда қайноқ қондир.

Дейдиларки, мард сарбон,  
Эрур тангри сояси.  
Эл улуғвор тоғ бўлса,  
Удир ўлмас қояси.

Эл-юртнинг юки офир,  
Йўқ унга ташбеҳ, баҳо.  
Хукмдор ҳам бир инсон,  
Толеи баланд танҳо.

Бир товоқ таом билан,  
Унинг ҳам нафси қонар.  
Аммо беором қалби,  
Юртнинг ғамида ёнар.

Гоҳ болалик дўстлари,  
Гоҳ қариндош суҳбати.  
Хумор этар дамба-дам,  
Жўралари, улфати.

Не иложки йўқ фурсат,  
Топмас имкон, ихтиёр.  
Бир томонда фуқаро,  
Бир томонда жон диёр.

Улус умид риштасин  
Боғлагандир иймонга.  
Етказай дея шаксиз,  
Гулга тўла маконга.

Машаққатли бу манзил,  
Гоҳ қуёшли куни бор.  
Гоҳ зиёни тўсувчи,  
Қора чойшаб туни бор.

Тун султони қора қалб,  
Қароқчилар учрар гоҳ.  
Этиб ҳасад карвонга,  
Қазимоқ бўлади чоҳ.

Кўролмас халқ эркини,  
Сарбоннинг куч-қудратин.  
Ақду заковат бирла,  
Ошаётган шуҳратин.

3.

Тун. Фалакда жимирлар,  
Хира нур сочиб ҳилол.  
Сарбон қўзи илинмас,  
Фикрин чулғайди хаёл:

— Карвон бошин тутмоқни,  
Бир овоздан халойиқ.  
Улкан ишонч билдириб,  
Менга кўрдилар лойиқ.

Нечоғлик қалтис, нозик,  
Бу вазифа, бу амал.  
Тинмай ёнмоғи керак,  
Дида ният ҳар маҳал.

Рўёб бўлмаса орзум,  
Қийнар абад виждоним.  
Тарих саҳифасида,  
Қора битилур номим.

Иродаси суст бўлса,  
Давлати ҳам омонат.  
Адолат ўрнин олур,  
Туҳмат, ҳасад, хиёнат.

Мозий гувоҳ: ношуд ҳам,  
Карвон бошин тутгани.  
Жилов тутиб ағёрга,  
Ўзи заҳар ютгани.

Ўлимдан ҳам даҳшатли,  
Элнинг нафрат жазоси.  
Ҳатто бир кафт ер бермас,  
Етса вақти қазоси.

Шундай ўтди Искандар,  
Зулм бўлди Чингиз кори.  
Шул сабаб ул фотиҳнинг,  
Ҳатто йўқдир мозори.

Темур бобо «Тузуги»  
Тўлиқ зиё, ҳикматга.  
Йўллари ни ёритар,  
Чироқ халққа, миллатга.

Адолатда куч, қувват,  
Халқ ғамидир, ягона.  
Эзгуликдир шиори,  
Нафс балоси бегона.

Бир умр шу фикр-ла,  
Қатъий маҳкам туролди.  
Зафар отин жиловин,  
Ҳақиқат-ла буролди.

Сарбон улким яхшига,  
Этар меҳру саховат.  
Ёмонларга қаҳр этар,  
Сезса зарра адоват.

Ватан эрур гўшаси,  
Юртдир жони, дилбанди.  
Оиласи — эл улус —  
Ота, она, фарзанди.

Улуғ бобокалонлар,  
Руҳин фарздир этмоқ шод.  
Кам бўлмайди энг сўнгги —  
Маконин этса обод.

Мана неча йилдирки,  
Карвон ила ҳамнафас.  
Бир замин, бир осмонмиз,  
Оламиз бирга нафас.

Бирдир, билсанг, ризқу рўз,  
Андуҳ бирла қувончи.  
Офтоб мисол ярқироқ,  
Келажакка ишончи.

Зеро, у авом эмас,  
Миллат, халқ, эркин инсон.  
Бу неъматга, бу бахтга,  
Нисор этса арзир жон.



Нияти холис, олий,  
Ҳур бўлсин дейман башар.  
Унинг бахтин ўйлаган,  
Энинг ёдида яшар.

4.

Мудрайди карвонбоши,  
Бироз фурсат мисли қуш.  
Саҳарга яқин кўрди,  
Кароматли ажиб туш...

Жаннатмакон бир водий,  
Гулларга тўла буткул.  
Кавсар булоқ, мўл мева.  
Яйрар қумри-ю булбул.

Осмон тиниқ, ҳаво соф,  
Тану жонга хуш ёқар.  
Не хоҳласанг муҳайё,  
Ариқда шарбат оқар.

Қуёш йўлаб алвон нур,  
Тўшади зинапоя.  
Замин узра акс этди,  
Савлати бениҳоя.

Оқ кабутар мисоли,  
Учар от қўпди шу он.  
Ўлтирарди эгарда,  
Во ажаб, соҳибқирон.

Дафъатан бу ҳолатдан,  
Питирлайди дил ўйноқ.  
Виқор ила у томон,  
Жаҳонгир юрди шу чоқ.

От жilовин қулига,  
Тутиб табассум этмиш.  
Сўнгра яна шамсинг,  
Бағрига сингиб кетмиш...


Кузин очади сарбон,  
Тушидан мутаассир.  
Буюк аждоди унга,  
Оқ йўл тилади ахир...

5.

Тонг отди пок, беғубор,  
Ёришди замин, осмон.  
Янги куч, ғайрат билан,  
Йўлга отланди карвон.

Порлоқ режа, мақсади,  
Аниқ манзил, макони.  
Олға бошлар ҳамиша,  
Доно, жасур сарбони.

2001 йил.



Эртак билан улгаар инсон  
Эзүликка чорлабу хар он.

**ЎЗИБЕК БОТИР  
(ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК)**

Бир бору бир йўқ экан,  
Сахий доим тўқ экан.  
Кўп аср, кўп замонда,  
Куёш севган томонда.  
Номи дунёга машхур  
Юрти обод, озод ҳур,  
Жаннат ўлка, бор экан  
Унга омад ёр экан.  
Мисли олтин тупроғи  
Баҳорда ҳам куз чоғи,  
Суқиб қўйсанг бир таёқ  
Ўсиб-унаркан гулбоғ  
Асал экан меваси,  
Одамийлик шеваси,  
Ойдан сулув қизлари  
Офтоб мисол юзлари  
Йигитлари мард, полвон  
Керак бўлса ширин жон  
Юрт учун фидо этар,  
Ватан қадрига етар.  
Шундай бўстон диёрнинг  
Тилда дoston диёрнинг.  
Номин айтай сизларга.  
Ширин ўғил қизларга.  
Бир юртки буюк Турон  
Ҳавасда жумла жаҳон

II

Бу элга карвонбоши  
Она Ватан кўз-қоши,  
ЎЗИБЕК деган ботир.  
Барча юмушга қодир  
Оқил, вазмин, билимдон,  
Адолат унга мезон

Лашкарга сардор жасур,  
Жангда музаффар, мағрур  
Кескир, қатъий сўзлари,  
Ўткир бургут кўзлари.  
Эли кўрмаган хорлик,  
Ҳеч қарамлик, ҳеч зорлик,  
Осмонини чанг тўзон  
Кўм-кўк яйловин ҳазон  
Доно бўлгани учун,  
Ақли тўлгани учун.  
Дерди ўчсин адоват  
Қарор топсин адолат  
Эл-элатлар тинч бўлсин  
Дастурхон нонга тўлсин  
Давлат бўлсин ягона,  
Кўз тикмасин бегона.  
Турфа бўлса ҳам тиллар,  
Бир ният бўлсин диллар

### III

Ортар юртнинг камоли  
Яшнаб ҳусну жамоли,  
Етгучи минг асрлар,  
Бунёд бўлди қасрлар  
Илм, фан топди ривож  
Минглаб дардларга илож -  
Топди доно табиблар  
Жон баҳшида ҳабиблар.  
Эзгу ишларда сарбон  
Талабчан ҳам меҳрибон  
Хон ўзи турар эди  
Зўр ўлка қурар эди.

IV

Қўрқандек бойқуш кундан  
Нопоклар титрар ундан  
Аёвсиз эди жуда,  
Қон тўкилса беҳуда  
Иймон қасри бузилса,  
Инсоф ипи узилса,  
Халқ ноҳақ хор этилса  
Тухмат тоши отилса,  
Кетса виждон, диёнат  
Этса юртга хиёнат  
Бўлса ҳамки амалдор,  
Қозими, ҳоким, сардор,  
Ҳаттоки ўрил, қизин,  
Кўринса қинғир изи,  
Қолмас жазодан холи,  
Эл гапи – ҳукм олий.  
Башар учун саодат  
Кучда эди адолат

V

Ботир исми шарифи  
Буюклиги таърифиди  
Бутун оламни тутди  
Ағёрлар алам ютди.  
Лек хорижда элатлар  
Тинчлик севар миллатлар  
Ташвиши эди бисёр,  
Бор эди сабаб, асрор,  
Жўжи деган шум ёвуз  
Қилар эди тажовуз  
Унинг қонли дастидан  
Қабиҳ ният, қасдидан  
Юролмас йўлда карвон  
Экинлар бўлган пайҳон  
Қанча бола, эр, аёл  
Бўлди қулвачча қарол

Йўқ эди асло илож  
Тўламоққа бож, хирож  
Кўпаярди кундан кун  
Салтанатда оч, юпун  
Шунда оқил донолар  
Халқ ғамига ошнолар  
Бу жабрга чидолмай,  
Бирон чора тополмай  
Юрдилар Турон томон,  
Қайда деб Соҳибқирон.

VI

Мана улкан зўр сарой  
Тилла нақшларга бой.  
Хонахоҳда олтин тахт  
Ўлтирарди валиаҳд  
Тож ялтирар бошида  
Таъзим қилиб қошида  
Элчилар сўз қотдилар,  
Қайғуларга ботдилар.  
– Эй, мурувватли султон  
Сизга бўлсин шараф-шон  
Куёш умрин кўрингиз,  
Давру даврон сурингиз.  
Қаддингиз дол бўлмасин.  
Тилингиз лол бўлмасин.  
Ҳар ишда сизга доим,  
Ҳамроҳ бўлсин худойим  
Тингланг арзу додимиз,  
Бу аччиқ фарёдимиз.  
Ўтар, мана, неча йил,  
Кўнглимизга сизмас қил  
Машъум ғаним қаҳридан  
Жон олгувчи заҳридан.  
Зулмидан адо бўлдик,  
Ватанда гадо бўлдик  
Нажот топинг, эй хоққон

Бўғзимизга келди жон.  
Бу гапдан топгач хабар  
Эл-юртига оқпадар  
Жўжи келиб хуружга  
Чорлади тез урушга  
Суюк Ўзбек хонни  
Тенги йўқ паҳлавонни  
Ботир кўп ўйга ботди.  
Оқшом чўкди, тонг отди.  
Узоқ машварат қурди  
Сўнг отланиб, от сурди

VII

Эгар-жабдуқ боғланди  
Улкан қўшин чорланди  
Жангга, ўзга элларга  
Қилич тақиб белларга  
Кезиб саҳрою чўлни  
Кечиб дарёю кўлни  
Чарчаш нима билмади,  
Йўлни писанд қилмади.  
Тоғу довондан ошди  
Асов тўлқиндек тошди  
Йўл босди мўл, зиёда  
Гоҳ отда, гоҳ пиёда  
Кўтарилди туғ байроқ,  
Ишга тунди тиг, яроқ.  
От дупири, кишнаши,  
Ярадорлар инграши,  
Еру фалакни тутди,  
Кўрқоқ юрагин ютди.  
Оқ тепа чўққисида  
Кенг жангоҳ қўққисида  
Турар эди жаҳонгир  
Ўнг-сўлга қараб бир-бир  
Жанг бўлди кўп беаёв  
Душман охир бермай дов



Рақибин зарбасига,  
Таянди тавбасига

VIII

Шу-шу булдию сабаб  
Ҳинд, фаранг, ўрис, араб  
Хулласи етти иқлим,  
Эллари топди тиним.  
Қуёш чиқиб ботгунча  
Кеч кириб тонг отгунча  
Манзил юрса йўловчи,  
Ундан пул, хун сўровчи  
Бирор ёмон учрамас  
Бир тамали сўз демас.  
Шундай тузилди низом  
Метин каби интизом  
Ботир унга бош бўлди,  
Алда қуёш бўлди

IX

Гоҳ ўйга ботса ботир,  
Олар эди хавотир  
Фарзандлар келажагин,  
Салтанат туражагин.  
Буюк ишлар давомин  
Дилларда унинг номи  
Қолармикан - ўйларди  
Ич-ичидан сўйларди.  
Ойлар ўтди кун ўтди.  
Кун кетидан тун ўтди  
Бу тақдир тақазоси  
Етди ботир қазоси.

Х

Оқиб ўтди анча сой,  
Янгиланди қанча ой,  
Сарой ҳувиллаб қолди,  
Шодлик ўрнин ғам олди  
Кетди инсоф, диёнат,  
Авжга минди ҳиёнат.  
Укаси оға билан,  
Жияни тоға билан.  
Давлату тахт талашиб,  
Гуёки бахт талашиб,  
Ўзак томир узилди,  
Оҳ, бирдамлик бузилди  
Турон қасри еди лат,  
Бўлинди яхлит давлат.

ХІ

ЎЗИБЕК тузган диёр  
Бўлмасада ихтиёр  
Номи Туркистон бўлди  
Қуликка макон бўлди  
Тушиб зулм домига  
«ОҚАЖДАР»нинг комига  
Қулик туморин илди  
Алам бағрини тилди  
Тер тўкди ҳеч тинмайин  
Ҳаёт нима билмайин  
Нонга тўймай, ярим оч,  
Юрди юпун, яланғоч,  
Бош кўтарса чопдилар,  
Ит мисоли қопдилар.  
Яниб, сургун қилдилар  
Халқнинг гулин қирдилар  
ЎЗИБЕК танҳо номи  
Кўриниш ва каломи  
Қолди фақат суврати,  
Зардоб эди сийрати.

XII

Ўтди кўп давр, замон  
Отилган ўткир камон  
Аждарга бўлди ажал.  
Оз лаҳзада этди ҳал  
Ваъда бериб ер, сув, жой  
Тахтга минди БОЛЬШАВОЙ  
Касби ҳийлаю найранг,  
Алдовда уста фаранг.  
Дилларга йўл топибди,  
Тил, забонни ёпибди.  
Ширин сўзлаб, нон бериб  
Ёлгон амал, шон бериб  
Йиғибди қондошларин  
Қорадил жондошларин  
ЎЗИБЕК тупроғига  
Жойлаб сўлим боғига  
Сиёсатин ўқибди,  
Турли фатво тўқибди.  
Бошланиб таъна, миннат:  
–Асли эмасдинг милаат.  
Биз туфайли бўлолдинг.  
Ёруғ кунни кўролдинг  
Ҳатто инсон эмасдинг  
Алиф калтак демасдинг  
Йўқ эди хат саводинг  
Йўқ тайинли авлодинг –  
Деб уни сеҳрлабди.  
Виждонин муҳрлабди

XIII

Шароблар сузилибди  
Урф-одат бузилибди  
Паймол бўлиб қадрият  
Иймон, ислом, шарият  
Она тили ёт бўлди  
Ўзбек авом зот бўлди

Фақат билди меҳнатни  
Жоҳил, нодон роҳатни.  
Фозил, олим, оқиллар  
Ҳақиқатгўй оқинлар  
Қалби зардобга тўлди  
Бевақт ҳаёти сўлди  
Пайҳон бўлди дала, боғ,  
Булбул ўрнин олди зор  
Баҳор айланди кузга,  
Кунлар қолди тўнғизга  
Зўравонлик авж олди,  
Қўрқув заҳарин солди  
«Ўзибеклар ишига»  
Чанг солиб турмушига  
Кўп мушкул замон бўлди  
Яхшилар ёмон бўлди  
Қарол бўлиб иблисга.  
Илиндилар ҳибсга  
Учраб бўҳтон елига  
Қолиб ҳасад селига  
Ё алҳазар, алҳазар  
Бутун мол-мулк сийму зар  
Оқибди марказ томон,  
Сақланар экан ҳамон.  
Ёруғ дунё қоронғу  
Еган ичгани оғу  
Бўлиб қолди ўша дам  
Топилмади ҳеч ҳамдам  
Умр ўтди шу зайил  
Бир аср эллик бир йил

#### XIV

Минг тўққиз юз тўқсон бир  
Энг қутлуғ сана охир,  
Эрксеварга қўл берди,  
Истиқдолга йўл берди  
Тикланди асл ҳолат

Қадрият урф-одат  
Улкан режа тузилди  
Сарҳад симлар узилди.  
Яна ўзбек номи  
Ўткир, кескир каломи  
Дунё узра таралди  
Буюк халқ деб қаралди  
Энди халқдир, авоммас  
Бош аъзодир тоғонмас  
Ўз юртига ўзи бош  
Ўз элига кўзу қош  
Ўзбекка жону тан,  
Қайта туғилди Ватан  
Ном олди Ўзбекистон,  
Тан олди уни жаҳон  
Бор ўзининг байроғи  
Обод гулшан ҳар ёғи  
Мадҳияси, қомуси,  
Герби-виждон номуси.  
Элим, юртим қувончи  
Маддадкори ишончи  
Эрур гўзал «Оқсарой»  
Юртим бағрида чирой!  
Яна бирлик, дилдорлик  
Яна дўсту ҳамкорлик,  
Йўлин тутди одамлар  
Тийрак дадил қадамлар  
Манзилимиз чароғон  
Юртимиз улуғ қарвон  
Энди саккиз ёшида  
Зўр сарбони қошида  
Истиқлолин сўзларкан  
Истиқболин кўзларкан.

## ДОНИШМАНД ОТА ВА УЧ ЎҒЛОН

1  
Бор экану йўқ экан,  
Оч экану тўқ экан.  
Жуда қадим замонда,  
Асов Жайхун томонда.  
Бир бобо бўлган экан,  
Юз ёшга тўлган экан.  
Сулув экан савлати,  
Мўл-кўл экан давлати.  
Уч ўғлони бор экан,  
Бахти устивор экан.  
Кунлардан бир кун қари,  
Ўғлонларда назари.  
Дебди: эй фарзандларим,  
Жонга асал-қандларим.  
Хаёлда кезмоқдаман,  
Ажалим сезмоқдаман.  
Соямда яшадингиз,  
Топганим ошадингиз.  
Ҳар кунингиз ўтди ҳур,  
Рўзгорда қилиб ҳузур.  
Энди тахтни топингиз,  
Боқий бахтни топингиз.  
Ақлингизни ишлатиб,  
Фаросатни пешлатиб.  
Дея чол уч ўғлонга,  
Боғланган уч камонга.  
Уч ёнар ёй берибди,  
Ҳам гижинг той берибди.  
Тугатиб ота сўзин,  
Мангу юмибди кўзин.  
Ҳали танглай қотмасдан,  
Кўз томчи ёш отмасдан.

Тўсатдан тўнғич ўғлон,  
Кўтарган каби исён.  
Дебди: менга на меҳри,  
На ёнар ёйнинг сеҳри  
Асло, асло керакмас,  
Менга мерос бўлса бас.  
– Йўқ, – дебди ўртанчаси,  
– Сенга бўлмас барчаси.  
Мен ҳам унга ўғилман,  
Эгарланган тўрғилман.  
Ярмига мен меросхўр,  
Қани барин олиб кўр.  
Деб жанжал кўтарибди,  
Кўзлари кўкарибди.  
Кенжатоё қизарибди,  
Қизариб-бўзарибди.  
Акаларин ишидан,  
Оқпадар қилмишидан.  
Жанжал устига шу чоқ,  
Тонгдек мисоли оппоқ.  
Учиб тушибди каптар,  
Жиғасида ёниб зар.  
Айланиб мурда томон,  
Бўлибди ажиб жонон.  
Йигитлар бари беҳол,  
Ёқа ушлаганмиш лол.  
Ҳатто нуқсон бор ойда,  
Бу-чи тенгсиз чиройда.  
Юзи бир кундуз эмиш,  
Кўзи бир юлдуз эмиш.  
Сарвдек эмиш қомати,  
Ким ёр қилса омади.  
Бирдан у кириб тилга,  
Бир сеҳр солиб дилга.  
Дебди: не учун бунда,  
Ювилмай ётар мурда.

Тугасин бундай жанжал,  
Агар жумбоқ бўлсин ҳал.  
Десангиз, эй уч ўғлон,  
Тингланг, сизга шу фармон.  
Отангиз ҳикматга бой,  
Сизга берган учта ёй  
Шу ёйга камон солиб,  
Мурдани нишон олиб.  
Теккизсангиз кўзига,  
Ё лоақал ўзига.  
Давлату тахт сизники,  
Бир умр бахт сизники.

II

Шошиб тўнғич шу онда,  
Нишон пойлаб камонда.  
Отам демай, миқ этмай,  
Мурдасидан ҳайиқмай.  
Куч билан ёйни тортди,  
Тортдию ташвиш ортди.  
Ўқ-ёй ота бошидан,  
Учиб ўтди қошидан.  
Ўртанча ҳам отади,  
Роса терга ботади.  
Нишонга бормай ҳатто,  
Ўқи кетганди ҳаҳо.  
Бирдан деди: – Эшит, ҳой! –  
Ҳазаб ила кенжатой.  
Ҳар сеҳрғар бўлсанг ҳам,  
Тўлинойдек тўлсанг ҳам.  
Бажармам фармонингни,  
Қондириб армонингни?  
Бер уларга пул, зарни,  
Тинч қўй менга падарни.  
Сўнгги уйин қурайин.  
Жойига тинч қўяйин.



Мурда бизда бўлмас хор,  
Топмасин руҳи озор.  
Шунда дебди малика:  
«Қилма эй мард, таҳлика,  
Кўролдинг ақл кўзин,  
Бажардинг ота сўзин.  
Энди тахтга ҳақлисан,  
Боқий бахтга ҳақлисан», –  
Дея тилло сочибди,  
Пари юзин очибди.  
Вафо аҳди бўлибди,  
Йигит бахти тўлибди.

### **ЁРҚАНОТНИНГ ШАБКЎРЛИГИ ҲАҚИДА ЭРТАК**

Қизиқ, нега шабкўр, нега кўршапалак?  
Асли бу қуш қандай ўзи, қай капалак?  
Шу саволни бувимларга берайлик-чи,  
Гапларининг мағзин ипга терайлик-чи.  
«Жуда қадим ўтган эски замонларда,  
Баланд қиру торли ўрмон томонларда  
Бўлган экан чивирлаган қушлар кони,  
Саноғига етиб бўлмас - ҳадсиз сони.  
Ичларида бўлган экан бир шапалак,  
Кўринишдан жажжигина ёш чархпалак.  
Саҳарларда ғазал, байтлар тўқир экан.  
Ҳатто унда булбулжон ҳам ўқир экан.  
Ёрқанот дер экан уни халойиқ эл,  
Ўз номига лойиқ экан – ингичка бел.  
Қуш зотининг энг сухсури, зеби экан,  
Аммо уни кўролмаскан қузғун деган.  
Ғаши келиб, тушган эмиш пайига у,  
Пайи эмас, пойига у, солиб ғулу.  
Бир кун ғайир қузғун кўзин чўқиганмиш,  
Бедаво деб, бўлмагур гап тўқиганмиш.

Шундан бери Ёрқанот кўр ва ногирон,  
Кенг коинот кўзларига нақ зимистон.  
Қушлар куйиб, устозларин ёдлар эмиш,  
Булбулжон ҳам ёқавайрон, додлар эмиш.  
Ёрқанотни эслашармиш кеча-кундуз,  
Тун чўкканда, тошганида кўкка юлдуз,  
Ёрқанот кўр, тунга маҳкум этилганмиш,  
Кўзларидан ўт ўғирлаб кетилганмиш.  
Аммо ожиз бўлса-да, у элга содиқ  
Оқшомлари ороми йўқ ва беҳордиқ,  
Қирар эмиш пашша, чивин ёвузларни,  
Ёвузликка йўл йўқ дермиш «кўр кўзлари».  
– Бувижоним, айта қолинг, нимага биз  
Золим, ёвуз қузғунларни йўқ қилмаймиз?!  
Ачинмаймиз Ёрқанотнинг кўзларига,  
Оловини қайтармаймиз ўзларига?  
– Ниятларинг йўлларингда йўлдош бўлсин,  
Тенгдошларинг, ўртоқларинг қўлдош бўлсин.  
Сизлар катта бўлсангизлар бир кун ўғлим,  
Қузғунлар ҳеч Ёрқанотга қилмас зулм.

## ОҚ ҚАНОТ ВА БИР ҒУЖУМ УЗУМ

I  
Кўз-кўз қилиб кўркини,  
Молдаванлар кўксини.  
Бир нишон безаб турар,  
У ҳақда ҳикмат юрар.  
Нишонга тикилган он,  
Кўпчилик бўлар ҳайрон.  
Тақинчоққа чизилган,  
Халқ сўзи-ла тизилган.  
Кўриб ажиб санъатни,  
«Узум» ва оқ қанотни,  
Бу суратнинг бирига,  
Узумнинг тасвирига,

Керакмас ортиқ изоҳ,  
Ота касбига гувоҳ.  
Қанот ҳақида аммо,  
Юрар эртак-муаммо.  
Керақдир уни билмоқ,  
Жондек қулоққа илмоқ.  
Юрдим узумзор бўйлаб,  
Ўша нишонни ўйлаб.

II

Эмиш қадим замонда,  
Оқ Днестр томонда.  
Бессарабия номли,  
Жуда сийрак авомли.  
Қаровсиз маскан бўлган,  
Чўлу қумларга тўлган.  
Инсон пойи экан ёт,  
Яшолмас экан жонзот.  
Ўлкасига келгач қиш  
Барча қушдан аъло қуш  
Лайлакхон иссиқ ёққа  
Кўм-кўк денгиз қирғоққа  
Қанот ёйиб учарди,  
Чўл оралаб кечарди.  
Унинг кўзига шу чоқ  
Кўринибди нур оппоқ  
Типирлаётган нарса  
Секин пастлаб қараса,  
Одамзод боласимиш,  
Гул ила лоласимиш.  
Лайлак ўйланиб ҳайрон,  
Гир-гир айланиб ҳайрон,  
Аввал ҳуркиб чўчибди,  
У ён-бу ён учибди.  
Бола нечун бу ерда,  
Она уйи қаерда?

Гўдак йиғлармиш биг-биг,  
Она Лайлак қалбин тиг -  
Тилган каби эзилиб,  
Она меҳри эшилиб,  
Узоқ учиб кетибди,  
Бир ишкомга етибди.  
Ундан олиб бир гужум,  
Она кўксидек узум,  
Келтирибди физиллаб,  
Юрак-бағри жизиллаб.  
Гўдак оғзига қўйиб,  
Шарбатин сўргин тўйиб,  
Дегандек Лайлак гўё,  
Нигоҳи-меҳригиё.  
Қондирибди чўлини,  
Сийпаб елка, қўлини,  
Унга бўпти соябон,  
Қанотин ёзиб ҳар ён.

### III

Ўтибди ою кунлар,  
Чўлда даҳшатли тунлар.  
Қуш асрабди болани,  
Гўё мурғак лолани.  
Ўзининг фарзандидек,  
Гўё асал-қандидек,  
Узум бўпти ризқу рўз,  
Бола ўсиб кўзма-кўз,  
Катта йигит бўлибди,  
Куч-қувватга тўлибди.  
Елкалари кенг тоғдек,  
Қалби очилиб боғдек,  
Етилиб дурқун ўғлон,  
Одамзод кўрки ўғлон  
Бўлибди бир паҳлавон,  
Табиат бўпти ҳайрон,

Ўғлон топиб зўр камол  
Ақду ҳушда баркамол.  
Дебди Лайлакни онам,  
Чўлу саҳрони хонам.

IV

Йигит ўсаверибди,  
Кунни тўсаверибди.  
Чўлда ҳаёт ўтказиш,  
Бекор умр кетказиш,  
Ахир жонга тегибди,  
Онага бош эгибди:  
«Эй ҳаётим қуёши,  
Ақл-идроким боши,  
Сенга қилайин хитоб,  
Саволимга қил жавоб:  
Кўз очиб кўрганим сен,  
Лекин айт-чи, кимман мен,  
Ўхшамас сенга жисмим,  
Зотим ким? Нима исмим?»  
Шунда дебди Лайлакхон:  
«Кўй, қайғурма, болажон,  
Қисмат экан, найлайин,  
Эшит баён айлайин»  
Қанотим қилиб соя,  
Барин этай ҳикоя.  
Чўлга сенинг тушмоғинг,  
Чўл-саҳрони қучмоғинг,  
Айтайин боисини,  
Эртак эмас, ростини».

V

Қадим ёв-ёв жангида,  
Уруш, олов чангида,  
Ота-онанг адашган,  
Чўл-саҳрога ҳайдашган.

Ўша қиргин, савашда,  
На омон, на аяшда,  
Ўлмасин деб боламжон,  
Ўзи бўлса-да бежон,  
Сени асрашган аяб,  
Сенга иқбол, бахт тилаб,  
Ўзлари ҳалок бўлган,  
Сенинг иқболинг қулган.  
Ўшанда сени кўрдим,  
Ҳолингга ҳайрон бўлдим.  
Сутим йўқ берай десам,  
Кучим йўқ, элтай десам,  
Бор кучим ишга солиб,  
Боғингдан узум олиб,  
Шарбатин эмдирганман,  
Қувватга миндирганман.  
Мен ўша қуш онангман,  
Қанотдор парвонангман.  
Паҳлавон бир хўрсиниб,  
Ўз холидан ўксиниб.  
Қуш меҳрига тан бериб,  
Фарзандлик меҳри эриб,  
Дебди она Лайлакка,  
Ул меҳрибон юракка:  
– Ҳаётим асраб қолган,  
Саробда жаннат солган  
Оқ қуш жоним, онажон,  
Чиройли узум маржон  
Саҳрода ҳам кўкарсин,  
Саҳро гуллаб кўк олсин!  
Бўлган она сутимдай.  
Ҳаётимга устундай,  
Узумзорга борингиз,  
Ниҳолидан олингиз.  
Бу ерга ҳам экайлик,  
Пешона тер тўкайлик.  
Шунда бирдан она қуш,  
Йигит кўнглин қилиб жуш,

Қанотланиб шу замон,  
Учибди ишком томон.

VI

Йигит кечаю кундуз,  
Осмонда санаб юлдуз,  
Онажонин кутибди,  
Ою кунлар ўтибди.  
Қоқ саҳарнинг бошида;  
Лайлак йигит қошида  
Бўлибди бирдан пайдо,  
Қилиб ваъдасин адо,  
Қуш новдани берибди.  
Қўш новдани берибди  
Йигит қилибди таъзим.  
Ва Днестрдек- азим,  
Дарёни боғлаб чўлга,  
Айлантирибди кўлга.  
Чўлни обод этибди,  
Жаннат бунёд этибди.  
Жаннат-ки булбул тинмай,  
Сайраркан андуҳ билмай.  
Суви кумушдек зилол,  
Узум, шарбатида бол.  
Кўм-кўк, кўм-кўк ҳар ёғи,  
Дардга даво булоғи.  
Ҳавоси соф дур каби,  
Оқар суви нур каби.  
Бошқа юртдек йўқ тоғи,  
Лек ўзгача ҳар боғи.  
Она Ери-қора ер,  
Тўкилиб марварид тер,  
Айланибди чўл-боққа,  
Донғи кетиб тўрт ёққа.  
Бир қуш шарофатидан,  
Ўғил садоқатидан,  
Саҳро кўклам бўлибди,  
Юртда ғам кам бўлибди.

## ЮМРОНҚОЗИҚ НЕЧУН ЕР КАВЛАР

Бу ҳам ахир бир гап-да!  
Асов Жайхун тарафда.  
Юмрон номли бир қози,  
Хоннинг овида този.  
Йирик савдогар экан,  
Ганжга даъвогар экан.  
Ёлғонни дўндираркан,  
Унмасни ундираркан.  
Қашшоқларни юларкан,  
Бор-йўғини шиларкан.  
Қози хислатларидан,  
Ажиб хизматларидан.  
Элда бисёр ҳикоят,  
Қулоқ тутинг сиз фақат:  
Қозининг эшигида,  
Эшикмас тешигида.  
Бир бечора яшаркан,  
Ёвгонини ошаркан.  
Ўлгудек ишлар экан,  
Оч-юпун қишлар экан.  
Бир кун қози чақириб,  
Томоқ қириб бақириб:  
Дебди: «Сенда йўқ мажол,  
Бу ҳовлидан тез йўқол!  
Қилолмайсан хизматим,  
Етар шунча ҳимматим.  
Тўрт томон сенга қибла,  
Хоҳлаган жойинг изла».  
Бечора дебди: «Тақсир,  
Бошпанам ҳам йўқ ахир,  
Оч бўлсам, юпун бўлсам,  
Кафаним йўқдир ўлсам».  
Қози қулоқ солмабди,  
Ҳеч назарга олмабди.



Дуппослатибди роса,  
Шу бўлибди хулоса.  
Сўнгра қози ўйлабди,  
Ўз-ўзига сўйлабди:  
«Тер қуйдириб ишлатиб,  
Зах кулбада қишлатиб,  
Қаттиқ нонни едирдим,  
Баҳор экин эктирдим.  
Йилқим, сигирим боқди,  
Ёзда мевамни қоқди.  
Олиб-сотиб бўлдим бой,  
Ҳамма ишим ғарчча мой.  
Хизматкорларим бари  
Бўлиб қолишган қари.  
Ҳеч аямай ҳайдадим,  
Фақат фойда айладим.  
Орттирдим мол, симу зар,  
Ёмон кўздан, алҳазар».  
Тағин режа ўйлабди,  
Қоронғини бўйлабди.  
Оқшом тушганда охир,  
Шудгордан қазиб чуқур,  
Олтин кўмибди шунда,  
Каттакон қора хумда.  
Эртаси тонг керишиб,  
Пешонаси тиришиб,  
Уйқудан туриб Юмрон,  
Берибди шундай фармон:  
«Менга ғайрат, кучи бор -  
Бешта хизматкор даркор.  
Бўлсин сабри, тоқати,  
Тайин нону овқати,  
Пишиқ бўлсин қул, эти,  
Ёши бўлсин ўн етти».  
Шу вақт қози қошига,  
Қарашмай ҳеч ёшига,  
Югуриб келишибди,

Шамолдек елишибди,  
Нонга муҳтож одамлар,  
Донга муҳтож одамлар.  
Юмрон юриб ўртадан,  
Одам фикр-фикр тўдадан,  
Кўриб, қараб нечтасин,  
Танлаб олмаш бештасин.  
Бечоралар бесўроқ,  
Олиб тешая, ўроқ,  
Ишга тушиб кетибди,  
Эт увишиб кетибди.  
Бири ўриб бедани,  
Бири боқиб подани,  
Бири тараша ёриб,  
Бири молга терт қориб,  
Бири югуриб бозор,  
Бири қилибди шудгор.  
Битта йигит ҳеч тинмай,  
Ором олишни билмай,  
Ишлар эди тер тўкиб,  
Анча ер бағрин сўкиб.  
Омочу ҳўкиз била,  
Фамгин ҳиргойи қила,  
Бирдан қолмишди ҳайрон,  
Иши бўлганди вайрон:  
Олайтириб кўзини,  
Ҳўкиз отди ўзини,  
Қўл-оёғи чўзилди,  
Жони ҳаром узиди.  
Қарол ҳоли бўлиб танг,  
Деди: Эсиз, эҳ аттанг,  
Энди ҳолим не кечар,  
Муаммони ким ечар?  
Қози билса ўлдирар,  
Ёш умримни сўлдирар,  
Дея роса йиғлабди,  
Юрак-бағрин тиглабди.

Охир режа ўйлабди,  
Ўз-ўзига сўйлабди:  
Ҳаром ўлди ҳўкизим,  
Қолдирмай ерда изим.  
Тупроқни очай, дебди,  
Вақтида қочай, дебди.  
Ерга кетмон урибди.  
Кўп тупроқни сурибди.  
Ўткир кетмони шу вақт  
Ўт чиқариб, этиб «тақ»,  
Жаранг-жаранг этибди,  
Учи синиб кетибди.  
Тош-пош борми деб қарол,  
Гавдасин эгиб ҳиёл,  
Чуқур томон қарабди,  
Бирдан кўнгли яйрабди,  
Бир хум тиллани кўриб,  
Дарров ҳўкизни кўмиб,  
Ҳеч нарса кўрмагандай,  
Ҳўкиз ҳам ўлмагандай,  
Яшириб кўк тўнига,  
Етим-есир кунига,  
Ярар дея эл томон,  
Югурибди шу замон.  
Қарол келмагач уйга,  
Қози ботиб ҳар ўйга,  
Вужуди гўё қуйиб,  
Жаҳдан муштин туйиб,  
Шудгор томон елибди,  
Маконига келибди,  
Кетмон, теша, кураксиз,  
Гўё улар кераксиз,  
Ўнта бармоғи билан,  
Ўсиқ тирноғи билан  
Номус, андиша билмай,  
Лаҳм ковлабди тинмай,  
Ўйлаб, сўйлаб у ҳадеб,

Олтиним бормикан деб,  
Бирдан ҳукизни шунда,  
Кўриб лаҳмда тунда,  
Кўнгли бир ғашланибди,  
Чуқурга ташланибди.  
Қўлда таёғи билан,  
Қўли, оёғи билан,  
Чуқур кавлаб кетибди,  
Қудуқ мисол этибди.  
Шу буйи бутун кундуз,  
Тўлса ҳам кўкда юлдуз,  
Ишин давом этибди,  
Тешик тешиб кетибди:  
Олтинни топаман деб,  
Олганни қопаман деб,  
Мадоридан толибди,  
Ҳайвон бўлиб қолибди.  
Юмронқозиқ номини,  
Мана шунда олибди.  
Мана, эй укам, Розиқ,  
Ҳозир ҳам Юмронқозиқ  
Олтинини қидириб,  
Хасислигин билдириб,  
Ҳеч нарсага берилмай,  
Қазир ерни эринмай.

## ҚОРА ДЕНГИЗ ҲАҚИДА ИККИ ЭРТАК

### Биринчи эртак

I

«Айиқ» тоғнинг ёнида,  
Сарвлар маконида.  
«Артек» гулхани порлар,  
Қизиқ суҳбатга чорлар.  
Гўзал Қрим ўлкасин,  
Тиним билмас эркаси. –  
Қора денгиз ҳақида,  
Айтай эртак – ақида.  
Яқин келиб тинглангиз,  
Мағзин чақиб англангиз.

II

Қадим-қадим замонда,  
«Мисхор» деган томонда.  
Тоғда тер тўкиб ҳалол,  
Яшаган экан бир чол.  
Номи экан ҳар дилда,  
Донишманд бўлиб элда.  
Курашларда байроқдор,  
Халқига экан сардор.  
Икки навқирон ўғлон,  
Измида экан ҳар он.  
Аммо бобони ёз, қиш,  
Қийнар экан бир ташвиш.  
Ота-бободан қолган,  
Ҳар жангда енга олган.  
Найзаси сўнмас олов,  
Бўйсунмас ўта асов.  
Сирли ўқ-ёй бор экан,  
Кўплаб харидор экан.  
Неки қилсангиз ҳавас,  
Камондан отилса бас.

Ниятингиз биларкан,  
Айтганингиз қиларкан.  
Доимо жангу жадал,  
Истар экан ҳар маҳал.  
Кимда бўлса бу қурол,  
Енгар экан бемалол.

III

Бир кун бобо тонг чоғда,  
Ўтириб олиб тоғда.  
Қилибди чуқур хаёл,  
Бериб ўзига савол:  
«Мана, ёшни яшадим,  
Керак ошни ошадим.  
Темир белим букилди,  
Тишу сочим тўкилди.  
Ҳаётда кўрмай завол,  
Топди фарзандлар камол.  
Бундан доим кўнгил тўқ,  
Фақат сирли камон ўқ.  
Доимо уйлатади.  
Тушимда сўйлатади.  
Уни кўздан сақладим,  
Отам сўзин оқладим.  
Зўрликка ишлатмадим,  
Хўрликка ишлатмадим.  
Энди куч-қувват кетди,  
Умрим чўққига етди.  
Агар бўлсам шу аҳвол,  
Ажал дуч келса дарҳол.  
Ёй тушар ёт кўлмарга,  
Кирар ёвуз йўлмарга.  
Тинчин йўқотар одам.  
Жаҳаннам бўлар олам».  
Ўтказиб тунин бедор,  
Қилибди қатъий қарор.

Чақириб икки ўғлин,  
Берибди у буйруғин:  
«Ўғлонлар, тутинг қулоқ,  
Ҳожат йўқ бермоқ сўроқ.  
Қуёш ботган заҳоти,  
Ухлагач инсон зоти.  
Денгизнинг кенг бағрига,  
Етиб бўлмас қаърига –  
Чўксин сирли камон-ёй,  
Сир билмасин ҳатто ой.  
Шудир танҳо ниятим,  
Сизларга васиятим.  
Шунда бўламан ризо,  
Элда чиқмасин низо».

#### IV

Ота сўзин деб қонун,  
Кўкни босгач қора тун.  
Ака-ука икковлон,  
Қийналса-да ширин жон.  
Анча сўқмоқ, йўл босиб,  
Тоғу тошлардан ошиб.  
Мовий денгиз ёнига,  
Жавоҳирлар конига.  
Етишибди, хайрият,  
Холис бўлибди ният.  
Тўнғич дебди кенжага:  
«Кўзинг олгин режага.  
Бериб ғайрат-кучимиз,  
Бажарайлик бурчимиз.  
Ҳеч ёмонлик қилмасин,  
Сув тубидан чиқмасин.  
Душман ҳам ололмасин,  
Йўлига сололмасин.  
Тинч яшасин тирик жон,  
Уруш кўрмасин жаҳон».

Деб ёйни тортибдилар,  
Ҳайратдан қотибдилар.  
Сокин тинчликда тенгсиз,  
Шунда улуғвор денгиз.  
Тўсатдан мавжланибди,  
Қутуриб авжланибди.  
Қора ранг босиб юзин,  
Урибди ҳар ён узин.  
Телбаланиб сирли ёй,  
Қайнатаркан «қора мой»\*.  
Шу-шу баҳор ва кузда,  
Қора денгиз шу тусда.  
Ёйдан қутулмоқ учун,  
Ишлатиб бутун кучин.  
Камон ёй сирин билмай,  
Тўлқин ураркан тинмай.  
Тор, дарёга тушса ҳам,  
Ой, самога учса ҳам.  
Қаерда бўлса қурол,  
Шунда нотинчлик, завол.

### **Иккинчи эртақ**

Кўп балиқчи ишлатиб,  
Зах ҳужрада қишлатиб.  
Бўлган экан бир бахил,  
Бой-бадавлат, сержаҳл.  
Роса бойиб борса ҳам,  
Молу дунём деркан кам.  
Бир қуни туш чоғида,  
Зумрад деган боғида.  
Гавҳар топиб олибди,  
Ақли ҳайрон қолибди.  
Иш буюрсанг, қиларкан,

---

\* Қора мой – нефт



Қулоғига иларкан.  
Бахтим синай деб айёр,  
Сафарга бўлиб тайёр,  
Қайиққа зар тўшатиб,  
Ва қозикдан бўшатиб  
Тўлқинларда сузибди,  
Гавҳар тинчин бузибди.  
Дебди: «Эй лаъл-жавоҳир,  
Не-не санъатга моҳир.  
Битта мўъжиза ярат,  
Дунёни менга қарат!»  
Кўнглим балиқ тусайди,  
Қани лаққа бўлсайди.  
Фармоним шудир сенга,  
Қайиққа тўлдир тезда».  
Бирдан денгиз мавжланиб,  
Шовқин-сурон авжланиб.  
Хамирдан олгандек қил,  
Шу заҳоти хилма-хил.  
Балиқлар қайнаб-тошиб,  
Тушибди қайиқ ошиб.  
Бахил шошиб қолибди,  
Яна савол солибди:  
«Зўрға топган шунча мол,  
Сасиб қолса кўп увол.  
Жонга ора кира қол,  
Туз қайнатиб бера қол.  
Лаққани тузлаб олай,  
Сурлаб, бозорга солай»  
«Қайна, кўзим, нуқра соч,  
«Қани сир қутисин оч»  
Дебди у шуъла гавҳар.  
Ёшлари худди оқ зар.  
Денгиз кумушланибди,  
Бой кўнгли хушланибди.  
Маржонлар туз бўлибди,  
Бир қайиқ муз бўлибди.

Юк бўлибди кўп огир  
Кўтара олмай ахир  
Қайиқ чўкиб кетибди.  
Бойни ажал ютибди.  
Гавҳар-чи, ҳозиргача,  
Денгизда қанча-қанча.  
Туз қайнатиб ётармиш,  
Денгиз тўлқин отармиш.  
Хуллас, дўстларим, агар,  
Нодонга тегса гавҳар.  
Аҳмоқ бўлиб қоларкан,  
Ёмонликка яраркан.

### **ТУЯМҲҲИИИ ЭРТАГИ**

Ҳар шаҳару ўлканинг,  
Ҳаттоки тор йўлканинг.  
Тошқин сой-у дарёнинг,  
Тарлон учган саҳронинг.  
Ҳайвоноту жисмини,  
Ҳар ким билар исмини.  
Инсон лутфи маънодор,  
Ҳар номнинг тарихи бор.  
Туямўйин деган жой,  
Луғатда йўқ ҳойнаҳой.  
Китобларни тахлардим.  
Сабабини ахтардим.  
Бўшамай «оббо»лардан,  
Сўрадим боболардан.  
Хоразм томонларда,  
Кадимги замонларда.  
Жайхун деган шўх дарё,  
Гўзалликка бепарво.  
Тўрт ёққа тошган экан,  
Саҳролар ошган экан.  
Тутоққандан тутоқиб,  
Ялмоғиздай ютоқиб.

Экинни бузган экан,  
Бешиклар сузган экан.  
Эл кўргач воқеани,  
От эшагу туяни.  
Ҳозирлабди зўр ишга  
Улкан тўғон қуришга.  
Йўл босса ҳам мўл босиб,  
Қошу қовоғин осиб.  
Қишлоқ аҳли катта-ёш,  
Очликка бериб бардош.  
Ҳарсанг, хода ташибди,  
Бошни ҳайрон қашибди.  
Сувсиз, овқатсиз бешак,  
Иссиқдан оту эшак.  
Қирилиб кетган эмиш,  
Қарилар шундай демиш.  
Ёлғиз малларанг туя,  
Офтобда куя-куя.  
Узлуксиз ташибди юк,  
Ўркачдан тўкилиб тук.  
Охири Жайхун асов,  
Йўлига битибди гов.  
Одамлар қарасалар,  
Келтирилган ҳарсанглар.  
Гов бўлиб сув ўрнига,  
Ўхшаб туя бўйнига.  
Ғалат кўринар эмиш,  
Кўрганлар туя дермиш.  
Дарёда ҳамон уйин,  
Жиловлар Туямўйин.

## ҚОВОҚАРИ НИМА УЧУН ҒҮНФИЛЛАЙДИ

Қовоқари нима учун ғунфиллайди?  
Бўлар-бўлмас нарсага ҳам тўнфиллайди?  
Номи қовоқ бўлганлиги учунмикан,  
Ини товоқ бўлганлиги учунмикан?  
Суриштириб, сўраб Марям бувимлардан,  
Марям эмас бизга байрам бувимлардан.  
Билиб олдим қовоқ ари қовоқлигин,  
Асал ари укасидан қолақлигин.  
Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонда,  
Ростми-ёлғон, чангал ўсган бир томонда.  
Яшар экан илон билан ари дўстдай,  
Илон гўшту, ари бўлса унга пўстдай.  
Қовоқ ари дўстин авраб илон бир кез,  
Дебди:- Найзанг санчиб жонивор пўстига тез.  
Кимнинг гўшти ширинлигин билиб келгил,  
Дўстим бўлсанг шу ишларни қилиб келгил.  
Ясанибди ари сафар кетмоқ учун,  
Топшириқни дарҳол адо этмоқ учун.  
Қанотларин ёзиб, тараб шайланибди,  
Неча иқлим, не жойларни айланибди.  
Қўнғиз гўшти сассиқ экан, ёқмабди ҳеч,  
Капалакни этсиз дебди, боқмабди ҳеч.  
Тошбақанинг пўсти қалин, ўтмай тиши,  
Типратикан билан сира бўлмай иши.  
Жон-жаҳди-ла бақа йўлин тўсган эмиш,  
Тишлаб кўриб варақ-варақ қусган эмиш.  
Сўнг қуённи ўрмонзорда қувлаганмиш,  
Қуён мазах қилиб дик-дик қувнаганмиш.  
Сўнг бўрини роса чақиб увлатибди,  
Эшакни ҳам бир ниш уриб қулатибди.  
Узоқ юриб, сарсон бўлиб қирма-қир у,  
Текширибди жонзотларни бирма-бир у.  
Энг охири одамзодни чаққан эмиш,  
Гўшти ширин, мазаси хўб ёққан эмиш.  
Шу заҳоти изига зуд қайтган эмиш.

Шоша-пиша учар экан енгил, чаққон  
Йўлда учраб сўз қотибди Қалдирғочхон:  
– Ҳой Аривой, қайдан, қайга, йўл бўлсин-ей,  
Мунча терга ботиб кетдинг, ёв ўлсин-ей.  
Ниятинг не, мунча бугун жонинг ҳалак,  
Осмонда сен бамисоли бир чархпалак?  
Ари тушгур соддамасми, талтайганмиш,  
Сирни айтиб қўйиб билмай қартайганмиш.  
«Одам гўштин тишлаб тўйдим», - деган эмиш,  
«Вой-вой, нима қилиб қўйдим», - деган эмиш.  
«Шўрим қурсин, йўлдан қолмай», - деган эмиш,  
«Илонвойдан тарсак олмай», - деган эмиш.  
Шунда уни авраганмиш хўп қалдирғоч:  
– Бир кўрсат-чи, қани ошнам, каттароқ оч.  
Ширин-шакар тилгинангдан сўрайчи бир.  
Одам гўштин таъмин тотиб кўрайчи бир.  
Ари қурғур лақмамасми, «хўп», деганмиш,  
«Мана тилим, учидан бир ўп», деганмиш.  
Очибди-ю оғзин додлаб қочган эмиш,  
Қалдирғоч бир тишлаб узиб олган эмиш.  
Одам гўштин килкиллаган тилгинасин,  
Тилгинаси нима-жонин дилгинасин.  
Бировларга қазимоқчи бўлиб қудуқ,  
Қовоқ ари шундай бўлиб қопти дудуқ.  
Тилсиз расво бўлиб қолган, заҳар эмиш,  
Аччиғидан ҳаммани «жиз» чақар эмиш.  
Тўнғиллармиш, тушунмасмиш биронта жон,  
На қалдирғоч, на тошбақа ва на илон.


## БАХТИЁРЛАР ҚЎШИҒИ

Қўли гул мард ёшларимиз,  
Улғаямиз бахтиёр.  
Она-Ватан қўйнида  
Не истасак бари бор.

Бу ўлкада баҳордек  
Яшаймиз эркин, қувноқ  
Каттакон оиланинг  
Фарзандлари дўст-иноқ.

Биримиз ёш пахтакор,  
Боббон, чўпон, қурувчи.  
Архитектор, бастакор,  
Рассом, шоир, ўқувчи.

Ер юзида тинчликнинг  
Енгилмас посбонимиз.  
Асраймиз куз нуридек  
Еримиз, осмонимиз.



*Набйрамнинг ўзи ширин,  
Ўзидан ҳам сўзи ширин.*

## **КЕЛАЖАГИ БУЮКМАН**

Эркинжон дерлар номим  
Ўзбекона каломим.  
Отам исми Истиқлол  
Менга берган бахт иқбол  
Онажоним Ҳуррият  
Қалбида эзгу ният.  
Бу кун элим қондошим  
Қутлар йигирма ёшим.  
Умид қуёшим порлар  
Эзгу ишларга чорлар  
Улуғ халқим бахтиман  
Ишончиман, аҳдиман  
Жон элимга суюкман  
Келажаги буюкман.

## **БЎЙИМ ЎСИБДИ**

– Ойижон, ойи, – дер  
Жажжи Оҳиста.  
Бўйим ўсибди-я,  
Қаранг бир пасда.  
Ҳайрон бўлманг тагин,  
Ҳаммасин билиб,  
Оёғим кўрпадан,  
Қолибди чиқиб.



## **ДОКТОР БЎЛАМАН**

Дилдора дер: – Дадажон,  
Катта бўлсам албатта,  
Сиздек доктор бўламан,  
Юраман оқ халатда.

Оғирми, енгилми дард,  
Тузатаман, чин сўзим.  
Фақат қилмайман укол,  
Чунки кўрқаман ўзим.

## **БОДРОҚ**

Бувим бодроқ қовурар,  
Қизарганин совурар.  
Чарс-чарс қилиб жўхори,  
Кўтарилар юқори.  
Бодраб-бодраб очилиб,  
Бирдан ипор сочилиб,  
Дастурхонга тушади,  
Укам териб шошади.  
Бувимга дер у шунда:  
Бўлди етар бугунга.

## **ТУТ**

Ҳовлимизда пишди тут,  
Оғиз тўла марварид.  
Баргин қоқма, туширма,  
Уни ейди ипак кўрт.

## **БОЛАЛАР АЙТИШУВИ**

Семиз нарса дунёда,  
Бизлар учун зиёда.  
Нима экан, топинг-чи?  
Ақл билан чопинг-чи?  
Биттамиз дедик: – Бу қўй,  
Қуй эмас, бу гапни қуй!  
Қуй нимадан семирар,  
Нима тишлаб кемирар?  
Уни ҳам ким боқади?  
Ҳаммага тенг ёқади?  
Роса ўйлаб, Ўткир дер:  
Албатта, бу она ер.

## **КИТОБ**

Оламга нур офтобдир,  
Одамга дур китобдир.  
Жаҳон сирин очади,  
Зиё нурин сочади.  
Дунё бўйлаб кезади,  
Ҳаёт нима сезади.  
Қайнар илм булоғи,  
Порлар доим чироғи.  
Китобни тут дўст, ўртоқ,  
Ҳаётинг бўлар порлоқ.

## **РИЗҚ**

Ерга сепилган бир дон,  
Дастурхонда азиз нон.  
Исроф қилма беҳуда,  
Меҳнати оғир жуда.  
Увол қилган қўр бўлар,  
Пешонаси шўр бўлар.

«Нондек азиз бўл» деган,  
«Нондек лазиз бўл» деган,  
Элнинг доно нақли бор,  
Нақли тўла ақли бор.  
Шунинг учун, эй ўртоқ,  
Ерда кўрдингми увоқ,  
Дарров териб кўзга сурт,  
Балли дейди она юрт.

### **ЭЪЗОЗАХОН ЭЪЗОЗДА**

Ўзи худди қўғирчоқ,  
Қора кўзлари мунчоқ,  
Исмидир Эъзозахон,  
Эъзозда ҳар он, ҳар чоқ.

Ада, опа дейолмас,  
Ҳали нанна ейолмас,  
Қорни очганда ҳай-ҳай,  
Кўз ёшларин тийолмас.

Киприги узун-узун,  
Тизилар юмса кўзин,  
Тинмай а-а, ба-ба дер,  
Тушунмас ҳеч ким сўзин.

Ҳозирча у юрмайди,  
Ҳатто ғоз-ғоз турмайди.  
Йиғласа бармоқ сўрар,  
Сўрғич берсанг сўрмайди.

Ўсмоқда энди қоши,  
Соғ бўлсин олтин боши,  
Қутлар бува, бувиси,  
Олти ой бўлди ёши.

## КУНДУЗ

«Олабўжи» деб Фурқат,  
Сингисини кўрқитар.  
Бундан онаси диққат,  
Булиб сўзин уқтирар.

– Шундай қилиб тунов кун,  
Укажонинг йиғлаб хун.  
Чиққанди алаҳсираб,  
Ухлаёлмай бутун тун.

Бўш келмай Фурқат дейди:  
– Билсангиз синглим Қундуз,  
Чўчиганда тун эди,  
Ҳозир ойижон кундуз.

## СОҒИНЧ

Марям бувим, отин бувим,  
Сўзлари бол, олтин бувим,  
Ҳикмат тўла сўзингизни,  
Меҳр тўла кўзингизни,  
Жуда-жуда соғиндим.

Кичкина камолингиз,  
Нур юзли жамолингиз,  
Иссиқ, юмшоқ қучоғингиз,  
Туганмас сўз булоғингиз,  
Жуда-жуда соғиндим.

Садарайҳон чаккангизда,  
Дока рўмол елкангизда,  
Сокин-сокин юришингиз,  
Қучоқ очиб туришингиз,  
Жуда-жуда соғиндим.

Қаймоқ, бодроқ, сузма, қуртни,  
Шинни бўлган балиқ тутни,  
Чупчак айтган кечаларни,  
Дала тупроқ кўчаларни,  
Жуда-жуда соғиндим.

Марям бувим, жоним бувим,  
Меҳри битмас коним бувим,  
Ширмой кулча юзингизни,  
Ширин-шакар сўзингизни,  
Жуда-жуда соғиндим.

### **ҚУШЛАР ДЎСТИМИЗ**

Саъва, булбул, қарқуноқ,  
Бари бизга дўст, иноқ.  
Келиб баҳор чоғида,  
Кўм-кўк лагерь боғида.  
Очар баҳринг сайрашиб,  
Учиб-қўниб яйрашиб,  
Нон ушоғин ейишар,  
Деҳқон қадрин билишар.  
Даладан ризқ кутишиб,  
Қурт-қумурсқа тутишиб,  
Ҳашаротни қиришар,  
Инсонни дўст билишар.  
Озор бермасанг қушлар,  
Доим қўнглингни хушлар.

## **ҚУДРАТЖОННИНГ БУЗОҒИ**

Қудратжоннинг бузоғи,  
Бўйнида кўк мунчоғи.  
Тунов кун эди ювош,  
Энди қарасанг бебош.  
Болаларни сузади,  
Ўйинларин бузади.  
Дадаси дер: -Эй ўғлон,  
Бузоқ нега сузағон?  
Шунда босиб ҳаяжон,  
Сўзлар секин Қудратжон:  
- Вақтли туриб эрталаб,  
Бузоқчамни эркалаб,  
Бошини силагандим,  
Сузишин билмагандим.

## **АЗИЗЖОННИНГ ТОЙЧОҒИ**

Азизжоннинг тойчоғи,  
Ёғочдан бош-оёғи.  
Гижинглаб ем емайди,  
Чанқаб, сув-пув демайди.  
Азиз миниб белига,  
Ва тушуниб феълига:  
- Яша дер, учқур тойчоқ,  
Ўйигитча бўлганим чоқ,  
Ўйнаймиз катта пойга,  
Етамиз ҳатто ойга.

## ИШОНЧ ҚОЛДИР

Ваъда берсанг бажар уни,  
Важ қилмагин уни-буни,  
Ёлғон сўзлаш ёмон одат,  
Кимда қолса шундай қолат,  
Бабурд, ношуд бўлиб қолар,  
Ёлғончилик номин олар.  
Ишонмаслар ҳеч сўзига,  
На сўзига, на ўзига,  
Шунинг учун ҳар бир дамда,  
Ишонч қолдир ҳар одамда.  
Ўйлаб сўз бер! Сўнгра ўртоқ,  
Сўз устидан чиққин тезроқ.

## БАРВАҚТ ТУР

Эринмай туриш барвақт,  
Одатинг бўлсин ҳар вақт.  
Қуёш каби эрта тур,  
Соф ҳавода чоп, югур.  
Кўп ухлаш танга зарар,  
Эрта уйғониб агар,  
Такрорласанг ўқишинг,  
Осон бўлар уқишинг.  
Зое кетмасин куним,  
Ишимда бўлсин унум,  
Бўлсин десанг файзим гар,  
Қичқирганда хўрозлар,  
Дик этиб тур ўрнингдан,  
Юзингни чай шудрингда.  
Эринмай туриш барвақт,  
Одатинг бўлсин ҳар вақт.

### **ФОЛБИН**

Боқивой дер мақтаниб,  
– Соқивой олар икки,  
– Фолбин бўлмай кет дея,  
Дустлари берар дакки.

Буни қаранг тескари,  
Чикди унинг сўзлари,  
Уятдан узилмади,  
Ерга қараб кўзлари.

Чунки беш олиб дарсда,  
Соқивой зап яшнади.  
Боқивой олиб икки,  
Бошгинасин қашлади.

### **ДАДАМ КАПИТАН**

Дадам уйда капитан,  
Ҳаммамизга жону тан.  
Солдат каби эрталаб,  
Турганда бизга талаб,  
Спорт билан чиниқиш  
Соф ҳавода тиниқиш.  
Тиш-қўлни ювиш тоза,  
Бўлишлик пок-покиза.  
Шошмай қилиш нонушта,  
Берар фойда ҳар ишда.  
Сафланди мана отряд,  
Дадам берарлар наряд:  
– Сенга ўғлим бундай иш,  
Сабзига ўра қазииш.  
Ошпаз Зикир ёқ олов,  
Дамла чойхона палов.  
Шуҳрат, сен молга қара,  
Терт қориб бер ва тара.



Сен, Шовкатжон, кенжатой,  
Бўш вақтингни бермай бой.  
Аввал дарсинг тайёрлаб,  
Кел сўнгра сувни бойлаб.  
Потинжон, гулни суғор,  
Рангида ташналик бор.  
Қизларга ҳам бор юмуш,  
Уй кўтариш, кир ювиш.  
Хўп, дея честь бериб биз,  
Тўртта ўғлон тўртта қиз.  
Меҳнатга киришамиз,  
Ютуққа эришамиз.  
Меҳнат қадрин биламиз,  
Уйни гулзор қиламиз.  
Шу бўлса керак сабаб,  
Дадам, ойим эркалаб,  
Бўлинг дерлар баркамол,  
Меҳнатдан топинг камол.

### **СОҒЛОМ АВЛОДСАН**

#### **Она:**

Улуғ аждодларга томирсан, қонсан,  
Фахр этгил бахтиёр, эркин, озодсан,  
Барчиной, Алпомиш мисли Фарҳодсан.  
Ҳам зукко, ҳам жасур соғлом авлодсан.

#### **Болалар:**

Она-юрт жонимиз ҳур эл бахтимиз,  
Ватанга садоқат собит аҳдимиз.

#### **Она:**

Сен буюк халқимнинг умид чароғи,  
Элу юрт ғурури суянган тоғи.  
Сен билан ободдир юртнинг ҳар ёғи,  
Сен борсан топталмас Ватан тупроғи.

**Болалар:**

Она-юрт жонимиз, ҳур эл бахтимиз,  
Ватанга садоқат собит аҳдимиз.

**Она:**

Тинмайин порласин эрклик қуёшинг,  
Эл қаро кўзингдур, ҳур Ватан қошинг.  
Ҳеч завол топмасин навқирон ёшинг,  
Бош бўлсин доимо доно юртбошинг.

**Болалар:**

Она-юрт жонимиз, ҳур эл бахтимиз,  
Ватанга садоқат собит аҳдимиз.

**ОДАМ ЧИРОЙИ НИМА?**

Суҳбатлашиб ўғил қиз  
Шуҳрат, Шавкат ҳам Ойқиз  
Дейишар ҳар кишининг  
Юзи, кўзи, тишининг  
Бари унга чиройми?  
Ё бошқа чирой борми?  
Шавкат дер одам қоши  
Шуҳрати ҳам бардоши,  
Курашда оловлиги  
Мақсади яловлиги  
Унга ажойиб ҳусн  
Ўзгартириб бир тусин.  
Ойқиз дер тўғри сўзинг  
Лекин ўйлаб кўр ўзинг  
Чирой кучдами танҳо  
Ақлга берсак баҳо  
Энг гўзал чирой эрур  
Фикримга зийнат берур.  
Менга киши чиройи  
Ҳамма чиройдан бойи  
Дер жажжи Абдумалик  
Фақатгина камтарлик.



Arzuq  
xakukam  
(Theca)

## АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

*Қатнашувчилар:*

- Лола – талаба  
Латофат – Лоланинг онаси  
Ихтиёр – талаба  
Осмонбек – Ихтиёрнинг отаси  
Ҳавохон – Ихтиёрнинг онаси  
Ҳилола – Лоланинг дугонаси

### 1-кўриниш

Серкатнов куча. Лола дугонаси Ҳилола билан қўлариди уй-рўзгор буюмлари, такси тўхтатмоқдалар. Машиналар эътибор бермай ўтмоқда, аммо кутилмаганда оппоқ “Жигули” машинаси уларнинг олдида тўхтади. Машинадан йигитча сўз қотади.

Ихтиёр: – Ҳорманг, барно қизлар, ҳаржлар кўп-ку, тўй яқинми дейман, куёв бола анча қийнаб қўйибди-ку.

Ҳилола: – Худди шундай йигитча, энди куёвдан айнаямиз, куёвинг бўлса машинали бўлсин экан.

Лола: – Қўйсанг-чи, Ҳилол, уялмайсанми, бегона йигит бўлса.

Ҳилола: – Соддалигингга борасан-да. «Лўлининг эшагини сугориб пулини ол» деганлар.

Ихтиёр: – Балки излаб юрган куёвингиз рўпарангизда тургандир.

Ҳилола: – Қаршимизда номаълум извошчидан бошқани кўрмаймиз.

Ихтиёр: – О, жуда шустрей экансиз. Ҳожатларини чиқарсам ўзимни бахтиёр ҳисоблардим. Маконлари қаерда, хоним?

Ҳилола: – Албатта сиз тарафда эмас, йўлларимиз бошқа-бошқа.

Ихтиёр: – Илтимос, хафа қилманг. (Қўлларидидаги сеткаларни олади).

Машина салони. Бир лаҳза сукутдан сўнг Ихтиёр магнитофон қулоғини бурайди. Унда қўшиқ янграйди.

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат,  
Лек ширин ёлгон ёмон.  
Шу ширин ёлгонга лекин  
Алданиб қолгон ёмон.*

Ихтиёр: – Қалай, зўрми?

Ҳилола: – Ҳа, ёлгончилар, икки юзламачилар ҳақида яхши айтилган.

Ихтиёр: – Ўзлари файласуфмилар?

Ҳилола: – Ҳаётни билиш учун олим бўлиш шарт эмас, турмушнинг ўзи сизни унвонсиз файласуф қилиб қўяди.

Ихтиёр: – (Лолага) Сиз бунга нима дейсиз?

Лола: – Шоир худди бошидан кечиргандек ёки шундай воқеанинг гувоҳи бўлгандек инсонлар дилини толиб ёзган. Тили бошқа-ю, дили бошқалар ҳаётда учрайди. Энг даҳшатлиси шуки, сени маҳдиё қилган гул табиий эмас сунъий, гўзал кўл эса шўр бўлиб чиқса.

Ихтиёр: – О, безподобно, қойил! Фикрларингизга юз процент қўшиламан. Ҳар ҳолда энди танишсак бўларди. Шундай доно фикрлар эгаларининг номларини билмай армонда қолмайлик. Каминанинг исмлари Ихтиёр, кечки нархоз институтининг талабаси ҳамда савдо ходими.

Ҳилола: – Исми Ҳилола, студентка.

Лола: – Лола, Ҳилола билан курсдошман.

Ихтиёр: – Очень приятно, Ҳилола, Лола. Бири ой, бири гул. Қофияни қаранг. Дарвоқе, (Лолага) сиз ҳақингизда янги қўшиқ тўқишибди, эшитдингизми?

Лола: – Йўқ.

Ихтиёр: – Номи ҳам Лола, шеърдаги тасвир худди ўзингиз. Наҳотки шундай қизни учратиш мумкин деб ўйлагандим. Шоир сизни билса керак, ҳойнаҳой.

Лола: – Шоирлардан танишим йўқ.

Ҳилола: – Ихтиёр, тўхтатинг, етиб келдик.

Ихтиёр: – Қўшиқни қачон эшитамиз энди, менга қиёмат қарз бўлмасин, ижозатингиз билан бир кун ташриф буюришга рухсат берсангиз.

Лола: – Қандай бўларкин?

Ихтиёр: – Мени олифта. енгилтак деб ўйламанг, қўшиқни севган кишининг қалби ҳам нозик бўлади. келишдикми?

Ҳилола: – Исмингизни жисмингизга мослаштира қолинг.

Ихтиёр: – Раҳмат, кўришгунча.

## II кўриниш.

Студентлар ётоқхонаси, Ҳилола ва Лола дарс билан машғул, эшик тақиллайди.

Ҳилола: – Ким у? Кираверинг эшик очиқ. (Эшик яна тақилмайди). Оббо, Лола, қара-чи, ким экан? (Лола эшиқни очади. Ихтиёр кўринади, қўлида магнитофон).

Лола: – Сизмндингиз?

Ихтиёр: – Салом, Лолахон.

Лола: – Салом, марҳамат киринг.

Ҳилола: – Салом бердик, ўз ихтиёрлари билан келдиларми?

Ихтиёр: – Худди шундай, ваъда олтиндан қиммат.

Лола: – Марҳамат, ўтиринг.

Ҳилола: – Ваъда баҳона бўлиб ният ўзгача бўлмасин тагин.

Ихтиёр: – Ўзлари файласуфми десам прокурорликдан ҳам хабарлари борми дейман, кўрқитманг.

Ҳилола: – Кўпроқ рентгенколог десангиз адашмай-сиз, сиз йигитларнинг юрагини очмасдан ҳам қай мақсадда уришини билиб оламиз. Қўшиқ баҳона дийдор ганимат, а?

Ихтиёр: – Тан бердик, қойил.

Ҳилола: – Уй эшиги очилди, демак, дил қулфи ҳам очилди, дегани эмас, бойвачча. Қиз қалби гулдек нозик бўлгани билан, тикани ҳам бор.

Ихтиёр: – Ҳилолаҳон дафъатан меҳмонга шаъма қилаётган бу сўзларингизга биров тушунмай қолдим.

Ҳилола: – Яхши отга бир қамчи... айтдим қўйдим-да. Лола, энди мен борай, кутиб қолгандир.

Ихтиёр: – О, ким экан, билсам бўладими?

Ҳилола: – Кўп нарсани билсангиз, сочдан айриласиз, «секрет фирми», соғ бўлинг (чиқиб кетади).

Ихтиёр: – Жуда ажойиб дугонангиз бор-да.

Лола: – Ҳа, унга ҳавас қиламан. Очиқ, тўғри сўз, ўзини бировга хафа қилдириб қўймайди, эркакшода дейишади уни.

Ихтиёр: – Аммо сиздаги латофат, камсуханлик, ипакдек одобингиз исмингизга монанд чиройингиз энг юксак қизлар намунасидир.

Лола: – Қўйинг, жуда мақтаб юбордингиз, бошқа қизларни ҳам шундай мақтов қиласизми?

Ихтиёр: – Муболағасиз, борини айтдим, холос. Аммо иккинчи марта сезяпман, негадир шахло кўзларингизда қулги ўрнини доимо маъюслик олган.

Лола: – Ҳар қанча ҳаракат қилмай, хаёл мени бир нуқтага қаратаверади. Бу севги, вафо, айрилиқ. Эшитишимча, онам отамни севиб турмуш қурганлар. Лекин севгидан ҳам устун келган шахсий манфаат, амалпарастлик, бир лаҳза енгил роҳат онамни айбсиз айбдор қилди, умрини ҳамон эговлаб келмоқда, фарзандини эса ота меҳридан жудо этди. Отамни ўйлаганимда барча эркаклар ҳам унга ўхшаш туюлади, турмуш қуришининг мазмуни йўқдек, пучдек кўринадименга.

Ихтиёр: – Отангиз...

Лола: – Отамни умуман кўрмаганман, онам қорнида қолган эканман. Онам болалар уйида тарбия топганларидан сўнг институтда таҳсил олган пайтлар отам билан танишган. Охир-оқибат, бир баҳона билан

бир амалдорнинг бир ўрилли бева қизига уйланган, дейишади. Шу шаҳарда яшар эмиш.

Ихтиёр: – Узр, мен сизни ранжитдим.

Лола: – Йўқ, асло, ҳақиқатни тўқдим, холос, сиз ҳам бу сирдан хабардор бўлганингиз мени хижолатга солмайди.

Ихтиёр: – Лолахон, аммо эркаклар ҳақидаги фикрингизга қўшила олмайман.

Лола: – Чунки сиз эркаксиз.

Ихтиёр: – Йўқ асло, ахир бу катта ҳаёт, инсон адашмасдан иложи йўқ. Бир йигит бир қиз билан боғланди дейлик. Дўстлашдилар. Аммо йиллар, муаммолар, ҳиссиётлар йигитнинг севгиси бу қизга нисбатан эмас, балки бошқа юракка муҳрабди. Наҳотки бу айб ҳисобланса?

Лола: – Мени тўғри тушунинг, агар йигит илк севгисига нисбатан муҳаббати етарли эмаслигини тушунса-ю, қўпол хатога йўл қўймаган тақдирдагина айб эмас. Аммо ҳимоясиз бир аёлни фақатгина ўз нафсини қондириш мақсадида тил учида севиш ва ундан воз кечиш ўта кетган қабиҳлик эмасми? Болалар уйда аввал Улуғ Ватан уруши йилларида ота-онасидан етим қолган болаларгина тарбия кўрарди. Ҳозир эса тирик етимларнинг саноғи йўқ.

Ихтиёр: – Бунга фақат эркаклар айбдормикан?

Лола: – Угина эмас. Ёшликнинг кайфу сафосидан кеча олмаган икки ёш сабаб, холос.

Ихтиёр: – О, о, Лолахон, ваъда ёддан кўтарилибди-ку, тингланг.

(Магнитофонда «Лола» қўшиғи янграйди. Қўшиқ давомида Ихтиёр ва Лоланинг бирга сайрлари кинолентада кўрсатилади).

*Исминг жисмингга монанд,  
Нозик бадан, эй лола,  
Гул бағри бўлди алвон.  
Рухсорингдан уёла.*



Паризодмисан жонон,  
Бир қарашинг этди лол.  
Мунчоқ ўрнигамикан,  
Юзингдаги доно хол.

Қора шахло кўзларинг,  
Дилим янчмоқ учунми?  
Сипоҳдек мужгонларинг,  
Бағрим санчмоқ учунми?

Нечун тушди нигоҳим?  
Ором, тинчим йўқолди.  
Ҳижрондан лола каби,  
Қалбим узра доғ қолди.

Қайдасан қоши ҳилол?  
Наҳот қайтмас ўша он,  
Кўз қарашинг бир кўрса,  
Шукурда қолмас армон.

*(Шаҳар боғи, баҳор. Ихтиёр ва Лола танҳо).*

Ихтиёр: – Лолахон, сиз билан танишганимизга унча кўп фурсат бўлгани йўқ, аммо бу вақт мен учун олтиндан қиммат бўлди, у ҳаётимда катта ўзгариш ясади.

Лола: – Наҳотки, кишининг маънавий дунёсини ўзгартириш учун бир умр ҳам етмаса керак, чунки «сут билан кирган жон билан чиқади».

Ихтиёр: – Сиз ҳақсиз, аммо дарахтнинг танаси қотмай туриб унинг мўртлигида тарбия этилса, эгиб қўйган тарафингизга қараб ўсади.

Лола: – Бу ёшдан иккимиз ўтдикми дейман, айниқса оилавий муҳит энди ўзгача қараш, фикрлаш учун...

Ихтиёр: – Йўл қўймайди, «қуш уясида кўрганини қилади» демоқчимисиз, шундайми?

Лола: – Илтимос, сўзимни тўғри тушунинг.

Ихтиёр: – Хижолат бўлманг, ўқ нишонга тегди. Авваллари эътиборсиз эдим. Ҳаттоки ғойибдан яратиб

берилаётган ютуқларимдан фахрланар эдим. Ҳаёт ми-соли сокин, тиниқ денгиз эди хаёлимда, унинг бўрон-ларию, туби билан асло қизиқмасдим. Ҳали ҳам бу қар-шиликларга дуч келганим йўқ, аммо дилим буни сез-япти, яккалашиб қолаётганга ўхшайман. Фарзанддан ота-онанг қанча мулк қолдирди деб эмас, балки эл учун қандай ном қолдирди деб суриштирар эканлар. Мен ота-онамдан нолишга ҳаққим йўқ, бироқ уларга бе-рилган баҳонинг кучи узоқ авлодларгача таъсирини кўрсатади.

Лола: – Демак, мен ҳам шу ҳукмга маҳкум экан-ман-да?

Ихтиёр: – Йўқ, йўқ, бу тақдир хатоси. Лолахон сиз-даги барча ижобий хислатлар мени жиддий ўйлашга, ҳар бир қарични етти ўлчаб бир кесишга ўргатди. Бун-га ўзим ҳам ҳайронман, гўё сеҳрланган одамдай. Ишо-нинг жонгинам, балки мен сизнинг тенгингиз эмасдир-ман, аммо энди ҳаётимни сизсиз тасаввур қилолмай-ман.

Лола: – Аксинча, мен сизга тенг келолмасам керак.

Ихтиёр: – Нима учун, Лолахон?

Лола: – Иккимиз ҳаёт ҳақида фалсафа пружинаси-ни хоҳлаганча чўзишимиз мумкин. Аммо у маромига етгач, мустаҳкамланмаса, ўзингга қайтиб тегиб май-иб қилади.

Ихтиёр: – Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, тоққа чиқмасанг дўлана қайда, жон кўйдирмасанг жонона.

Лола: – Муҳаббат қурбонсиз бўлмайди ҳам дерсиз.

Ихтиёр: – Ҳа!

Лола: – Эҳ, Ихтиёр, ўйлаган орзу-ният ҳар доим бир текис амалга ошавермайди. Мен деб сиз ота-онангиз меҳридан жудо бўлишингиз мумкин, чунки улар эъти-қодидаги тенглик, орзу-ҳавас шиорини ўчириб таш-лаш асло мумкин эмас. Оқибатда эса яна катталар эмас биз ёшлар айбдор бўлиб қоламиз. Мен буни асло хоҳ-ламайман.

Ихтиёр – Мана кўрасиз, сих ҳам, кабоб ҳам куймайди.

Лола (жим).

Ихтиёр: – Ишонинг менга.

### III кўриниш.

Ихтиёрнинг уйи. Отаси ва онаси билан овқатланишмоқда.

Ихтиёр: – Менга рухсат, лекцияга кеч қолмай.

Осмонбек: – Ўғлим, ахир бугун чоршанба-ку.

Ихтиёр: – Ҳа, тўғри, аммо бугунга консультация ташкил этилган.

Осмонбек – Яхши, бўлмаса бир дақиқа сабр қил, гап бор. Ўзингга маълум, ишлаш кундан-кунга оғирлашиб, тирикчилик ўтказиш мушкуллашмоқда, таниш-билиш ҳам бор нарсани ҳал этишга ожиз бўлиб қолмоқда. Хуллас, замон оғир бўлиб қолди. Онанг билан ягона мақсадимиз сен бахтиёр бўлсанг, турмушда камчиликсиз яшасанг деймиз. Ойлик билан бирор нарса орттириш, ўйлаган орзуни амалга ошириш амри маҳол. Яхшиямки, бахтимизга Олтинбек Давлатович бор эканлар. Ҳозиргача минг шукр, ҳеч ким мушугимизни пишт демайди, паноҳларидамиз.

Ихтиёр: – Мақсадингизни тушундим, дада.

Осмонбек: – Баракалла ўғлим. Тушунган бўлсанг, онанг тўй тараддудини кўраверсин. Гуля ҳам чиройли қиз, оилада ягона фарзанд, уй давлатга танҳо меросхўр. Эрка куёв, севимли ўғил бўлиб юрасан, насиб этса. Э, э, бахтинг бор экан ўғлим, Олтинбек ака тўй куни «Газ-24»нинг калитини топширмоқчи сенга.

Ҳавохон: – Қуни-кеча бўлажак қудамизни кўриб қолдим. Фарзандларимизнинг бир-бирига қўнғил қўйганларини бир неча йилки маҳалла-қўй, қариндошуруғ билади, қолаверса, акангизнинг амаллари борида тезроқ тўйни ўтказиб олсак, деб шаъма қилдилар.

Ихтиёр: – Дада, ойи, ғамхўрлигингиз учун раҳмат.

Осмонбек: – Вазифамиз, бурчимиз.

Ихтиёр: – Аммо бировнинг саройида шаҳзода номини олиб қул бўлиб бахт топишни хоҳламайман. Назаримда, бундай бахт вақтинча ясатилган арчага ўхшайди.

Осмонбек: – Тушунмадим, очиқроқ гапирсанг-чи ўғлим.

Ихтиёр: – Қисқаси, Гуля билан тўйимиз бўлмайди.

Ҳавохон: – Вой ўлай, нега?

Осмонбек: – Сен бирпас жим бўл, ваҳима солма. «Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур». Кўпдан бери сезиб юргандим ўзи. Оқшомлари қаерга боряпсан?

Ихтиёр: – Институтга.

Осмонбек: – Тўғрироғи, ётоқхонага, ўша ерда сабоқ оляпман дегин? Ким у сени ўқитаётган домла?

Ихтиёр: – Билиб туриб нега сўрайсиз бўлмаса?

Осмонбек: – Йигитларга кўзини қисиб тузоғига илинтирадиган овчига йўлиқибсан, бола!

Ихтиёр: – Йўқ, у ундай эмас.

Осмонбек: – Бекорга айтмайдилар, аёллар макридан қўрқ деб. Агар ғунажин кўзини сузмаса...

Ихтиёр: – Дада, билмаган, синамаган одамга бундай баҳо беришга қандай тилингиз борди?

Ҳавохон: – Ихтиёр, ўзингни бос.

Осмонбек: – Ё тавба, у шум овчи бўйнингга сиртмоқ солиб, ўз тарафига тортиб бўлибди-ку, ҳатто мендан кечишга тайёрсан.

Ҳавохон: – Ихтиёр дарров кечирим сўра.

Ихтиёр: – Нима учун, тухмат сўзлар учунми?

Ҳавохон: – Сени едириб, ичириб, кийинтириб, одам қилгани учун.

Ихтиёр: – Ҳа сиз ҳақсиз, берган маънавий озуқалари менга ҳеч қачон ҳазм бўлган эмас.

Осмонбек: – Энди пуф сассиқ бўлдикми сизга, биз берган таълим сизга ёқмай қолдимиз? Ақлли бўлиб қолдингизми?

Ҳавохон: – Дадаси, ўзингизни босинг.

Осмонбек: – Энди ўзизча сиз ҳалолу биз нопок, сиз доно-ю, биз аҳмоқ, сиз пролетару биз феодалми?

Хавоҳон: – Нервничит қилманг, давлениянгиз ошиб кетади.

Осмонбек: – Нарн тур, асли бунга сен айбдорсан, сенинг дарсинг бу. (Ихтиёрга) Хўш, мактабда 3 баҳога зўрга ўқиб «олтин медаль» олдингиз, институтга кирдингиз, дипломни олмай туриб катта бир савдо ташкилотида директор ўринбосарисиз, ҳали бир тийин сарф этмай икки марта машина алмаштирдингиз. Нега энди пок-покиза бўлсангиз буларни рад этмадингиз, а?

Ихтиёр: – Иродам бўшлиқ қилган, ёшлиқ қилдим. Хатоларга индамаганим учун ҳам кўп дўстларимдан айрилдим, улар менга ишонмай қўйдилар, чунки орқамда фақат суянчиқ ... энди кўзим мошдек очилди.

Осмонбек: – Ўша зоти паст кўзингни очдими?

Ихтиёр: – Сиздан яна илтимос қиламан, ҳақорат қилманг!

Осмонбек: – Отасининг тайини йўқ бу манжалақи нима бера олади сенга, нодон. Ҳақиқий севги, тенглик, ҳалоллик деган сўзлар исботини кўрмадинг ҳали ҳаётда, бари сафсата.

Ихтиёр: – Ҳаётни чуқур ҳис этганим йўқ, аммо бу қизнинг отасиз ўсишига ким айбдор, наҳотки онаси. Нима учун вақтинча ўз фароғатини ўйлаб фарзандидан ҳам кечган отани айбламайсиз.

Хавоҳон: – Нима деб валдираяпсан, қандай тилинг борди?

Ихтиёр: – Андиша пардасини йиртиб ташлашга журъат йўл қўймас эди. Онажон тўққиз ой юрагингиз қатида сақладингиз, балоғатга етказдингиз, аммо қонидан томиримга қуйилган покиза инсон каби нима учун ҳақиқатгўй бўлишимга, унинг меҳридан чанқоқ қолдирдингиз. Унинг айби оддий, ўртаҳол бўлганлиги учунми? Аммо севгиси пок ва буюк эди-ку. Наҳотки, унинг олий хислатларидан кўра қашшоқ омонат бахтни афзал кўрддингиз?

Ҳавоҳон: – Эй худойим, бу қандай шармандалик?

Осмонбек: – Бас қил! Бу аҳмоқона фалсафани қайси падари лаънатдан ўргандинг? Нима учун шунча вақт Гуля билан қўлтиқлашиб юрдинг?

Ихтиёр: – Ҳа, бунга иқрорман, муҳаббатни юзаки тушунардим. У уйин-кулги, айш-ишрат деб ўйлардим. Аммо Лолани илк бор кўрганимда, айниқса, «ёлғончи» ҳақидаги ашула миямга ток ургандек бўлди, ҳушёр торттирди. Лола юзидаги маъюслик ундаги йигитларга нисбатан ишончсизлик мени иркит фикрлардан қайтарди, юрагим ҳақиқий севгини ҳис этди, мен уни бахтиёр қилишга аҳд қилдим, токи у ҳаёт фақат бевафолардан ташкил топмаганлигига ишонч ҳосил қилсин.

Осмонбек: – «Бахтиёр қилишга аҳд қилдим» эмиш. Ниманг билан бахтиёр қилмоқчисан? Гулядан айрилсанг барча нарсадан - дўстларингдан, хизматдан айрилдим деявер, «оч баччағардан қоч баччағар» дейишади. Биздан ҳам мурувват кутма, ўша доно қондошинг олдига борасан!

Ҳавоҳон: – Вой ўлай, дадаси, нима деяпсиз? Бу кунимдан кўра ер ютса бўлмайдимми? Ихтиёр, жон ўғлим, адашдим дегин, ёлбораман, болам, ахир сени ёмон бўлдемаймиз-ку, бахтингни тилаймиз, холос.

Ихтиёр: – Бахтиёр бўламан деб савдойи деган номни олмаган маъқул.

Ҳавоҳон: – Нима уйланган одам савдойи бўлиб қолар эканми?

Ихтиёр: – Ўзи бўлишини хоҳламаса ҳам айримлар ўз-ўзидан бўлдириб қўяр эканлар.

Ҳавоҳон: – Жумбоқли гапларни гапиришни кимдан ўргандинг? Очқроқ гапирсанг-чи!

Ихтиёр: – Мен тенги Мусо деган йигитни танир эдим. У илмий ходим бўлиб бир бева аёлнинг уйида ижарада турар эди. Ён қўшни ҳовлида бир машҳур прокурор оиласи яшарди. Прокурорнинг Зуля деган ягона қизи бор эди. Зуля энгилтак, дадаси олиб берган машинада

кеча-кундуз кампанияси билан сайрдан бўшамас эди. Нима бўлди-ю Зуля Мусога турмушга чиқармиш деган гапни эшитдик, ҳайрон бўлдик, чунки у бир чет элик студент йигит билан юарди. Ҳақиқатдан одамларнинг миш-миши тўғри чиқиб унинг Мусо билан тўйлари бўлди. Бир ҳафта ўтгач, йигитни жиннихонага олиб кетишди деган даракни эшитдик. Мусо аввалдан руҳий касал экан, деб гап ҳам тарқалди. Аслида эса Мусо Зулянинг кўпдан бери ҳомиладор эканини, унинг ва отасининг тузоғига илинганини сезиб қолиб, улардан балога қолган экан.

Осмонбек: – Топган ҳикоясини қара буни, ё тавба!

Ҳавоҳон: – Онажон, наҳотки ўғлингизни суянчиқсиз ўзига бахт тополмайди, яшолмайди, бу уйдаги ҳаётдан бошқа ҳаёт ғариб деб ўйлайсиз? На қариндошдан, на дўстлар, на кўни-кўшнилар қадами босилмайдиган бу совуқ кошонанинг кимга кераги бор? Инсон учун ишлатилмайдиган тилла, биллур идишлару, ҳаттоки бизнинг пойимиз тегмаган алвон гиламлар не учун? Бу жим-жит, қабристонга ўхшаш макондан, кеча-кундуз бола-чақа ғовури, дўстлар гурунги янграйдиган кулба афзал эмасми?

Осмонбек: – Ё тавба, тушумми, ўнгимми? Бу ўша Ихтиёрми?

Ихтиёр: – Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. 5-синфда ўқир эдим. Одатдагидек сиз билан ошхонада тушки овқат қилардик, шошилардим, аммо овқатни емагунимча сиз рухсат бермас эдингиз. Синфдошим Фарруҳ мени кутавериб бизнинг олдимизга кириб келди. Чойга таклиф қилиш у ёқда турсин, ҳатто унинг саломига зўрға алик олдингиз, сабаби...

Ҳавоҳон: – Ихтиёр...

Ихтиёр: – Энг даҳшатлиси, мен сиздан унга овқат сузиб беришни илтимос қилдим, сиз эса «аввал сен ичиб бўл, косанга сузиб келаман, ҳамма идиш юқ бўлмасин» деб жавоб бердингиз.

Ҳавоҳон: – Ўғлим, бас қил!

Осмонбек: – Йўқ, бир бало бўлган бу ўғлингга, ё жинпин урган, ё ўша жодугар иссиқ-совуқ билан бошини айлантирган. Бу қилиқлари ҳақиқий телбанинг иши, соғ эмас бунинг, даволатиш керак.

Ихтиёр: – Раҳмат, хайр.

Ҳавохон: – Қаерга? Тўхта!

Ихтиёр: – Даво излаб, врачга.

Ҳавохон: – Ўғлим (йиғлайди).

Осмонбек: – Энди нима бўлади? Наҳотки ҳаммаси тамом, амал ҳам, давлат ҳам, Олтинбек ака ҳам йўқ! А? Йўқ-йўқ, игна билан қудуқ қазиб энди осонликча уни кўмадиган аҳмоқ йўқ. (Ҳавохонга) Ҳаммасига сен айбдорсан! У билан учрашмасин дедим, рухсат бердинг, боримни сарф этиб уни одам қилганимда «бегона», «ўгай» бўлдимми? Шунини айтар эканларда «югурганники эмас, буюрганники», «сув келтирган хору, кўза синдирган азиз» деб. Биринчи муҳаббатингиз олийжанобу биз пасткашмиз унинг олдида.

Ҳавохон: – Энди мен гуноҳкор бўлдимми? Ширин сўзингизга учиб ундан кечганимми? Ҳозир ҳам отамнинг давлати билан керилиб юрибсиз. Сизни Ихтиёр қизиқтирмайди, чунки у сизга керакмас. У баҳонасида амалингизни, обрўйингизни мустаҳкамлаб олмоқчисиз, унда сизнинг қонингиз бўлса ички куёвликка рози бўлармидингиз, ўлақолсангиз ҳам.

Осмонбек: – Эҳ нодон, нима фарқи бор? Ўғлингни олиб келиб тузлар эдингми? Энг муҳими, бир тиш дарз кетмасин, кетдими тамом, ҳаммасига зарб беради. Қандай бўлмасин, бутунги тўлқиннинг олдини олиш керак, унга тўғон яшаш керак, токи ундан ҳам буюк куч борлигига ўғлинг ишонч ҳосил этсин. Аксинча, бу тўлқин ўзига илинтириб охири қирғоққа суриб ташлайди, қирғоқда эса фақат қурийсан, холос.



IV кўриниш.

Ётоқхона. Лола бир ўзи радиодан ҳинд қушиқларини тинглаб ўтирибди. Эшик тақиллайди.

Лола: – Кираверинг.

Осмонбек: – Мумкинми, қизим?

Лола: – (Ўрнидан туради) Марҳамат, ассалому алайкум.

Осмонбек: – Ваалайкум ассалом, кечирасиз қизим, менга Лолахон керак эдилар.

Лола: – Бу мен. (Осмонбек унга узоқ, ҳайратомуз тикилади). (Ўзига) ё тавба, худди ўзи-я, наҳотки одам шунчалик бир-бирига ўхшаса. (Лолага) Сизнинг чиройли хулқу одобингиздан Лолахон шу қиз бўлса керак деб ўйлагандим, адашмапман.

Лола: – Марҳамат, ўтиринг. Мен ҳозир чой қўйиб юбораман.

Осмонбек: – Йўқ, йўқ, овора бўлманг жон қизим, мен сиз билан бир дақиқа бир масалада маслаҳатлашиб олмоқчи эдим.

Лола: – Мен билан-а?

Осмонбек: – Ҳа сиз билан. Ўзимни таништирай, мен Ихтиёрнинг отаси Осмонбекман.

Лола: – Тинчликми?

Осмонбек: – Ҳа тинчлик, омонлик. Қизим мен сиз ҳақингизда фақат яхши гапларни эшитдим. Айниқса, сиз каби онанинг ҳурматини жойига қўядиган фарзандлар ҳеч қачон кам бўлмайди, бу масалада Ихтиёр ҳам сиздан ўрнак олса ёмон бўлмайди. Ўқиш ҳам битай деб қолдими? Режаларингиз...

Лола: – Ўқишим битгач, орзуим онамлар ёнида меҳнат қилсам, уларга қанот бўлсам...

Осмонбек: – Баракалла, бу ҳақиқий инсонийлик, фарзандлик бурчи. Айримлар униб-ўсган жойларини ташлаб катта шаҳарларда яшашни орзу қиладилар. Булар маишатда, ота-оналари эса хору зор.

Лола: – Мен ҳам аспирантурада қолиб ўқишни жуда-жуда хоҳлайман, аммо онам ёлғиз, уйда эркак-сиз...

Осмонбек: – Ҳа, тушундим, отангиз номардлик қилганини ҳам эшитдим. Фарзанднинг кўз ёши си ундайларни албатта жазосиз қўймайди, ишонинг менга, ҳа! Оппоқ қизим, она олдига фарзанднинг покиза қалб билан бориши уни янада бахтиёр қилади, аммо акси бўлса-чи, уни бадном этади.

Лола: – Гапингизга тушмандим.

Осмонбек: – Доно қизим, бу ерни шаҳар дейдилар. Бу ерда виждонини жиғилдонга алмаштирганлар кўп, айниқса йигитлар. Улар содда қизларни йўлдан уриб бир умрга бебахт қилишдан заррача қўрқмайдилар.

Лола: – Кечирасиз, кимни назарда тутаяпсиз?

Осмонбек: – Жон қизим, мени тўғри тушунинг, мен фақат сизнинг номусингиз ҳозирдек мусаффо бўлиб қолишини истайман, онангизнинг тақдири такрорланмасин дейман. Шунинг учун ҳам, қанчалик оғир бўлмасин, Ихтиёр ҳақида айтмоқчиман.

Лола: – Наҳотки ўғлингиз ҳақида ёмон фикрларга борсангиз, ишонмайман.

Осмонбек: – Бу табиий, чунки уни чуқур билмайсиз, фақат сўзларидан баҳо берасиз, унга?

Лола: – Ҳа, мен отасиз ўсдим, менда эркак зотига нисбатан ишончсизлик туғилган эди. Аммо Ихтиёр бу доғни ювгандек бўлди. Ҳаётга нисбатан сўнаётган умидсизлик алангасини яна ёндирди. Мен унинг қалбида самимийлик, одамийлик, тўғрилиқ ва оддийликни сездим.

Осмонбек: – Сезиш, ҳис этиш бошқа. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, улар ўз шум ниятларини амалга оширгунларича ўзларини ҳалимдек юмшоқ, бузоқнинг ҳақиқага хиёнат қилмайдиган қилиб кўрсатадилар. Оқибатда эса...

Лола: – Негадир юрагим бу сўзларни қабул қилма-  
япти.

Осмонбек: – Бу содда, соф дилингиз сеҳрланган, ам-  
мо ишонинг, турмушнинг аччиғини тотавериб дилим-  
да яра пайдо бўлган, унга малҳам тополмай руҳ хас-  
талигини бошидан ўтказган киши айтаяпти бу сўзлар-  
ни сизга.

Лола: – Нима қилгин дейсиз?

Осмонбек: – Албатта, дафъатан у билан кўнгиш риш-  
таларини узиш қийин, лекин сиз ундан ўзингизни со-  
вутинг.

Лола: – Йўқ, мен ҳақиқатнинг тубига етмагунча виж-  
доним бунга йўл қўймайди.

Осмонбек: – Сизни ранжитмоқчи эмас эдим, бўл-  
маса эшитинг. Агар у сиз айтганча соф бўлса, нечун у  
ирода билан бошқа бир қизни бир неча йилдан бери  
севишини, ҳатто никоҳ арафасида турганини айтма-  
ди?

Лола: – Нима? Никоҳ, бошқа қиз, қандай кўргулик?  
*(Ихтиёрнинг илк учрашувдаги сўзларини эслайди).*

Ихтиёр: – «Инсон адашмасдан иложи йўқ. Бир йи-  
гит бир қиз билан боғланди, дейлик. Дўстлашдилар,  
аммо йиллар муаммолар, ҳиссиётлар йигитнинг сев-  
гиси бу қизга нисбатан эмас, балки бошқа юракка  
муҳрлайди. Наҳотки бу айб ҳисобланса?».

Лола: – (Ҳаёлан такрорлайди) наҳотки бу айб ҳисоб-  
ланса?

Осмонбек: – Лаббай, тушунмадим?

Лола: – Етар энди, Ихтиёр ўз виждони олдида жа-  
воб берсин. Севги у кўлдан бу кўлга ўтадиган ўйинчоқ  
эмаслигини исбот қиламан, токи бошқаларга ўрناق  
бўлсин.

Осмонбек: – Нима, ҳали сиз ўз умидингизда қола-  
сизми?

Лола: – Ҳа!

Осмонбек: – Энди барчаси аён, ҳамма иллат ўзин-  
гизда экан. Сенинг ниятинг маълум. Ўғлимнинг боши-

ни айлантириб, менинг данғиллама уй-жойимга, бир умр ишлаб тўплаган бойлигимга малика бўлмоқчимисан, а?

Лола: – Илтимос, бас қилинг!

Осмонбек: – Сендек устамонларни маслаҳатчи жодугар оналарни ҳам кўп кўрганман. Бундай ҳийланайрангларинг эса менинг чўнтагимдан тушиб қолган. Ҳа, Ихтиёр қандайдир ҳаробага эмас, балки қошонага, бевага эмас, бойвучча онага куёв бўлади, тушундингми нодон қиз! *(У ўрнидан туради, эшикни очмоқчи бўлади, бироқ Лоланинг онаси кўринади).*

Латофат: – Лола, қизим.

Лола: – Онажон (бағрига отилади). Латофат, сен...

Осмонбек: – Ҳа, бу мен. Демак, Ло-ла...

Латофат: – Афсуски шундай, афсуски, аччиқ ҳақиқат. *(Осмонбек кетади, Ихтиёр, Ҳилола кирадилар).* Лола, онажон!

Ихтиёр: – Лола, онажон!

### *Парда. Тамом*

1988 йил январь, Москва.

## ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Мен Шукурулла Тоир ўгли Дадашев 1949 йилнинг 1 январида Тошкент шаҳрининг Чилонзор маҳалласида маорифчилар оиласида таваллуд топдим. Отам Тоир Дадаш ўгли бутун мазмунли умрини маърифатга - инсонларга билим зиёсини тарқатишдек шарафли ишга бағишлаган инсон эдилар. Бу олийжаноб инсон пойтахт аҳли ўртасида шаҳар маорифчиларининг дарғаси, сардори сифатида машҳур эдилар. Одамлар Тоир Дадашев деганда ўзининг ниҳоятда одамийлиги, ўта камтарлиги, ҳалоллиги, ўз касбига фидойилиги, меҳнатсеварлиги билан эл орасида обрў қозонган инсонни ҳурмат билан тилга олар эдилар. Айниқса, раҳбар сифатида инсонларга қилган беминнат, холис хизматлари, ўз қўли остидаги ходимлар ва шогирдларга кўрсатган беғараз ғамхўрликлари таҳсинга сазовор эди.

Онам Ақида Тошпўлат қизи оддий, камсуқум, зийрак, болажон, ўта фаросатли, ўз жигарлари ва танишбилишларга жонкуяр, ташкилотчи аёл эдилар. Оддий деҳқон оиласидан чиққан бўлишларига қарамай мактабни аъло баҳоларга тугатиб оғир шароитларга бардош бериб, билимга чанқоқликлари туфайли ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар. Тўрт ўғил, тўрт қизнинг вояга етишишида, олий маълумотга эга бўлишида, ҳаётда ўз йўлини топишида отам ва, айниқса, онамининг чеккан заҳматлари ва меҳнатлари алоҳида ўринга эгадир. Волидам ўттиз йил мобайнида болалар боғчасида оддий тарбиячи бўлиб фаолият кўрсатганлар.

Жаннатмакон қиблагоҳим ва меҳрибон волидам бизлар учун ибрат мактаби бўлибгина қолмай ўзларининг халққа қилган эзгу ишлари билан яхши ном қозонишлари ҳаётдаги йўлимизнинг кўк чироғини ёқиб, мазмунли турмуш тарзимизга пойдевор қўйиб кетган эдилар. Биз фарзандлар бундан умрбод миннатдор-миз.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимдаёқ менинг қалбимда адабиётга, шеъриятга бўлган ҳавас уйғона бошлаган эди. Қўлимга ижод қаламини олишимга қуйидаги омиллар туртки бўлган бўлса ажабмас.

Ўтган асрнинг 1962 йили, ўқувчилик пайтим эди. Бир неча йиллар давомида тўшакка миҳланиб ётган, сўнгги кунларигача мен билан бир хонада яшаган, меҳрибон Меҳринисо бувим вафот этган эдилар. Бу воқеа менга қаттиқ таъсир этиб «Бувижонимга» деган шеър битдим ва дадамга ўқиб бердим. Дадам уни кўздан кечириб: «Машқинг шеър қоидаларига жуда мос бўлмаса ҳам мазмуни чакки эмас», деб эртасигаёқ мени Соғбон кўчасида жойлашган А.Набиев номидаги болалар ижодиёт уйига етаклаб олиб бордилар. У ерда «Ёш қаламкашлар» тўгараги фаолият кўрсатарди. Унинг раҳбари, болаларнинг севимли шоири Қуддус Муҳаммадийдан шеъриятнинг илк сабоғини ола бошладим. Ўзбекистон халқ шоири Қуддус ака қалби беғубор, содда, болалар каби қувноқ, серғайрат инсон эдилар.

Иккинчи сабаб болалик йилларимнинг кўпгина қисмини «Дўмбираобод» қишлоғидаги Марям отин бувимнинг қўрғонларида ўтказардим. Қўрғон атрофи кенг бедазор дала, ўрикзор, олмазор, токзорлардан ва катта ҳовуздан иборат эди. Сал нарида «Қонқус» анҳори шиддат билан оқарди, ёзнинг чилласида йўллардаги билиқ-билиқ тупроқлар қизиб оёқларни куйдирар эди. Ой тўлган оқшомларда бувим атрофи гулбеорлар экилган, райҳонлар ҳиди анқиб турган супа устида менга турли эртақларни сўзлардилар. «Төҳир ва Зуҳра» достонини қандайдир хазин овоз билан хиргойи қилиб айтиб берар, Навоий, Ҳазиний, Ҳувайдо, Машраб каби мумтоз шоирларнинг ғазалларидан ёд ўқирдилар.

Отин бувим айтиб берган айрим эртақлар асосида кейинчалик бир қанча достон, эртақлар битдим, улар-

нинг хотираларини ёд этиб «Бувимнинг эртаклари» номли китоб чоп этдим.

Биринчи шеърим 1965 йилда «Ўлкамда баҳор» номи билан «Ленин Учқуни» (Тонг Юлдузи) газетасида босилиб чиқди. Шундан сўнг машқларим «Гулхан», «Фунча», «Ўқитувчилар газетаси» («Маърифат»), «Ёш Ленинчи» («Туркистон») газета ва журналларида кўрина бошлади.

Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётига ўқишга қабул қилиндим. Факультетимиздаги шоир Ўткир Рашид раҳбарлик қилган тўгаракнинг фаол аъзоси бўлдим. Шу билан бирга болалар ижодиёт уйидаги тўгаракни ҳам тарк этмай ҳафтада бир марта иқтидорли ёш шоир Абдулла Ориповдан шеърини сирларидан сабоқ ола бошладим.

«Талабалик-олтин давр» дейишарди. Ҳақиқатдан ҳам бу йиллар мен учун ўчмас хотира йиллари бўлиб қолди. Севимли шоиримиз Хайридин Салоҳ Республика муаллимлар газетасида менга оқ фотиҳа бердилар. Уларнинг маслаҳат ва тавсиялари билан энди шеърларим Шукур Дадаш номи билан чиқа бошлади. «Журналистлар қироли» деб ном олган, ҳассос, лирик шоир Султон Акбарий эса менинг ижодимга оид ўзларининг дил сўзларини «Тошкент Оқшоми» газетаси орқали изҳор этдилар.

Бир куни устоз Султон Акбарий талабалар ҳаётидан бир дoston ёзишни тавсия этиб тахминий сюжетини ҳам сўзлаб бердилар. Бир неча ойдан сўнг «Тенгқурларим» номли дoston тайёр бўлгач, Султон ака бироз таҳрир қилиб, асарни «Шарқ Юлдузи» журнаliga беришни маслаҳат бердилар ва «Шукуржон ҳеч тортинмай таҳририятга бораверинг, журнал муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом ёшларга ён босадиган, ажойиб инсон» – дедилар. Ҳақиқатдан ҳам устоз айтганларидек, қад қомати келишган, салобат-

ли, катта салоҳиятга эга, сўзлаганда нафақат лаблари, балки меҳрли кўзлари ҳам кулиб турадиган арбобларга хос бу инсон тушимга кирмаган орзуни рўёбга чиқардилар. Институтни битириш йили, яъни 1970 йилда журналнинг биринчи бетида «Янги номлар» рукни билан уч юз сатрдан иборат дostonим босилган эди. Бир оз вақт ўтгач, ушбу асар Ўзбекистон телевидениесига инценеровка қилинди.

Инсон бўлган сари бўлай дер экан. Бир вақтлар шоир ва ёзувчиларнинг асарларини матбуотда кўриб: «Қани энди менинг ҳам шеърларим газета ва журналларда босилса» деб орзу қилиб ниятимга етган бўлсам энди китоб чоп этиш ҳаёлида бўлиб қолдим. Катталарга ёзган шеърларим ва бир дostonим жамланиб мўъжазгина тўплам бўлди ва тўнғич китобим 1978 йилда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Тенқурларим» номи билан нашр этилди. Шундан сўнгра «Ёш Гвардия», «Ўқитувчи» нашриётларида ҳам бир қанча тўпламларим чоп этила бошланди. Бу ютуқларга эришишимда менга ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган, самимий кўмаklarини аямаган тажрибали ижодкорлар Пўлат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулазиз Ваҳобов, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Тўлқин каби устозлардан бир умр миннатдорман.

Журналистика ҳам севимли машғулотларимдан бири бўлиб, бу йўналишда ҳам баҳоли-қудрат қалам тебратдим. Бу борада мен устозим Султон Акбарийнинг бади ва мақолаларидан илҳомлангандим. Публицистик мақолаларим билан асосан «Тошкент Оқшони», «Маърифат» газеталарида фаол қатнашдим. Журналистика фидойилари, таниқли журналистлар Солиҳ Ёқубов, Темур Убайдулло, Эркин Эрназаров, Акмал Акрамов, Саъдулла Ҳаким, Халим Саидовлар билан яқин мулоқотда бўлдим ва уларнинг йўл-йўриқларига таяниб, иш кўрдим. Матбуотда эълон қилинган пуб-



лицистик мақолаларим асосида «Умрим лаҳзалари» номи билан китоб яратдим.

Жонажон диёрим – Ўзбекистон Мустақиллигининг иккинчи йили мен учун унутилмас воқеага айланди. Мени Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолигига лойиқ топишди. Республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси, шоир Жамол Камол қўлидан аъзолик гувоҳномасини олар эканман буюк адиблар ва шоирлар сифидан мен ҳам жой олганлигимдан ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Ижодимга хизмат вазифаларим асло халал бермади. Аксинча, у мен учун ҳаёт мактабини ўтади. Илк меҳнат фаолиятимни ўқитувчиликдан бошлаб, халқ таълими тизимида раҳбарлик лавозимларида, шаҳар ва Республика давлат идораларида масъул вазифаларда қирқ йил узлуксиз равишда фаолият кўрсатдим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотдим, гоҳо тўсиқларга, зиддиятларга ҳатто адолатсизликларга ҳам дуч келдим. Аммо ҳалол, виждонан меҳнат, покиза имон мушкул муаммоларни бартараф этишда менга мададкор бўлди. Халқ хизмати жон-у дилдан бажариш, унинг оғирини енгил қилиш, ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндошиш, ҳалол, тўғри сўз ва қатъиятли бўлиш каби хислатларни фазилатимга сингдиришда жуда кўп устозларнинг сабоқларини олдим ҳамда улар каби халқ орасида обрў топишга интилдим. Жумладан, давлат ва жамоат арбоблари, моҳир раҳбарлар - Воҳид Козимов, Толиб Содиқов, Азиз Қозиев, Владимир Смотров, Ҳожиакбар Камолов, Ҳусниддин Орипов, Собир Юсупов, Атхам Миржалилов, Шоиноят Шоабдурахимов, Хадича Отаматова, Жўра Йўлдошев каби устозларим ўз касбларининг чинакам фидойилари эдилар.

Қирқ йилдан мўлроқ ижод қилдим. Шеърларим айрим шоирларникига ўхшаш сон жиҳатдан кўп бўлмади. Чунки мен қалбим даъват қилгандагина қўлимга қалам олдим. Қалам орқасидан машҳур бўлиш,

шуҳрат топиш, элга доврӯф солиш асло ҳаёлимга келмаган.

Менинг бахтим – Ўзбекистон деган жаннатмакон ўлкада туғилдим, ота-боболарим эриша олмаган орзуга эришдим. Жонажон юртимнинг мустақиллигини кўрдим. Икки аср, икки тузум юзига юз тутдим. Аллоҳ ўзининг улуғ немати – ижод неъматини менга раво кўрди. Эл ичида катта обрўга ва ҳурматга сазовор бўлган ота-онанинг фарзанди бўлдим. Уларнинг ва яхшиларнинг дилдан қилган дуосини олишга муяссар бўлдим. Баҳоси йўқ содиқ ва вафодор ёрга умр йўлдош бўлишдек бахтга эришдим. Тангри бизларга ақлли-хушли, соғлом уч нафар ўғилни, одобли, ҳаёли, уч бокира қизни инъом этди. Улар палагидан кўпайган зурриётларнинг бобоси бўлиш насиб қилди. Ҳар таваллуд кунимда ўтган умримни сарҳисоб этиб унинг ҳайрли, мазмундор ўтаётганлигидан яратганга шукроналар айтаман.

Сизга тортиқ қилаётган китоб ҳам кечаётган ҳаётим «Шукрона» сидир.

МУАЛЛИФ

**МУНДАРИЖА**

Тавалло .....	4
Саккизлик .....	4
Агар... ..	5
Ойша она сўзлари .....	5
Дарахт .....	6
Самар .....	6
Висол .....	7
Терак .....	7
Ташбеҳ .....	8
Савол .....	8
Халқим .....	8
Шукрона .....	9
Дил изҳори .....	9
Жаннатмакон ўлка .....	10
Ким ожиз? .....	12
Хонандага .....	13
Тақдир .....	13
Умр .....	14
Соғинч .....	14
Муҳаббат .....	15
Лола .....	16
Сохта ҳусн .....	17
Мактуб .....	17
Илҳом .....	18
Мангу шаҳар .....	18
Аёл .....	19
Темур .....	20
Шоир ўзи ким? .....	21
Муслимлар сўзи .....	22
Қора .....	22
Муаллим .....	23
Гўзал .....	24
Самимий гузалга .....	24
Фарзанд .....	25
Баҳор нафаси .....	26
Меҳри қуёш .....	27
Майнинг найранги .....	28

Наҳот? .....	30
Истиқлол тенгдошлари .....	31
Турфа тириклик .....	32
Боқийлик .....	32
Чора .....	33
Фарзанд .....	33
Армон .....	34
Булут .....	34
Не учун .....	36
Давр бир келар .....	37
Бормикан .....	38
Кетолмасман .....	39
На қилай .....	40
Билмадим .....	41
Бўлмағай .....	42
Кўзлагил .....	43
Сўз .....	44
Ислама .....	45
Кўрсат .....	46
Тўй муборак .....	47
Кўрмасин .....	48
Этолмас .....	48
Ота-она ризоси .....	49
Узилмасин ердан оёғинг .....	50
Тўртликлар .....	51
Дебоча .....	70
Олтин зангламас .....	76
Богбон .....	77
Мангулик .....	78
Отамга .....	79
Мададкор эдингиз .....	80
Қутлуғ ёш муборак! .....	81
Қани .....	82
Фозил .....	83
Устоз шоирга Абдулла Ориповга .....	84
Мадҳия (Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубовга) .....	85
Дўстлик қасидаси .....	86
Ифтихор .....	87

Азиз инсон эрурсиз .....	88
Музаффар ёш .....	88
Қорхат .....	89
Таваллуд кунда .....	90
Умр мазмуни .....	91
Улуғ неъмат .....	92
Асрий баҳс .....	94
Амалпарастга .....	95
Сиҳатгоҳ .....	95
Ибрат .....	96
Нафс .....	98
Бир ҳикмат сири .....	99
Шифокорга илтимос .....	101
Устоз ва шогирд .....	102
Ифвогар .....	103
Яшнаб ўтасан .....	104
Илтижо .....	106
Юрагимдасан .....	110
Садоқат юлдузлари .....	112
Қутлуғ тупроқ .....	125
Мўъжаз ватан .....	134
Сарбон .....	156
Ўзибек ботир (замонавий эртак) .....	164
Донишманд ота ва уч ўғлон .....	174
Ёрқанотнинг шабқўрлиги ҳақида эртак .....	177
Оқ қанот ва бир гужум узум .....	178
Юмронқозик нечун ер кавлар .....	184
Қора денгиз ҳақида икки эртак .....	189
Туямўйин эртаги .....	194
Қовоқари нима учун гўнғиллайди .....	196
Бахтиёрлар қўшиғи .....	198
Келажаги буюкман .....	200
Бўйим ўсибди .....	200
Доктор бўламан .....	201
Бодроқ .....	201
Тут .....	201
Болалар айтишуви .....	202
Китоб .....	202
Ризқ .....	202

Эъзозахон эъзозда .....	203
Қундуз .....	204
Соғинч .....	204
Қушлар дўстимиз .....	205
Қудратжоннинг бузоғи .....	206
Азизжоннинг тойчоғи .....	206
Ишонч қолдир .....	207
Барвақт тур .....	207
Фолбин .....	208
Дадам капитан .....	208
Соғлом авлодсан .....	209
Одам чиройи нима? .....	210
Аччиқ ҳақиқат .....	212
Ўзим ҳақимда .....	229

*Адабий-бадiiй нашр*

ШУКУР ДАДАШ

**САЙЛАНМА**

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Бадiiй муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 24.12.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 7,5+вкл.0,25.

Шартли босма тобоғи 12,6+вкл.0,42.

Гарнитура «Bookman Cyp+Uzb». Офсет қороз.

Адади 700 нусха. Буюртма № 286.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АІ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru